

## **Низамова Саида Адиловна**

# КИМЁ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН УСЛУБЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

<b>K</b>	<b>19</b>	<b>Ca</b>	<b>20</b>	<b>Sc</b>	<b>21</b>	<b>Ti</b>	<b>22</b>	<b>V</b>	<b>23</b>	<b>Cr</b>	<b>24</b>	<b>Mn</b>	<b>25</b>	<b>Fe</b>	<b>26</b>	<b>Co</b>	<b>27</b>	<b>Ni</b>	<b>28</b>
		КАЛЬЦИЙ 40.08		СКАНДИЙ 44.96		ТИТАН 47.86		ВАНАДЕЙ 50.94		ХРОМ 52.00		МАРИАНДИЙ 54.938		ЖЕРМОЛ 55.931		КОБАЛЬТ 58.931		НИКЕЛЬ 58.931	
<b>35</b>	<b>Cu</b>	<b>30</b>	<b>Zn</b>	<b>Ga</b>	<b>31</b>	<b>Ge</b>	<b>32</b>	<b>As</b>	<b>33</b>	<b>Se</b>	<b>34</b>	<b>Br</b>	<b>35</b>					<b>Kr</b>	
		МЕДЬ 63.55		ГАДЛИЙ 69.72		ГЕРМАНИЙ 72.65		МЫШЬЯК 74.922		СЕЛЕН 78.95		БРОМ 79.904						КРИПТОН 83.8	
<b>37</b>	<b>Sr</b>	<b>38</b>		<b>39</b>	<b>Y</b>	<b>40</b>	<b>Zr</b>	<b>41</b>	<b>Nb</b>	<b>42</b>	<b>Mo</b>	<b>43</b>	<b>Tc</b>	<b>44</b>	<b>Ru</b>	<b>45</b>	<b>Rh</b>	<b>46</b>	<b>Pd</b>
		СТРОНЦИЙ 87.62		ИТРИЙ 88.902		ЦИРКОНИЙ 91.20		НИБОНИЙ 91.906		МОЛИБДЕН 95.94		ТЕХНЕЦИЙ 95.94			РУТИНИЙ 101.07		РОДИУМ 102.904		ПАЛАДИЙ 106.42
<b>47</b>	<b>Ag</b>	<b>48</b>	<b>Cd</b>	<b>In</b>	<b>49</b>	<b>Sn</b>	<b>50</b>	<b>Sb</b>	<b>51</b>	<b>Te</b>	<b>52</b>	<b>I</b>	<b>53</b>					<b>Xe</b>	
		СЕРЕБРО 107.87		КАДМИЙ 112.41		ИНДИЙ 114.82		ОЛОВО 118.69		СУРЬМА 121.75		ТЕЛЛУР 127.6		ИОД 126.905					КСЕНОН 131.3
<b>55</b>	<b>Ba</b>	<b>56</b>		<b>57-71</b>		<b>72</b>	<b>Hf</b>	<b>73</b>	<b>Ta</b>	<b>74</b>	<b>W</b>	<b>75</b>	<b>Re</b>	<b>76</b>	<b>Os</b>	<b>77</b>	<b>Ir</b>	<b>78</b>	<b>Pt</b>
		БАРИЙ 137.30		ЛАНТАНОИДЫ			ГАФНИЙ 178.49		ТАНТАЛ 180.98		ВОЛЬФРАМ 185.67		РЕННИЙ 195.377		ОСМИЙ 196.232		ИРИДИЙ 195.27		ПЛАТИНА 195
<b>89</b>	<b>Al</b>	<b>80</b>	<b>Hg</b>	<b>Tl</b>	<b>81</b>	<b>Pb</b>	<b>82</b>	<b>Bi</b>	<b>83</b>	<b>Po</b>	<b>84</b>	<b>At</b>	<b>85</b>					<b>Rn</b>	
		АЛЮМИНИЙ 101.96		ТАЛЛИЙ 204.37		СВИНЕЦ 207.19		ВИЧУМУТ 210.76		ПОЛОДНИЙ 210		АСТАТ 210						РАДОН 222	
<b>87</b>	<b>Ra</b>	<b>88</b>	<b>89-103</b>	<b>Fr</b>	<b>105</b>	<b>Db</b>	<b>106</b>	<b>Sg</b>	<b>107</b>	<b>Bh</b>	<b>108</b>	<b>Hs</b>	<b>109</b>	<b>Mt</b>	<b>110</b>				

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ИНСТИТУТИ**

**Низамова Саида Адиловна**

**Кимё фанини ўқитишда инновацион  
услубларнинг қўлланилиши**

(Ўқитувчилар учун ўқув-услубий қўлланма)

**«Sano-standart»**

**Тошкент-2020**

**УЎК: 372.854:371.388(072)**

**КБК: 74.262.4**

**Н 57**

**НИЗАМОВА С. О.**

**Кимё фанини ўқитишида инновацион услубларнинг қўлланилиши**

(Ўқитувчилар учун ўқув-услубий қўлланма) / Нашрга тайёрловчи: Низамова С.А. – Т.: «Sano-standart» нашриёти, 2016 йил, 132 бет

**ISBN 978-9943-4737-8-2**

*Бу ўқув қўлланмада кимё фанини ўқитишининг сифат ва самарадорлигини оширишида қўлланиладиган замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг мазмуни ёритилган, узлуксиз таълим тизимида кимё фани дарслари жараёнида улардан фойдаланиши бўйича ўқитувчиларга методистларга, магистрантларга ва талабаларга дарс ишланмалари ҳамда методик тавсиялартақдим этилган. Шунингдек, ўқитиши жараёнида инновацион усуллардан фойдаланиши ва дарс жараёнига татбиқ этиши тажрибалари муфассал ёритилган.*

*Масъул муҳаррир:*

**Х. Т. ОМОНОВ**

*Тошкент молия институти “Касбий таълим”  
кафедраси педагогика фанлари доктори, профессор*

*Тақризчилар:*

**Ю. Г. Махмудов**

*T. N. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари  
илемий тадқиқот институтининг бош илемий ходими,  
педагогика фанлари доктори, профессор*

**Д. Усмонова**

*Тошкент кимё-технология институти қошидаги  
академик лицейининг кимё фани ўқитувчиси*

**Ш. Маннонова**

*2-Республика тиббиёт коллежининг кимё фани ўқитувчиси.*

Ўқув-услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика Таълим маркази қошидаги илемий услубий кенгаш аъзолари таркибидаги ишчи гурӯҳнинг 2009 йил 25-сентябр 3-сонли баённомаси билан тасдиқланди. нашрга тавсия этилди. 2020 йил тўлдирилди. .

Ўқув-услубий қўлланма Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти Илемий Кенгашининг 2015 йил 11-декабрдаги 6-сонли мажлиси баённомаси асосида нашрга тавсия этилди.

**ISBN 978-9943-4737-8-2**

© «Sano-standart» нашриёти, 2016.

## Кириш

Хар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми ва ҳаётий зарурати бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Бугунги қунда мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш, унга илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш, ҳамда таълим самарадорлигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. “Таълим тўғрисидаги Конун” ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг қабул қилиниши билан узлуксиз таълим тизими орқали замонавий кадрлар тайёрлаш учун методологик ва назарий ҳамда амалий асос яратилди.

Узлуксиз таълим- чукур, ҳар тарафлама асосли таълим-тарбия бериш, мутахассис кадрлар тайёрлашнинг турли шакл, усул, восита, услуг ва йўналишларининг мукаммал уйғунлигидан иборатдир. Узлуксиз таълим турли компонентлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, муайян усуллар ва услубларнинг таълим жараёнига оқилона татбиқ этилишини таъминлайди. Маълумки, таълим-тарбия жараёнларининг концептуал негизини яхлитлик,узвийлик ва узлуксизлик белгилайди , узлуксизлик ва узвийлик таълим тизимда ортиқча такрорийликка чек қўйиб, аввало, жамиятнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини кенгайтиради, колаверса, давлатнинг ижтимоий ва илмий -техник тараққиётини такомиллаштириш омили сифатида ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланишини таъминлайди. Педагогик технологияларнинг ривожланиши ва уларнинг ўқув-тарбия жараёнига кириб келиши, шунингдек, ахборот технологияларининг тез алмашинуви ва такомиллашуви жараёнида ҳар бир инсон ўз касбий тайёргарлигини, маҳоратини кучайтириш имкониятига эга бўлади. Таълимнинг барча босқичларига оид умумий педагогик ва дидактик талаб талабалар, билим олувчиларнинг кенг қамровли дунёқараши,тизимли маълумотлар ва фактик жамғармага эга бўлиши ҳамда тасаввур ва кўникумалар асосида мустақил ишлаш самарадорлигини оширишга ундейди, илмий фикрлашга ўргатади , ўқув фанига қизиқишини кучайтиради, касбий билимларини чукурлаштиради, назарий ва амалий машғулотлар мобайнида эса уларнинг фаоллигини орттирилади. Жаҳон педагогик тажрибаси замонавий педагогик технологияларининг талаба (ёки ўқувчи)ларни фанларга қизиқтиришга, уларнинг мустақил ишлашда фаолликларини оширишга имконияти чексиз эканлигини тасдиқламоқда.

Таълимнинг бугунги вазифаси ўқувчиларни кун сайин ошиб бораётган ахборот-таълим муҳити шароитида мустақил равишда фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан оқилона фойдаланишга ўргатишдан иборатdir. Бунинг учун уларга узлуксиз равишда мустақил ишлаш имконияти ва шароитини яратиб бериш зарур.

. Таълим самарадорлигини ошириш, ва ёшларни мустақил билим олишлари учун таълим муассасаларга яхши тайёргарлик кўрган, ўз фани соҳасида интерфаол усулларни биладиган ва ўз дарсларида уларни татбиқ этадиган ўқитувчилар керак. Бунинг учун барча фан ўқитувчиларини янги педагогик технология ва интерфаол усуллар билан қуроллантириш лозим. Ҳар бир ўқитувчи ўз фани соҳасида мустақил ишлаши лозим , шунинг билан бир қаторда , инновацион технологиялар шароитида кимё ўқитувчисининг ўқитищдаги самарали методлар ва воситаларни мазмунан янгилаш ,методик тайёргарлигининг таркибий қисимларига муайян ўзгартиришлар киритиш, амалий машғулотлар ва тажрибаларни бажаришда асбоб-ускуналардан ,жиҳозлардан самарали ва унумли фойдаланиш йўлларини топиш ,уларга оид тавсиялар яратиш ,кимёни ўқитищда инновацион технологиялардан фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиши бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Кимё фанини ўқитиши жараёнида қўлланилаётган усуллар ўқувчининг тайёр билимларни эгаллашига қаратилганлиги сабабли ҳозирги замон талабига жавоб бермаяпти.Агар кимё таълими жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланилса ,ўқувчиларнинг эгаллаётган билимлари барқарор бўлади ва онгли равишда шахс сифатида мустақил хуносаларни чиқарадилар. Бу жараён шахснинг ривожланишига ҳамда мустақил билим олишига йўналтирувчанлик функциясини бажаришга ёрдам беради..

Ана шу мақсадда кимё фанидан дарс самарадорлигини ошириш ва сифат кўрсаткичларига эришиш учун қилинган саи-ҳаракатлар натижасида ушбу монография юзага келди. .Бу монографияда.кимёни ўқитиши жараёнида инновацион технологияларнинг қўлланилиши, ўтказиладиган амалий машғулот ва лаборатория тажрибаларини замонавий жиҳозлар ёрдамида бажариш тартиблари , медиатехнологияларнинг асосий турлари ҳамда юқорида айтиб ўтилган технологияларнинг хусусиятлари ва назарий асослари очиб берилган.Бу технологиялардан дарс жараёнида самарали фойдаланиш бўйича йўл –йўриқлар кўрсатилган, инновацион технологиялар асосида ўтказилган ва такомиллашган дарслардан намуналар келтирилган . Медиатехнология асосида ўтказилган ўқувчи –талабаларнинг мавзулар

бўйича эгаллаган билим,кўникма,малакаларни баҳоловчи, билимидаги бўшликларни ўз вақтида аниқловчи ва уларни ўз вақтида бартараф этувчи жорий назорат турларидан намуналар ,фанни чуқур ўзлаштириши учун интернет тармоклари орқали берилган дарс ишланмаларидан намуналар , ўтиладиган мавзулар асосида мавзууни пухта ўзлаштириш учун электрон тест саволларидан намуналар келтирилган.

## **1.Кимёни ўқитишда фойдаланиладиган умумий методлар**

**Метод-юононча** сўз бўлиб, мақсадга эришиш йўлинни билдиради. Муҳим кашфиётларни амалга оширишда, фан олдига қўйилган муаммони тез ҳал қилишда, ишни бажариш методикаси алоҳида муҳим роль ўйнайди. Тўғри услугуб билан бажарилган илмий текширишлар олимларни буюк кашфиётларга олиб келган, фан ва саноатдаги муҳим муаммоларни тез ҳал қилиш имкониятини очиб берган.

Дидакт олим Ю.К.Бабанский ўқитиш услубларини қўйидагаларга бўлган:

- ўқитишинг оғзаки услуби;
- ўқитишинг кўргазмали услуби;
- ўқитишинг амалий услуби;
- ўқитишинг муаммоли изланиш услуби;
- ўқитишинг мантиқий услуби;
- мустақил ишлаш услуби;
- ўқитишда ўқувчилар фаолиятини рағбатлантириш ва асослаш услуби ;
- ўқитишинг назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш услуби.

Дарс беришнинг бир неча хил усуллари бор.

**Анъанавий усул:** дарснинг оғзаки баёни, сухбат, дарслик билан ишлаш, намойиш қилиш, амалий машғулот ва лекция.

**Ноанъанавий усул:** конференция, семинар, мунозара, техник воситалардан фойдаланиш, касбга боғлаш, ёзма ишлар, тест ва ўйлаб топ сўз ўйини.

**Умумий усул:** тушунтириш, намойиш этиш, муаммони ўқитиш, таққослаш ва изланиш.

**Фаол усул:** фикрлашга мажбурлаш, гурӯхларга бўлиш, кузатув, иш қоғозлари, ташриф, анкета саволлари, кўргазмалар, ҳикоя қилиш, сахналаштириш, иш қоғозлари касеталарни тинглаш, интернетта уланиш ва ўз-ўзини атесстация қилиш.

**Психологик усул:** ақлий бўрон, Венн диаграммаси, занжир усули, кластер усули, кубик бурчаклари, тоифали шарҳ, икки қисмли кундалик ва инсерт усули.

- 1.Ақлий бўрон кетма-кет саволлар хужуми.
- 2.Венн диаграммаси: хоссаларини таққослаш
- 3.Занжир - жавоблар кетма-кетлигига эришиш
- 4.Кластер-ким кўп, тез чаққон жавобга эришиш
- 5.Сўз ўйини-1 та сўздан турли сўзлар келтириб чиқариш.
- 6.БББ-биламиз-бilmоқчимиз-билдик.
- 7.Кубик-1 та хоссани кубиклар томонига изоҳлаш
- 8.Синквейн-материални қисқа формада баён қилиш
9. 2 қисмли кундалик-савол-жавоб.

### **Таълим жараёнида инновация услубларидан фойдаланиш .**

Инновация технологиялари инглизча сўздан олинган бўлиб, "innovation" - янгилик киритиш маъносини англатади У педагогик жараён , яъни ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятидаги ўзгаришни , янгилик киритишни, ўқув жараёнида интерфаол услублардан тўлиқ фойдаланишни ўз ичига олса, унинг воситалари эса ўқувчининг ўқитувчи билан биргаликдаги фаолияти орқали таълим мазмунига таъсир кўрсатишни ўз ичига олади.

Ўқитувчи бу жараёнда ўқувчи ёки талаба ва жамоа билимининг шаклланиши ва ривожланишига шароит яратади. Кимё дарслари жараёнида инновация технологияларидан фойдаланишнинг асосий афзалликлари сифатида қуидагиларни белгилаш мумкин:

1. Инновация технологияларидан кимё фанини ўқитишида фойдаланиш талаба ва ўқувчиларнинг билимини ривожланишига йўналтирилган таълимни амалга ошириш имкониятларини янада кенгайтиради.

2. Инновация технологиялари кимё фанини ўқитишда ўкув-тарбия жараёнига тизимли асосида ёндашувни кенг жорий этиш имкониятини беради.

3. Инновация технологиялари кимё фанини ўқитишда ўқитувчини таълим-тарбия жараёнининг мақсадларини аниқлаб, ташхис тизимини тузиш ва жараён ечимини назорат қилишгача бўлган технологик занжирни олдиндан лойиҳалаштириб олишга ундаиди.

4. Инновация технологиялари кимё фанини ўқитишда янги восита ва ахборот усулларини қўллашга асосланганлиги ва уларнинг қўлланилиши “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларини амалга оширишни таъминлашга хизмат қиласди.

5. Инновация технологиялари асосида ўтказилган машғулотлар ёшларнинг муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммоларга ўз муносабатларини билдиришга, билим ва кўникмаларга интилишларини қондириб, уларни фикрлаш ва ўз нуқтаи назарларини асослашга имконият яратади.

6. Ҳозирги даврда содир бўлаётган инновация жараёнларида таълим тизими олдидаги муаммоларни ҳал этиш учун янги ахборотни ўзлаштириш ва ўзлаштирилган билимни ўқувчиларнинг ўзлари тамонидан баҳоланиши, танқидий қарорларнинг қабул қилиниши, мустақил ва уларни эркин фикрлай олишларига олиб келади.

Инновация технологияси ва уларнинг таълимда қўлланишига оид билимлар, тажрибалар ўқувчиларни юксак билимли ва интеллектуал салоҳиятга, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

### **Инновация технологияларини дарс жараёнига татбиқ этишининг афзаллик томонлари:**

- ўқувчиларнинг дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш ижод қилиш ва изланишга имкон яратилади;

- ўқувчиларнинг ўқув жараёнида фанга бўлган қизиқишиларини доимийлигини таъминланади;
- ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишиларини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда билимга бўлган интилишларини кучайтирилади;
- ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини доимий равишда ташкил этилади;.
- кимё фанини ўқитиш жараёнида қўлланилаётган услублар, усуллар ўқувчиларнинг тайёр билимларни эгаллашга қаратилганлиги сабабли ҳозирги замон талаблари даражасида етарли эмаслиги юзага келмоқда ва замон талабига жавоб бермаяпти. Агар кимё таълими жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланилса, ўқувчиларнинг эгаллаётган билимлари барқарор бўлади, онгли равишда хуносаларни чиқаришга ўргатади;
- бу жараён шахснинг ривожланишига, мустақил билим олишига йўналтирувчанлик функциясини бажаришга ёрдам беради.

Бундай услубларнинг ўзига хослиги шундаки, улар факат педагог ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади. Бундай ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга:

-ўқувчиларнинг дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш ижод қилиш ва изланишга имкон яратиш ;

-ўқувчиларнинг ўқув жараёнида фанга бўлган қизиқишиларини доимийлигини таъминлаш;

-ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишиларини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда билимга бўлган интилишларини кучайтириш;

-ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини доимий равишда ташкил этиш;.

Шу сабабли инновация технологиялари шароитида бўлғуси кимё ўқитувчисининг ўқитишдаги самарали услубларини ва воситаларини мазмунан янгилаш, услугбий тайёргарлигининг таркибий қисмларига муайян

ўзгартиришлар киритиш, амалий машғулотлар ва тажрибаларни бажаришда асбоб-ускуналардан, жиҳозлардан самарали ва унумли фойдаланиш йўлларини топиш, уларга оид тавсиялар яратиш, кимёни ўқитишида инновация технологияларидан фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб муоммоларидан биридир. Кимё фанини ўқитиши жараёнида қўлланилаётган усууллар ўқувчиларнинг тайёр билимларни эгаллашга қаратилганини сабабли ҳозирги замон талаблари даражасида етарли эмаслиги сезилмоқда ва у замон талабига жавоб бермаяпти. Агар кимё таълими жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланилса, ўқувчиларнинг эгаллаётган билимлари барқарор бўлади, онгли равища шахс сифатида мустақил хulosаларни чиқарадилар. Бу жараён шахснинг ривожланишига, мустақил билим олишига йўналтирувчаник функциясини бажаришга ёрдам беради

Кўйида кимё таълими жараёнида инновация технологияларидан фойдаланган ҳолда, бир соатлик дарс ишланмаларидан намуналарни тавсия этамиз.

### **Мавзу: Олтингугурт элементининг хоссаларини “Идрок харитаси” ёрдамида ўрганиш**

**Тавсифи:** Бу технология ўқувчиларни ўтилган ёки ўтиши лозим бўлган мавзуни якка, кичик гурухларга бўлган ҳолда фикрлашга, ўзлаштирилган билимларни ёдга тушириб, тўпланган фикрни умумлаштириб олишга, уларни ёзма, расм, чизма қўринишида ифодалай олишга, ўқувчиларни эркин мустақил фикрлашга, жамоа бўлиб ишлашга изланишга, фикрни жамлаб кераклигини ажратиб олишга ўргатади. Бу технология тақдимот усулида амалга оширилади.

#### **Дарснинг мақсади : Олтингугурт элементининг хоссаларини ўрганиш**

**Таълимий:** ўқувчиларга олтингугурт элементига хос бўлган хусусиятларни очиб бериш ;

**Ривожлантирувчи:** Олтингугурт элементининг хоссаларини реакция тенгламаларида ифодалай билиш.

**Тарбиявий:** Ўқувчиларда хар бир масалага ижодий ёндашувига эркин фикрлашга, изланишга, масъулиятни ҳис қилишга ва мустақил таҳлил қилишга ўргатиши.

**Қўлланилиши:** семинар, сұхбат, мунозара шаклидаги дарсларда якка ва кичик гурӯҳ, жамоа шаклда фойдаланиш мумкин

### **Ўтказиш тартиби:**

- ўқувчи ёки талабалар шароитга қараб гурӯҳларга ажратилади;
- уларни машғулотни ўтказишга қўйилган талаб ва қоидалар билан таништирилади;
- тарқатма материалларни гурӯҳ аъзолариға тарқатилади ва вазифалар бажарилади ;
- тарқатма материаллар тўлдирилгач ,гурӯҳ аъзоларидан бири тақдимот қиласида.

**Изоҳ :**ўқув машғулотининг бундай ташкил этилиши ўқувчи ва талабаларни мустақил фикрлашга ,ўтилган ва ўзлаштирилган мавзуларни

эслашга ,уларни ёзма баён этишга ,фикрларни умумлаштиришга ўргатади.

**Дарснинг жиҳози :**A-3 форматли қоғозлар , фломастер , скотч .реактивларлардан: KMnO<sub>4</sub>, S, C, ёғоч чўп, Fe қириндилари; пробиркалар темир қошиқча, қуруқ спирт, штатив

**Дарс ўтиш услуби :** интерфаол

**Кўргазма:** турли слайдлар, жадваллар ,дарслик.

**Дарснинг бориши:** дарс ташкил этилади, давомат, ўтилган мавзу ва уй вазифаси аниқланади.

### **Ўтилган мавзуни сўраш:**

- 1.Ўқувчилардан ўтилган мавзуни сўраш учун, мавзуга оид тарқатма материаллар ва кўргазмали қуроллардан фойдаланилади, ўтилган мавзуни сўрашда “Ақлий хужум” усулидан фойдаланилади, доскада уйга берилган мисол ёки масалани ечиш топширилади , ишланган масала ва мисоллар текширилади ҳамда ўқувчиларнинг ишлаб келган топшириклари билан солиширилади..

2. Ўтилган мавзуни оммавий ҳолда сўрашда: ақлий хужум, занжир усули - саволларнинг кетма кетлиги, занжир узулмасдан саволларга жавоб бериш ,реакция тенгламаларини ёзиш ва ўқий билиш ва амалга ошириш каби усуллардан фойдаланилади.

Ўтилган мавзуу “Кластер” усулида мустаҳкамланади ва янги мавзуга боғланади.

Олтингугурт элементини ўрганиш жараёнида аввал лойиха тузилади .Бунинг учун ўқитувчи ўқувчи-талабаларга олтингугурт моддаси деганда сиз нимани тасавур қиласиз ,уни ўрганиш жараёнида нималарни билишингиз керак ,у қандай модда,фойдалими ёки заарлими у билан ҳеч ишлаб кўрганмисиз деган фикирни ўртага ташлайди ва кейинги дарсда олтингугурт элементига таълуқли янгилаклар топиб келиш топширилади Ўқувчи-талабалар янги мавзуни тайёрлашда кўп маълумотлар йиғиб келадилар ва уларнинг йиғиб келган маълумотлари асосида янги мавзуни ўрганилади.

### **Янги мавзу: Олтингугурт элементининг хоссаларини “ Идрок харитаси”**

#### **ёрдамида ўрганиш.**

Олтингугурт элементининг хоссаларини идрок харита ёрдамида ўрганишда аввалимбор досканинг ўртасига айлана чизиб, унинг ичига олтингугурт элементи ёзилади ва ўқувчиларга мурожаат қилинади. Қани азиз ўқувчилар ҳар бир элементни ўрганиш жараёнида S мисолида биз нималарни билишимиз керак?. Ўқувчилар бирин кетин айлананинг ён томонидан чизиқлар чиқариб , ўз фикрларини баён қилишади. Бу жараён қуйидагича боради. Атрофдаги чизилган чизиқларга 1-табиатда учраши, 2- физик хоссалари, 3-кимёвий хоссалари, 4-олиниши, 5 - ишлатилиши, 6-даврий системадаги ўрни, 7- оксидлари ва уларнинг хоссалари, 8-кислоталар ва уларни хоссалари ёзилади.

(12-бетдаги “Идрок харитаси”га қаралсın)

Хар бир чиқарылған чизиқ қуидагида ўрганилади:





**Табиатда учраши:** олтингугурт табиатда эркин ҳолда: ромбик шаклда, моноклиник ва пластик шаклларда учрайди; Бирикма ҳолда оксидлардан:  $\text{SO}_2$ ,  $\text{SO}_3$ , кислоталардан:  $\text{H}_2\text{S}$ ,  $\text{H}_2\text{SO}_3$ ,  $\text{H}_2\text{SO}_4$ , тузлардан:  $\text{FeS}$ ,  $\text{CuS}$ ,  $\text{PbS}$ ,  $\text{ZnS}$ ,  $\text{HgS}$ ,  $\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{MgSO}_4 \cdot 7\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Na}_2\text{SO}_4 \cdot 10\text{H}_2\text{O}$  учрайди.

**Даврий системадаги ўрни:** олтингугуртнинг кимёвий белгиси S , II- давр, 2-қатор, IV-гурұх, -II ,+II, +IV,+VI валентли, тартиб номери-16, нисбий атом массаси -32, металл әмас, бирикмалари:  $\text{H}_2\text{S}$ ,  $\text{SO}_2$ ,  $\text{SO}_3$  ; атом түзилиши + 16) 2) 8) 6) , p= +16, e = -16, n =16




**Физик хоссалари:** кимёвий боғланишнинг ковалент қутбсиз турини хосил килади, металл әмас, зичлиги  $2\text{g/cm}^3$  суюқланиш температураси  $112\text{ C}^0$ , қайнаш температураси  $444\text{ C}^0$ . электр токи ва иссикликни ёмон ўтказади.

**Кимёвий хоссалари:**


У оксидловчи



У кучли қайтарувчи.



**Олиниши:** олтингугурт эркин ва бирикма ҳолда олинади.



**Ишлатилиши:** каучук, гугурт, сульфат кислота ишлаб чиқаришда, дори дармон, зааркурандаларга қарши химикатлар олишда, порох ишлаб чиқаришда, коғоз ишлаб чиқаришда, тиббиётда, қурилишда ва б.. ишлатилади.

**Олтингугуртнинг оксидлари:** таркиби тузилиши, физик, кимёвий хоссалари, олиниши, ишлатилиши.

**Олтингугуртнинг кислоталари:** таркиби тузилиши, физик ва кимёвий хоссалари, олиниши ва ишлатилиши.

**Олтингугуртнинг тузлари:** таркиби тузилиши, физик ва кимёвий хоссалари, олиниши ва ишлатилиши.

Чизилган харита 5-соатли дарсга мўлжалланган.

**Кутиладиган натижа:** қисқа вақт ичида мавзууни ўзлаштиришга, хотирада узоқ вақт сақланишга ёрдам беради, фикрни бошқаларга етказишга, ахборотни мустақил ўрганишга, савол бериб, унга жавоб топишга, нутқни ривожлантиришга, ўзини ўзи назорат қилишга ҳамда билимини баҳолашга, қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлишга ўргатади.

Шундай қилиб кимё дарсларида ўқувчи доимий равища замонавий педагогик технологияларга таянган ҳолда фаолият юритса:


-ўқувчиларнинг янгиликка интилевчанлиги, уларни излаб топишга ва амалиётга қўллашга нисбатан қўникмаси ва малакаси шаклланади;

-узлуксиз ўз устида ишлаш қўникмаси шаклланади;

- инновация, интерфаол муҳитда таълим олади;

-ўқувчи дарс жараёнида харакатланувчи кучга айланади. Бу эса таълимда сифат ва самарадорликни таъминлайди . Ўқувчиларнинг ўқиш фаолиятини тубдан ўзгартиб, келажакда етук, эркин фикирловчи, жаҳон стандартлариға жавоб берса оладиган мутахассис кадрлар бўлиб етишишига имкон яратади

Ziyouonet.uz



**N<sub>2</sub> элементнинг ҳоссаларини ўрганишда “Зинама-зина” технологияси.**

**Тавсифи:** Бу технология ўқувчиларни ўтилган ёки ўтиши лозим бўлган мавзуни якка, кичик гурухларга бўлган ҳолда, фикрлашга, ўзлаштирилган билимларни ёдга тушириб, тўпланган фикрни умумлаштириб олишга, уларни ёзма, расм, чизма кўринишида ифодалай олишга, ўқувчиларни эркин мустақил фикрлашга, жамоа бўлиб ишлашга изланишга, фикрни жамлаб, кераклигини ажратиб олишга ўргатади. Бу технология тақдимот усулида амалга оширилади.

**Мақсад:**  $N_2$  элементининг хоссаларини ўрганишда “Зинама-зина” технологияси.

**Таълимий:**  $N_2$  – элементининг хоссаларини ўрганиш.

**Ривожлантирувчи:**  $N_2$  элементининг хоссаларини реакция тенгламалари асосида ўрганиш.

**Тарбиявий:**  $N_2$  элементининг биологик аҳамиятини ўрганиш

**Қўлланилиши:** амалий машғулот семинар, лаборатория машғулотлари ҳамда сухбат мунозора шаклдаги дарсларда якка ва кичик гурух, жамоа шаклда фойдаланиш мумкин

**Қўланиладиган воситалар** А-3, А-4 форматли қоғозлар, фламастр, скотч, топшириқлар ёзилган варақлар.

**Ўтказиш тартиби:** Синфдаги барча ўқувчилардан 4 кишидан иборат бўлган, 8-та гурух тузилади, машғулотнинг мақсади, ўтказилиш тартиби билан таништирилади ва саволларга жавоб топиш учун вақт берилади. Жавоб тақдимот усулида олиб борилади, тақдимот даврида ўқувчилар томонидан берилган жавоблар магнитли ёки оддий доскага зинама зина шаклида илинади. Ўқитувчи уларнинг жавобини эшишиб бўлгандан сўнг, уларнинг фикрлари асосида мавзу муҳокама қилинади. Белилган жавобларга изоҳ берилади. Ўқувчиларнинг билими агар лозим бўлса, қўшимча саволлар берилаб баҳоланади ва мавзу мустахкамланади, уйга вазифа берилади.

**Услуб:** интерфаол

**Дарснинг жиҳози** :кўргазма: турли слайдлар, таблица, дарслик, даврий система..

**Дарснинг бориши:** дарсни ташкил этиш давоматни, бугунги кун янгиликлари ва уй вазифаси аниқланади.

Ўтилган мавзуни сўраш: ўтилган мавзуга оид тарқатма материаллар, кўргазмали қуроллар , уйга берилган мисол ёки масалани ечиш ва дафтарда ишлаб келингани билан солиштириш топширилади.

Оммавий ҳолда ўтилган мавзуни сўрашда: ақлий хужум, занжир усули саволларнинг кетма кетлиги, занжир узулмасдан саволларга жавоб бериш, реакция тенгламаларини ёзиш ва ўқий билиш усулларидан фойдаланилади

### **Янги мавзу: N<sub>2</sub> элементнинг ҳоссаларини ўрганишда “Зинама-зина” технологияси**

“Зинама зина” усулидан фойдаланиб, N<sub>2</sub> элементининг ҳоссаларини ўрганишни қуидагича олиб борилади. Синфдаги ўқувчиларни 8 грухга 4 та ўқувчидан бўламиз ва уларга топшириклар берамиз.

Топшириклар қуидагилардан иборат :

1 грухга – Азот табиатда қандай агрегат ҳолатда учрайди , диаграмма асосида тушунтириб беринг.

2 грухга – Азотнинг даврий системадаги ўрни қандай ,”Кунгабоқар” усулида тушинтиринг ?

3 грухга - N<sub>2</sub> қандай физик ҳоссаларга эга?

4 грухга - N<sub>2</sub>нинг кимёвий ҳоссаларини реакция тенгламаларида ифодалаб беринг.

5 грухга - N<sub>2</sub> саноатда қандай олинади ?.

6 гурухга -  $N_2$  лабораторияда қандай олинишини реакция тенгламаларида ифодалаб беринг.

7 гурухга -  $N_2$ нинг ишлатилиш соҳалари қайсилар ?.

8 гурухга -  $N_2$ нинг биологик ахамияти қандай?

Гурухларга жавобларни тайёрлаши учун 15 минут вақт берилади.

15 минут вақтдан сўнг уларнинг жавоблар тақдимоти эшитилади.

**1-гурух аъзорлариниг тақдимоти:** Азот табиатда қандай холатда учрайди? Уни қуидагича тушунтиришади





Диаграмма чизилади  $N_2$  атмосфера ҳавосинининг 78%ни ташкил этади, ер қобигини 0,04% ни ташкил этиши - бошқа элементлардан атмосферада эркин ҳолда, учраши билан, ернинг устки қисмида бирикмалар ҳолида кўп учраши билан фарқланади. Бирикма ҳолда эса турли тоғ жинслари, минераллар, шаклида, барча тирик организмлар хужайрасида турли хил бирикмалар ҳолда ўчрайди. Оқсилярнинг асосий таркиби ҳисобланади.

**2– гурух аъзоларининг тақдимоти.** Азотнинг даврий системадаги ўрни қандай?


Бу тақдимотни ўқувчилар “Кунгабоқар” усулида тушунтиришади.



1. Кимёвий белгиси :  $N_2$
2. II- давр
3. 2 -қатор
4. V- гурұх (ac)
5. Металл әмас.
6. III-V валентлик.
7. Тартиб рақами 7
8. Нисбий атом массаси 14
9.  $O_2^-$  ли бирикмаси  $NO - N_2O_5$
10.  $H_2$  ли бирикмаси  $NH_3$
11. атом түзилиши +7) 2) 5)
12.  $p = +7$
13.  $e = -7$
14.  $n = 7$
15. Электрон конфигурацияси  $1s^2 2s^2 2p^3$

**3-- гурұх аъзоларининг тақдимоти:**  $N_2$  қандай физик ҳоссаларга эга?

Азот рангсиз, ҳидсиз, мазасиз газ, ҳаводан бироз енгил , сувда оз эрийди, молекулар кристалл панжарага эга, ковалент боғни қутбсиз боғланишини ҳосил қиласы. Бу боғланиш жуда пишиқ сабаби , 2-та азот атоми бир бири билан 3-та  $\pi$  боғ ва 1-та  $\sigma$  боғ билан боғланған. Бу боғлар үзаро перпендикуляр ҳолатда жойлашған



**4- гурух аъзоларининг тақдимоти.** N<sub>2</sub>нинг кимёвий ҳоссаларини реакция тенгламаларида ифодаланг.

N<sub>2</sub> ни реакцияга кириштириш қийинлиги , айнан шу қўш боғларнинг пишиқлигидир. Бунинг учун N<sub>2</sub> молекуласини ажратиш лозим , бунинг учун реакцияларни қиздириш йўли билан олиб борилади.

- 1)  $6Li + N_2 \rightarrow 2Li_3N$
- 2)  $3Ca + N_2 \rightarrow Ca_3N_2$
- 3)  $2Al + N_2 \rightarrow 2AlN$
- 4)  $N_2 + 3H_2 \rightarrow 2NH_3$   
t>p
- 5)  $N_2 + O_2 \rightarrow 2NO - Q$
- 6)  $3Mg + N_2 \rightarrow Mg_3N_2$


Ўқувчилар ёзган тенгламаларини тушунтириб берадилар, реакцияларни тенглаб, ўқийдилар.

**5- гурух аъзоларининг тақдимоти.** N<sub>2</sub> саноатда қандай олинади ?.

Техникада- саноатда N<sub>2</sub> суюқ ҳаводан олинади. Ер юзида қуруқ ҳаво таркибида 78% N<sub>2</sub>, 20% O<sub>2</sub>, 0.92% инерт газ ва 0.03% CO<sub>2</sub> бор. Ҳаво паст температурагача совутилади бунда ҳаво суюқ ҳолга келтирилади. Азотни қайнаш температураси t<sup>0</sup> -195.8° C.

**6- гурух аъзоларининг тақдимоти.** - N<sub>2</sub> лабораторияда қандай олинади ?.

Лабораторияда азот NH<sub>4</sub>NO<sub>2</sub> ни қиздириш йўли билан олинади ,реакция тенгламаларда ифодаланг .



Бу тажрибани ўтказаётганда портлаш содир бўлиши мумкин, бунинг учун қуруқ  $\text{NaNO}_2$  тузини  $\text{NH}_4\text{Cl}$ -нинг тўйинган эритмасига қўшиб, аста секин қиздирилади бунда ҳавф бартараф этилади.

**7- гурух аъзоларининг тақдимоти.** .  $\text{N}_2$ ни ишлатилиш соҳалари қандай ?.

1. Азот эркин ҳолда жуда кам, асосан биркмалар ҳолида ишлатилади.
  - 1)  $\text{NH}_3$  ишлаб чиқаришда.
  - 2)  $\text{HNO}_3$  ишлаб чиқаришда.
  - 3) минерал ўғитлар сифатида.
  - 4) пайвандалашда.
  - 5) бўёқлар олишда.
  - 6) кундалик хаётда.
  - 7) портловчи моддалар олишда ишлатилади.


**8- гурух аъзоларининг тақдимоти.** -  $\text{N}_2$ нинг биологик ахамияти қандай?

$\text{N}_2$  элементи одам организмнинг ўсиши ва ривожланиш учун зарур элемент хисобланади. Инсон организми ҳайвонлар ва ўсимликларнинг маҳсулотларини, оқсиллар, нуклеин кислоталар ва бошқа азотли биркмалар сифатида қабул қиласи.

Ёш организмда  $\text{N}_2$ -ни биркмаларини қабул қилиш кучли бўлса, ёш ўтган сари чиқариладиган  $\text{N}_2$ -нинг миқдори кўп бўлади. Тирик организмлардаги ҳаётий жараёнлар азот биркмалари туфайли рўёбга чиқади.  $\text{N}_2$  биркмалари тупроқнинг унумдорлигини, ўсимликнинг эса ҳосилдорлигини оширади.

Ўқитувчи уларнинг тақдимотини эшитиб, айтилган фикрларни муҳокама қиласи. Ўқувчиларнинг тақдимотини “Зинима-зина” шаклида қўйиб чиқади. Мавзуга якун ясади, ўқувчилар билмини баҳолайди, тақдимотнинг охирида Б Б – биламан, билмоқчи эдим, билдим. билан тутатади, уйга вазифа беради. Уйга вазифа: §ни ўқишга, шу мавзуга таалуқли саволларга жавоб

тайёрлаш, янги ўтиладиган мавзуни ўқиб, интернетдан айнан шу мавзуга оид янгиликлар топиб келиш топширилади.



**Кутилган натижа:** қисқа вақт ичида мавзуни ўзлаштиришга, хотирада узок вақт сақлашга ёрдам беради, фикрни бошқаларга етказишга, ахборотни мустақил ўрганишга, савол бериб унга жавоб топишга, нутқни ривожлантиришга, ўз ўзини назорат қилишга, билимини баҳолашга, қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлишга ва бу орқали билим самарадорлигини ошириш каби сифат кўрсаткичларига эришишга имконият яратилади .

### **Fe элементи ўрганишда “Резюме” технологиясидан фойдаланиш.**

**Тавсифи:** Бу технология мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар муаммоли мавзуларни ўрганишга қаратилган- технологиянинг моҳияти шундаки, бунда 1 йўла мавзунинг турли тармоқлари бўйича ахборот берилади.

**Мақсад:** Бунда ўқувчи эркин, мустақил, танқидий фикрлашга, жамоа бўлиб ишлашга изланишга, фикрларни жамлаб тақкослаб, мавзудан келиб чиққан холда ўқув муоммосининг ечимини топиши ва ундан керакли хулоса ёки қарор қабул қилишга, жамоага фикри билан таъсир этишга, уни маъқуллашга, мавзуга умумий тушунча беришда ўтилган мавзулардан эгаллаган билимларни қўллай билишда кўзга ташланади .

**Таълимий:** Fe – элементининг ҳоссаларини ўрганиш.

**Ривожлантирувчи:** Fe элементининг ҳоссаларини реакция тенгламалари асосида ўрганиш.

**Тарбиявий:** Fe элементининг биологик аҳамиятини ўрганиш

**Кўлланилиши:** семинар, сұхбат мунозара шаклдаги дарсларда якка ва кичик гурух, жамоа шаклда фойдаланиш мумкин

**Кўланиладиган воситалар:** А3 форматли қофоз, тарқатма материалар, фломастер.

**Услуб:** интерфаол

**Кўргазма:** турли слайдлар, таблица, дарслик, даврий система..

**Дарснинг бориши:** дарсни ташкил этишда давоматни, ўтилган мавзу ва уйга вазифаси аниқланади.


Ўтилган мавзуни сўраш: ўтилган мавзуга оид тарқатма материаллар, кўргазмали қуроллар , уйга берилган мисол ёки масалани ечиш топширилади.

Оммавий ҳолда ўтилган мавзуни сўрашда: ақлий ҳужум, занжир усули саволларнинг кетма кетлиги, занжир узулмасдан саволларга жавоб бериш, реакция тенгламаларини ёзиш ва ўқий олиш усуллардан фойдаланилади.

**Дарснинг жихози:** реактивлардан : FeO, Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub>,Fe<sub>3</sub>O<sub>4</sub>,H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub>,S, CuSO<sub>4</sub>


**Ўтказиш тартиби:** ўқувчилар 3- 5 кишидан иборат кичик гуруҳларга бўлинади.Машғулотнинг мақсади ва ўтказилиш тартиби тушунтирилади. Ҳар 1 кичик гуруҳга қофозининг юқори қисмида ёзуви бўлган варажлар топширилади.

1- гурух. Темирнинг табиатда учрайдиган бирикмаларини “Фикрлар уммони” усулида тасвирлаш, темир ер пўстлоғини неча % ташкил (5.1%) этади. Fe неchanчи асрдан бошлаб (6-7) маълум, олтиндан (4) ва кумушдан (7) неча марта қиммат хисобланган.



2- гурух. Темир элементини ўрганишда сиз нималарга эътибор бершингиз лозим .Уни “Технологик харита” асосида тушинтиринг.

1. Темир моддасининг табиатда учраши.
2. Темир элементининг даврий системадаги ўрни.



3. Темир моддасининг физик хоссалари.

4. Темир моддасининг кимёвий хоссалари.


5. Темир моддасининг олиниш усуллари

6. Темир моддасининг биологик аҳамияти.

3- гурух: Fe элементининг даврий системадаги ўрнини кунгабоқар усулида тушунтиринг.

1. Кимёвий белгиси Fe.

2. Давр сони IV



3. Қатор сони 4

4. Гурух №8

5 .Валентлиги II,III

6. Металл

7. Тартиб рақами 26

8. Нисбий атом массаси. 56

9. O<sub>2</sub> бирикмаси FeO, Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub>

10. H<sub>2</sub> бирикмаси-----

11. Атом туз +26 )<sub>2</sub>)<sub>8</sub>)<sub>4</sub>)<sub>2</sub>


12. p = +26

13. e = - 26


14. n = 30

15. эл. к. 1s<sup>2</sup>2s<sup>2</sup>3s<sup>2</sup>3p<sup>6</sup>3d<sup>6</sup>4s<sup>2</sup>

4 – гурух .Темир моддасининг кимёвий ҳоссаларини “Балиқ скелети” схемаси  
асосида тушунтиринг



5- гурух. Fe моддасининг олиниш усулини электролиз оксидланиш - қайтарилиш реакцияси асосида тушунтиринг.



-2e $\text{Fe}^{+2} \rightarrow \text{Fe}^0$	оксидловчи	қайтарилиди
-2e $2\text{Cl}^- \rightarrow \text{Cl}_2^0$	қайтарувчи	оксидланди

1. гурух. Fe-ни ишлатилиш соҳаларини Кластер усулида тушунтиринг.

**Мавзу:** Сувнинг таркиби, тузилиши, ҳоссалари , сувнинг таркибидаги

### **O<sub>2</sub>нинг микдорини аниқлаш.**

**Тавсифи:** Ушбу усул биргаликдаги фаолият бўлиб, талаба ва ўқувчиларни матн устида фикрлаши, ўз ғояларини шакллантириш ва уларни ҳамкорлар ёрдамида муаян шаклда ифодалашга йўналтирилади.

**Мақсад:** Сувнинг таркиби, тузилиши, ҳоссалари; сувнинг таркибидаги O<sub>2</sub> нинг микдоринн аниқлаш.

**Таълимий:** H<sub>2</sub>O нинг таркибий қисми, ҳоссалари , олиниш усули, ишлатилиши. O<sub>2</sub> ни H<sub>2</sub>O ни таркибидан ажратиш асбобларининг турлари ҳақида тушунча бериш;

**Ривожлантирувчи:** ўқувчиларда H<sub>2</sub>O нисбатан муносабатларини яхшилаш H<sub>2</sub>O нинг аҳамиятли томонларини очиб бериш.

**Тарбиявий:**  $H_2O$  нинг тозалигига, поклигига эътибор бериш, ифлосланишини олдини олиш чораларини ўргатиш.

**Кўлланилиши :** Сувнинг хоссаларини ўрганишда ва семинар, сухбат мунозара шаклидаги дарсларда, якка ва кичик гурух, жамоа шаклларида фойдаланиш мумкин.

**Услуб:** интерфаол, лаборатория иши.

**Кўргазмалар:** Гофман аппарати, керосин остида сақланаётган Na металли, CaO-сўндирилмаган оҳак, Fe металли, қуруқ спирт, штатив, гугурт, кристализатор асбоби, пробирка, колба, интерфаол усулларни кўрсатувчи" схемалар, 8 та A-4 форматли қоғоз, 8 та маркер, скотч, 8 та қоғозга ёзилган вазифалар.

**Дарснинг бориши :** Дарс ташкил этилди: бунда синфни, ўқувчиларни дарсга тайёргарлиги, давомат ва уйга берилган вазифа аниқланади. Ўтилган мавзу сўралади: якка тартибда ва оммавий ҳолда савол-жавоб уюштирилади. Якка ҳолда ўқувчилардан сўралганда бир ўқувчи уйга берилган мавзудаги топшириқни доскада қандай бажарганини кўрсатади. Иккинчи, учинчи ўқувчига мавзуга оид тарқатма материаллар ёки кўргазмалар берилиб, жавоб тайёрлашга вақт берилади. Улар жавобга тайёрлангунга қадар ўқувчилар билан оммавий равишда ўтилган мавзу асосида: ўқитувчи - ўқувчи, ўқитувчи - ўқувчилар, ўқувчи - ўқувчилар, ўқувчи – ўқувчи ҳамкорликда савол-жавоб уюштирилади. (7 минут)

Ўтилган мавзу барча ўқувчилардан сўраб бўлингандан сўнг , ўқитувчи "Кластер" усулини қўллаб дарс мавзуси мустаҳкамланади. Ўтилган мавзуга жавоб берган ўқувчиларга 3 баллгача балл қўяди ва ўтилган мавзуни янги мавзуга боғлайди.

**Ўтказиш тартиби:** Ўқувчиларга китобни олиб янги мавзуни очишга буюрилади ва бу мавзуда нималарга эътибор бериш кераклиги айтилади.

Ўқувчиларнинг кўлига вазифалар ёзилган варақлар - А-4 форматли қоғоз берилади. Ўқувчилар 8 гуруҳга бўлинади. Янги мавзуни ўзлаштиришда дарсликдан фойдаланиш мумкинлигини айтади. (10 минут)

**1-савол.** Сув табиатда қаерда, қандай ҳолларда учрайди, таркиби, тузилиши қандай?

**2-савол.** Сув қандай физик хоссага эга, уни “Кунгабоқар усули” асосида тушунтиринг.

**3-савол.**  $\text{H}_2\text{O}$  ни кимёвий хоссаларини “Балиқ скелети” схемасидан фойдаланиб кўрсатиб беринг ва реакция тенгламаларини ёзинг.

**4-савол.**  $\text{H}_2\text{O}$  ни олиниш усуллари қандай? Реакция тенгламалари билан ифодаланг.

**5-савол.** Сувни ишлатиш соҳалари қандай?

**6-савол.** Сувни ифлосланишига сабаб ва ифлосланишни олдини олиш чоралари қандай?

**7-савол.**  $\text{H}_2\text{O}$  нинг таркибидаги  $\text{O}_2$  нинг миқдорини аниқловчи асбобнинг тузилиши ва ишлатилиш принципи қандай?

**8-савол.**  $\text{H}_2\text{O}$  нинг таркибидаги  $\text{O}_2$ ни миқдорини қандай ҳисоблаш йўли билан аниқлаш мумкин?

Орадан 10 минут ўтгандан сўнг тақдимот бошланади. Бунда ўқувчилар ўzlари тайёрлаган жавобларини бирин-кетин қўйидаги тартибда тақдим этишади.

**$\text{H}_2\text{O}$  нинг таркиби, хоссалари ва  $\text{H}_2\text{O}$  нинг таркибидаги  $\text{O}_2$  нинг миқдорини аниқлаш усуллари**

**1-гуруҳ тақдимоти.**


Сувнинг табиатда учраши. Ер сайдеризнинг 71 % ини океан ва денгиз сувлари ташкил этади. Шундан 2% и ичишга яроқли. Сув таркибига кўра юмшоқ ва қаттиқ сувга бўлинади. Юмшоқ сув ичишга яроқли бўлади.

Таркиби ва тузилиши.  $H_2O$  2 атом водород ва 1 атом кислороддан иборат. Молекуляр формуласи -  $H_2O$ . Фазовий формуласи  $H - O - H$ . Ковалент боғни  $H-O-H$  кутбли турини ҳосил қиласди.

## 2-гурух тақдимоти

$H_2O$  қуйидаги физик ҳоссаларга эга:

- 1) рангиз,
- 2) хидсиз,
- 3) мазасиз,
- 4) суюқлик,
- 5)  $0^\circ C$  да музлайди,
- 6)  $100^\circ C$  да қайнайди,
- 7) яхши эритувчи,
- 8) 3 хил агрегат ҳолатида бўлади : газ, суюқ, қаттиқ. (Кунгабоқар усули асосида чизиб тушунирилади)




## 3-гурух тақдимоти

$\text{H}_2\text{O}$  нинг кимёвий ҳоссалари қандай?

1. Сув металлар билан реакцияга киришади:  $2\text{Na} + 2 \text{H}_2\text{O} \rightarrow 2 \text{NaOH} + \text{H}_2$
2. Сув металл оксиди билан реакцияга киришади : $\text{CaO} + \text{H}_2\text{O} \rightarrow \text{Ca}(\text{OH})_2$
3. Сув кислотали оксид билан реакцияга киришади :  $\text{SO}_3 + \text{H}_2\text{O} = \text{H}_2\text{SO}_4$
4. Сув тузлар билан реакцияга киришади : $\text{CuSO}_4 + 5\text{H}_2\text{O} = \text{CuSO}_4 \cdot 5 \text{H}_2\text{O}$


**Балиқ скелетидан фойдаланиб кимёвий ҳоссаларни кўрсатиш мумкин.**



Скелетнинг тепа қисмига сувнинг қандай моддалар билан реакцияга киришиши мумкин бўлган моддаларнинг формуласи ёзилади, пастки қисмига эса қандай модда ҳосил бўлишини ёзди ва уни реакция тенгламаси билан исботлайди.

Мухокамадан олдин ўқитувчи тажрибаларни кўрсатади. Сувнинг кимёвий ҳоссаларини учта тажрибада кўрсатиш мумкин

1. Кристализаторга сув олиб, қоғоздан кичкина кемача ясалади ва унинг ичига бир бўлак  $\text{Na}$  метали солинади. Қоғоз ивиб  $\text{Na}$  металига тегади ва  $\text{H}_2\text{O}$  юзасида худди кема ҳаракат қилгандек  $\text{Na}$  метали  $\text{H}_2\text{O}$  билан реакцияга киришади.  $2 \text{H}_2\text{O} + 2\text{Na} \rightarrow 2\text{NaOH} + \text{H}_2$
2. Бу тажрибада пробиркага  $\text{CaO}$  солиб унинг устига сув қуйилади. Натижада сўндирилмаган оҳак  $\text{H}_2\text{O}$  да эриб сўндирилган оҳакка айланади.





3. Тажриба оч ҳаво рангли  $\text{CuSO}_4$  кукунидан 2 гр олиниб 4 мл  $\text{H}_2\text{O}$  да эритилади. Эритма тиник ҳаво рангга киради.

#### **4-гурұх тәқдимоти**

$\text{H}_2\text{O}$  ни олиниш усуллари қандай?

1. Сув әркин ҳолатда: ёмғир, кор, дүл тарикасида ҳосил бўлади.

2. лабораторияда эса қуйидаги усулларда олинади.



#### **5-гурұх тәқдимоти**

$\text{H}_2\text{O}$  нинг ишлатилиш соҳалари қандай?

А) инсон әхтиёжи учун

Б) кимёвий ҳом ашё сифатида

В) әритувчи сифатида

Г) совитувчи сифатида

Д) энергия манбасы сифатида ишлатилади.

#### **6-гурұх тәқдимоти**

Сувни ифлослантирувчи омилларга нималар киради? Сувни ифлосланишдан қандай сақлаш мумкин?

Сувни ифлослантирувчи омилларга қуйидагилар киради :

1. Саноат корхоналаридан чиқаётган чиқиндиларни сувга оқизиши.

2. Нефт махсулотларни қайта ишлаётганда саноъат корхоналарининг ўз иқиндилирини сувга оқизиши.
3. Машина мойларини, ёқилғи мойларини сувга оқизиш  $1000 \text{ m}^3$  дарс суви ёки сизот сувни заҳарлайди.
4. Қишлоқ хўжалигига минерал ўғитлардан нотўғри фойдаланиб, сугориш шоҳобчаларининг нотўғри ишлаши.
5. Саноат корхоналарида  $\text{SO}_2$ ,  $\text{NO}_2$  каби газларни хаддан зиёд ҳавога тарқалиши ва қор-ёмғир тариқасида ерга, сувга тушиши.
6. Одамларни рўзгорда ҳосил бўладиган ҳамда зиёратгоҳларда тўпланадиган чиқиндиларни сув - сойларга ташлашлари сувни ифлослантирувчи омиллардир.

Ичимлик сувини тоза ҳолда асраш учун юқорида санаб ўтилганлар ўз жойларида санитария ҳолатига, экологияга кучли эътибор берилса яхши натижага эришилади. Буюк шифокор Абу Али Ибн Сино ичимлик суви оқиб турадиган, лойқаси ва эриган тузи кам бўлиши лозимлиги бу инсон саломатлиги учун энг зарур омил эканлигини айтиб ўтган.

## **7-гуруҳ такдимоти**

### **$\text{H}_2\text{O}$ нинг таркибида $\text{O}_2$ борлигини ва унинг микдорини аниқлаш**

Сувнинг таркибида  $\text{O}_2$  борлигини аниқлаш учун бир неча усулдан фойдаланиш мумкин. 1. Гофман усули. Гофман аппаратидан фойдаланиб  $\text{O}_2$  ни ҳосил қилиш.

Жиҳозлар: Гофман аппарати, штатив, электродлар, ток манбайи.

Ишнинг бориши:

1. Штативга Гофман асбоби йиғилади: Гофман аппарати қуйидагича тузилган :



2 та бюретка , 1 та сув қуювчи най.

2. Сув қуиши найи орқали NaOH нинг беш процентли эритмаси солинади.


3. Эритма бюреткалар томонига ўтиб бир хил сатҳга келгунча қуилади.

4. Асбобнинг клеммалари ток манбайига уланади.


5. Асбоб клеммеларидан электродларга ток юборилади. Эритмада оксидланиш қайтарилиш жараёни боради.



Сув молекуласида электр токи таъсирида парчаланганида дастлаб кислород ва водород атомлари ҳосил бўлади. Бир хил атомлар дархол бирикиб  $\text{H}_2$  ва  $\text{O}_2$  молекуласини ҳосил қиласди. Сув молекуласи парчалангандан ажralган  $\text{H}_2$  нинг ҳажми  $\text{O}_2$  нинг ҳажмига нисбатан икки марта кўп бўлади.



1, 2 бюреткалар



3 сув қуиши найи

2 мол 2 мол 1 мол


4 ток манбайи

44.8 л 22.4 л

## 8-гурх тақдимоти

Сувнинг таркибидаги кислороднинг микдорини қандай ҳисоблашлар орқали аниқлаш мумкин?

Сувнинг таркибидаги кислороднинг микдорини % улушкини ҳисоблаш куйидагича амалга оширилади .




$$\gamma = \frac{Ar(O)}{M_{H_2O}} = \frac{16}{18} \cdot 100\% = 89\% O_2$$

$$Mr \quad \quad \quad 18$$

2. Масса улушкини ҳисоблаш:


$$r = \frac{Ma}{M_{H_2O}} = \frac{16}{18} = 0.5 \text{ мол}$$

$$Mr \quad 32$$



$$2 \text{ мол} \quad 2 \text{ мол} \quad 1 \text{ мол}$$


$$18$$



$$36$$

$$32$$

$$X = \frac{18 \cdot 32}{36} = 16$$



$$36 \quad 22.4 \cdot 2 \quad 22.4$$

Мухокама: Сиз сувни табиатда қаерда қандай ҳолатда учраши, физик ва кимёвий ҳоссалари қандай эканлиги, олиниши, ишлатилиш усуллари,  $H_2O$  ни таркибий қисмларга ажратувчи асбоблар тузилиши, математик ҳисоблашлар орқали  $O_2$  нинг микдорини топиш йўлларини

билиб олдингиз. Янги мавзу бўйича ҳамма нарса тушунарлими? Саволлар бўлса, беринглар. Саволлар бўлмаса, уйга вазифани ёзиб олинг китоб ва қўшимча адабиётлардан фойдаланиб, ўз фикрларингизни ёзиб келинг. 2-§ даги 5-топшириқни бажаринг. Баҳолаш рейтинг балл системаси асосида.

**Кутилган натижа:** қисқа вақт ичида мавзуни ўзлаштиришга, хотирада узоқ вақт сақланишга ёрдам беради, фикрни бошқаларга етказишга, ахборотни мустақил ўрганишга, савол бериб унга жавоб топишга, нутқни ривожлантиришга, ўз ўзини назорат қилишга, билимини баҳолашга, қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлишга ва бу орқали билим самарадорлигини ошириш, сифат кўрсаткичларига эришиш кузатилади

**Венн диаграммаси асосида Са ва Mg ҳоссаларини ўрганиш**

**Тавсифи:** "Венн диаграммаси" 2-6 жиҳатларни солишириш, таққослаш, қарама- қарши қўйиш, ҳамда уларни умумий тарзда кўрсатиш учун қўлланилади .Бунда тизимли мушоҳада қилиш ,таққослаш, солишириш, таҳлил ва синтезни амалга ошириш кўнкмаларини ривожлантиради.

**Мақсад:** Венн диаграммаси асосида Са ва Mg ҳоссаларини ўрганиш.

**Таълимий:** 2 гурӯҳ элементлари қайси металларга киришини билиш.

**Ривожлантирувчи:** Са ва Mg ни алоҳида ҳоссаларини ўрганиш.

**Тарбиявий:** Са ва Mg элементини инсон организмидаги қандай аҳамиятга эга эканлигини ўқувчилар онгига етказиш.

**Қўлланилиши:** янги ёки ўтилган мавзуни сўрашда, бирон, бўлимни тугаллашда ўтилган мавзуни ўқувчи томондан қай даражада ўзлаштирганини аниқлашда, мавзуни мустахкамлашда, оралиқ ва якуний назоратлар ўтказишида кўллаш мумкин.

**Фойданиладиган воситалар:** тарқатма материаллар, күргазмали қуроллар, коллекция түпламлари, бирикмалардан намуналар, А-3 форматли қофозлар, фламастер, скотч,  $\text{Ca}_2(\text{PO}_4)_3$ ,  $\text{HCl}$ ,  $\text{NaOH}$  эритмалари

**Жиҳозлар:** Mg кукуни ёки лентаси, S кукуни, Ca - керосин остида,  $\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{HCl}$ , 6 та A-4 форматли қофоз, маркер, скотч, Венн диаграммаси.

**Қўланиладиган воситалар:** A3 форматли қофоз, тарқатма материаллар, фломастер.

**Услуб:** интерфаол

**Кўргазма:** турли слайдлар, таблица, дарслик, даврий система..

**Дарснинг бориши:** дарсни ташкил этишда давомат, бугунчи кун янгиликлари ва уй вазифаси аниқланади.

Ўтилган мавзуни сўраш: ўтилган мавзуга оид тарқатма материаллар, кўргазмали қуроллар, уйга берилган мисол ёки масалани ечиш топширилади. Оммавий ҳолда ўтилган мавзуни сўрашда: ақлий хужум, занжир усули саволларнинг кетма кетлиги, занжир узилмасдан саволларга жавоб бериш, реакция тенгламаларини ёзиш ва ўқий олиш усуллардан фойдаланилади.

**Ўтказиш тартиби:** 1. Ўқувчилар 3- 5 кишидан иборат кичик групкаларга бўлинади. Машғулотнинг мақсади ва ўтказилиш тартиби тушунтирилади. Ҳар бир кичик групга қофозининг юқори қисмида ёзуви бўлган вараклар топширилиши айтилади.

2. Инсон организмини асосий таянчи бўлган суюк таркибидаги Ca ва қон таркибидаги Mg элементининг хоссалари билан танишиб чиқамиз. Бунинг учун сиз дарсликларга таянган ҳолда ҳисбот ёзасиз. Сиз 6 групга бўлинасиз ва вазифани бажаришни бошлайсиз. Ўқитувчи турӯхлар қўлига саволлар тарқатади.

1- груп. Ca ва Mg элементларини даврий системадаги ўрни қандай, ўхшаш жойини топасиз.

2- гурух. Са ва Mg нинг физик ҳоссаларини ўхшаш жойини топасиз.

3- гурух. Са ва Mg ни кимёвий ҳоссаларини ўхшаш жойини топасиз

4- гурух. Са ва Mg қандай усулларда олинади ? Ўхшаш жойини топасиз

5- гурух. Са ва Mg нинг инсон организми учун аҳамияти қандай?

6- гурух. Са ва Mg қандай мақсадларда ишлатилади ?

Тақдимот учун 12 минут вақт берилади.

Бунда 6 гурух ўқувчиларининг ўзлари тайёрлаган жавобларни тақдимоти эшитилади. Ўз жавобларини “Венн диаграммаси” га туширишади. Венн диаграммаси чизилиб 1, 2, 3, 4 ёзувлар ёзилади. Берилган тақдимот асосида гурухлардан берилган жавоблар Венн диаграммасига киритилади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг тақдимоти асосида берилган жавобларни муҳокама қиласи.

**Муҳокама:** Ўқувчилар Са ва Mg элементларининг ҳоссаларини ўрганиш жараёнида ўхшашлик кўп, буни сиз берган тақдимот асосида қуидагича тушунтираман.





### **Са ва Mg элементларининг ҳоссаларини Венн диаграммаси асосида тушунтириш:**

**1- гурух.** Са ва Mg элементларининг даврий системадаги ўрни ва атомларининг тузилиши тўғрисида гапирадиган бўлсак , Са ва Mg элементлари даврий системада 2-гурухнинг асосий гурух элементи ҳисобланади. Уларнинг энг сиртқи қаватидаги электронлар сони 2 та бўлиб иккаласи ҳам S орбитада жойлашган. Са ва Mg элементларини оксидланиш даражаси +2 ҳамда, валентлиги ҳам 2 га teng.


**2- гурух.** Физик ҳоссалари: Са ва Mg ни физик ҳоссалари бир-бировига

анча яқин. Са ва Mg кумушсимон оқ рангли, енгил. $Mg=1.74$ ,  $C_{a1}=1.55$  металл  $C_t$ . Са  $851^\circ$  Mg  $651^\circ$ . Иккаласи ҳам ишқорий ер металл.

**3- гурұх.** Кимёвий ҳоссалари. Mg ұавода оксид парда билан қоплангани сабабли реакцияга кириши анча секин. Са эса кучли қайтарувчи хусусиятга әга. Лекин иккалови ҳам бир хил моддалар билан реакцияга киришади.




**4- гурұх.** Са ва Mg тузларидан электролиз йўли билан олинади.





**5- гурух.** Ca үа Mg нинг инсон организми учун аҳамияти қандай?



Кальций үа магний моддалари инсон организми учун жуда аҳамиятлы.

1. Инсон организмидаги сүякнинг 80% қисмини кальций ташкил этади.
2. Магний үа кальций ҳаётнинг барча шакллари учун муҳим аҳамиятга эга.

3.Кальций ва магний бирикмалари ҳаракат-таянч системасининг асосини ташкил этади.

4.Кальций дисбаланси аллергик касалликлар келиб чиқишига,сүяк касалликларига олиб келади.

5.Магний мускул тўқимасида 0,09%,илиқда 0,07-0,18 %,конда 37,8 мг микдорда бўлади.

6 .Қоннинг ивиши ,ферментлар фаоллиги ҳам кальций билан бевосита боғлик.

**6- гурӯҳ.** Ca ва Mg қандай мақсадларда ишлатилади.

Ca

Mg

- |                              |                          |
|------------------------------|--------------------------|
| 1) асбест                    | 1) ёритувчи ракеталар    |
| 2) алибастр                  | 2) қотишмалар тайёрлашда |
| 3) гипс                      | 3) олов сигналлари       |
| 4) охак                      | 4) дорилар               |
| 5) мармар                    | 5) фотографияда          |
| 6) дорилар                   | 6) маёқлар тайёрлашда    |
| 7) резина                    |                          |
| 8) бўёқ                      |                          |
| 9) тиш пастаси               |                          |
| 10) оптик асбоблар           |                          |
| 11) зарар кунандаларга қарши |                          |

Изоҳ: ўқитувчи Са ва Mg моддаларини, S, H<sub>2</sub>O, HCl билан реакцияга кириш тажрибаларини кўрсатиб беради.

Уйга вазифа: Дарслик ва кўшимча адабиётлардан фойдаланиб конспект ёзиш. Мавзуга оид янгиликлар топиш.

Баҳолаш: Рейтинг балл системаси асосида

**Кутилган натижа:** қисқа вақт ичидаги мавзуни ўзлаштиришга, хотирада узоқ вақт сақланишга ёрдам беради, фикрни бошқаларга етказишига, ахборотни мустақил ўрганишга, савол бериб унга жавоб топишга, нутқни ривожлантиришга, ўз ўзини назорат қилишга, билимини баҳолашга, қисқа вақт ичидаги кўп маълумотга эга бўлишга ва бу орқали билим самарадорлигини ошириш, сифат кўрсаткичларига эришиш кузатилади

**Мавзу: Углерод элементининг ҳоссаларини “Глобал-кенг қамровли” усулда тушинтириш .**

**Тавсифи:** Глобал усулдаги таълим – шахснинг эмотционал, руҳий, аҳлоқий сифатларини эътиборга олган ҳолда шакллантирувчи таълимдир. У ўқувчиларга фанни тез, осон ўзлаштиришда, кимё фани дарслари жараённида шахсни эмоционал руҳда тарбиялашга ёрдам беради.

**Дарснинг мақсади: Углерод элементининг ҳоссаларини “Глобал-кенг қамровли” усулда тушинтириш**

**Таълимий Ўқувчиларга углерод элементининг ҳоссаларини, олиниш усулларини, ишлатилиш соҳаларини, биологик аҳамиятини тушунтириш.**

**Ривожлантирувчи :** Ўқувчиларни мустақилликка, ижодий изланишга, эркин фикрлашга ўргатиб бориш.

**Тарбиявий :** Инсон организмида углерод элементининг аҳамият моҳиятини очиб бериш.

**Қўлланилиши** :семинар,сухбат,мунозара шаклидаги дарсларда якка ва кичик гурух,жамоа шаклида фойдаланиш мумкин.

**Дарснинг жихози** : Углероднинг – шаклий кўриниши бўлган олмос ва графитнинг атом кристал панжаралари, активланган кўмир, нефт ва кўмир маҳсулотлари коллекцияси ,кодоскоп, расмли кўргазмалар, оҳактош, графит, бўр, резина, кир содаси, чой содаси, рангли қофоз қирқимлари.

**Дарс ўтиш услуби** : интерфаол.

**Кўргазма** :турли слайдлар,дарслик жадваллар.

**Шиор**: билимдонлик, чаққонлик, зийраклик.

**Дарснинг бориши:** дарсни ташкил этишда давомат, бугунчи кун янгиликлари ва уй вазифаси аниқланади.

Ўтилган мавзуни сўраш: ўтилган мавзуга оид тарқатма материаллар, кўргазмали қуроллар , уйга берилган мисол ёки масалани ечиш ва уни бажарилган вазифа билан солиштириш топширилади.

Оммавий ҳолда ўтилган мавзуни сўрашда: ақлий хужум, занжир усули саволларнинг кетма кетлиги, занжир узилмасдан саволларга жавоб бериш, реакция тенгламаларини ёзиш ва ўқий олиш усуллардан фойдаланилади.

**Ўтказиш тартиби:** 1.Ўқувчилар 3- 5 кишидан иборат кичик гурухларга бўлинади.Машғулотнинг мақсади ва ўтказилиш тартиби тушунтирилади. Ҳар бир кичик гурухга қоғозининг юқори қисмида саволлар ёзилган вараклар топширилади.


Доскага 6 та ватминга 6 хил шаклий расм чизилган. Ҳар бир қаторга иккадан расм изохи сўралади ва ҳар бир қаторга “ Билимдонлар”, “Чаққонлар”, “ Зийраклар” деб ном қўйиб, улар ўртасида мусобақа олиб борилади.Янги мавзуни тақдим этиш учун вақт берилади.Вақт ўтгандан сўнг янги мавзуни сўраш билан бошланади.

1 – савол. Углерод элементини ўрганишда биз нималарни билишимиз шарт?  
Ақлий хужум ва занжир усули қўлланилади.


Ўкувчилар бирин – кетин ўзлари тайёрлаган жавобларини

расмнинг керакли жойларига  
ёпиштиришади :

1. Углероднинг табиатда учраши
2. Углероднинг даврий системадаги ўрни
3. Углероднинг физик хоссалари
4. Углероднинг алотропияси.
5. Углероднинг адсорбция ҳодисаси
6. Углероднинг кимёвий ҳоссаси
7. Углероднинг олиниши, ишлатилиши
8. Углероднинг биологик аҳамияти




1 – савол. Углерод – элементи табиатда қандай ҳолатда учрайди?



Углерод табиатда эркин ва бирикма ҳолида учрайди. Эркин ҳолда: олмос, графит, писта күмир, карбин, курум, фуллерин тариқасида учрайди. Буни “Кластер” ва “Фикрлар уммони “усулларида тушинтирилади.



Углерод табиатда бирикмалардан:  $\text{CaCO}_3$ ,  $\text{CH}_4$ ,  $\text{CO}_2$ ,  $\text{CO}$ ,  $\text{NaHCO}_3$ ,  $\text{Na}_2\text{CO}_3$ , нефть, тошкүмир, органик бирикмалар шаклида учрайди. Буни тоғлар мисолида тушинтирилади



1. Күмир захиралари бўйича Ўзбекистон Марказий Осиёда 2 – ўринда туради.
  2. Күмир Ангрен, Бойсун, Шарғунда қазиб олинади.
  3. Ўзбекистонда кўмирнинг 2 миллиард тонна захираси бор.
- 2 – савол. Углероднинг даврий системадаги ўрни қандай?

Хар қандай дараҳт гуллайди. Дараҳтни гуллаши мисолида углероднинг даврий системадаги ўрни тасвирланади.

1. Кимёвий белгиси С
2. Иккинчи давр
3. Иккинчи қатор
4. 4-гурух



## 5. Металл эмас

6.2 – 4 валентлик

7. Кислородли бирикмаси  $\text{CO}_2$ ,  $\text{CO}$

8. Водородли бирикмаси  $\text{CH}_4$

9. Тартиб рақами 6

10. Нисбий атом массаси 12

11. ( + 6 ) ) 2 ) 4

12. Протон сони + 6

13. Электрон сони – 6

14. Нейтрон сони 6

15. Электрон конфигурацияси  $1s^2 2s^2 2p^2$

3 – савол . Углероднинг шаклий кўриниши бўлган олмос ва графит қандай физик хоссага эга?

Дарахт гуллагандан сўнг мева хосил бўлади. Мевалар

мисолида углероднинг физик хоссалари айтиб берилади. – Икки саҳифали кундалик усули.

Олмос

Графит

1. Тиник –


Кулранг

2. Электр токини ўтказмайди - Ўтказади

3. Қаттиқ


Юмшоқ

4. Атом кристалл панжарага эга - Ёғлиқ




## 5. Суюқланиш температураси юқори – паст

Кодоскопда графит ва олмоснинг кристалл панжараси кўрсатилади.



4 – савол. Етилган мевалар ҳосил қиласди , буни углероднинг кимёвий хоссалари мисолида тушинтиринг .

Индивидуал сўраш.



Шу даврда аллотропия , адсорбция ҳодисалари нима ва қандай таърифга эга деб сўралади ва тажрибалар кўрсатилади.


1 – тажриба.  $\text{Fe(OH)}_3 + \text{C} =$ кўнғир ранг йўқолади.

2 – тажриба  $\text{Cr(OH)}_3 + \text{C} =$  яшил ранг йўқолади.

3 – тажриба  $\text{KMnO}_4 + \text{C} =$  пушти ранг йўқолади.

4 – тажриба Кўмир ёқилади , равшан аланга бериб ёнади.



5 – савол. Меваларнинг ҳосилини йиғдик улар қандай мақсадларда ишлатилади?



Коллекциядан – тошкўмир ва нефт маҳсулотлари кўрсатилади. Тарқатма материал.

6 – савол. Куйидаги реакция тенгламаларда углерод қандай ҳоссаларни намоён қиляпти?

Учта қаторга учта мисол берилади. Тарқатма материал усули.



7 – савол. Синфда лидер ўқувчини топиш учун битта масала берилади.

Масала : 20 грамм мис оксидини қайтариш учун қанча углерод сарф бўлади ва қанча мис ҳосил бўлади.  $\text{CuO} + \text{C} = \text{Cu} + \text{CO}$

8 – савол. Тест ўтказилади.

1. 4 – гурух элементлари нимаси билан ўхшаш

А) ташқи поғонадаги электронлар сони бир хил

Б) электронлар сони 4 та

В) пастга тушган сари металлик ҳоссаси ортади

Г) барчаси түғри

2. 4 – гурух элементлари оксидловчими қайтарувчими?

А) оксидловчи

Б) қайтарувчи

В) металл оксидлари учун қайтарувчи

Г) барчаси түғри

3. Углероднинг қайси бирикмаси кучли заҳар?

А)  $\text{CH}_4$

Б)  $\text{CaC}_2$

В)  $\text{CO}_2$

Г)  $\text{CO}$

4. 4 – гурухда пастга тушган сари элементнинг қайси ҳусусияти ортади?

А) металлик

Б) метал эмаслик


В) амфотерлик

Г) оддийлик

5. Углерод барча бирикмаларда неча валентликни намоён қилади?

- A) + 4
- Б) - 2
- В) - 4
- Г) + 4 - 4 +2

9 – савол. Углероднинг биологик аҳамияти қандай? Расмли изоҳ



1.Ошқозон

ичак

касалликларини даволашда

2. Операциядан сўнг
3. Захарли моддаларни сўришда
4. Ифлос ҳавони тозалашда
5. Рангларни тозалашда
6. Газни тортиб олишда.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг жавобини эшишиб ўтилган янги мавзудаги ўқувчиларни эришган ютуқ ва камчиликларини айтади. Жавоб берган ўқувчилар баҳоланади, баҳолар изоҳланади. Уйга вазифа берилади.

**Кутилган натижа:** қисқа вақт ичидаги мавзуни ўзлаштиришга, хотирада узок вақт сакланишга ёрдам беради, фикрни бошқаларга етказишга, ахборотни

мустақил ўрганишга, савол бериб унга жавоб топишга, нутқни ривожлантиришга, ўзини ўзи назорат қилишга, билимини баҳолашга, қисқа вақт ичидә кўп маълумотга эга бўлишга ва бу орқали билим самарадорлигини ошириш, сифат кўрсаткичларига эришиш кузатилади

### **Чиқиндисиз технология муаммолари.**

Чинни заводига саёҳат қилиш. Экскурсия методи.

**Дарснинг мақсади.** 1. Ўқувчиларга кимё фанидан олинган назарий билимларни амалиётдаги тадбирини кўрсатиш. Кимёвий ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ҳом ашёларнинг муаммолари, ҳар бир хона чиқиндисини иккиласмчи ҳом ашё сифатида ишлатиш ёки заарсизлантириб йўқ қилиш йўлларини кўрсатиш.

Кимё фанини ишлаб чиқариш билан боғлиқлигини тушунтириш

3. Ўқувчиларни ишлаб чиқаришдан олган таъссуротлари асосида мустақилликка, ижодий изланишга, эркин фикрлашга ўргатиб бориш

4. Турли фан ва касбларга муҳаббат уйғотиш

5. Ечими керак бўлган муаммолар: Талабаларни дарс жараёнида олган билимларини амалиётда кўрсата билиш

Ўқитувчи экскурсияга олиб боришдан аввал ўқувчилар билан “Силикат саноати” мавзусини ўтиб бўлган, ўқувчилар бу ҳақида маълумотга эга бўлган бўлишлари лозим, чунки заводда улар фақат ишлаб чиқариш жараёни билан танишадилар, тўгарак ишларида эса сув, ҳаво, тупроқ экологияси ҳақида, унинг ифлосланиш сабаблари манбалари ҳақида маълумотга эга бўлган бўлиши лозим, натижада улар кимё фанидан олган билимлари, тўгарак ишларида эшитган маълумотлари асосида Чинни заводига бориб бемалол ҳулоса чиқаришлари мумкин.

Экскурсия объекти. Ўрта маҳсус касб-хунар колледжлариға яқын неча ҳил ишлаб чиқариш корхоналари бор. Масалан: Чинни заводи, Миконд заводи-шиша ва биллур буюмлар ишлаб чиқариш.

Экскурсияга тайёргарлик. Талабаларга экскурсиядан бир неча кун олдин экскурсиянинг мақсади ва бориладиган вақти тушунтирилади. Экскурсия вақтида эътибор бериш керак бўлган асосий ҳолатларни ва экскурсиядан сўнг топшириладиган ҳисобот ҳақида тушунча берилади.

Экскурсия объекти: Чинни заводи.

Манзил: Қорасарой кўчаси.

Экскурсия вақти: 16.10.2004 йил. Экскурсияга ўқувчиларни олиб боришдан олдин завод раҳбариятидан руҳсатнома олинади. Бизни заводга, корхона цехларига завод бош технологи олиб кириб, цехлардаги жараёнлар билан таништиради.

1-цехда: ҳом ашё сифатида қандай моддалар ишлатилиши ва уларни қаердан ва қандай олиниши, олиб келиш харажатлари, ҳар бир тонна ҳом ашё учун қанча сарф-харажат қилиниши айтилади.

2-цехда: ҳом ашёдан лой ясаш, пишитиш, бўлакларга ажратиш ва цехларга бўлиш, чойнак, пиёла, тарелка, коса, лаган – лой бўлаклари тайёрланади.

3-цехда: маҳсулот бўлакларини қолипларга солиб шакл ясаш, конверт орқали маҳсулотларни қотириш ва печларга бир суткага жойлаш.

4-цехда: қуритилган маҳсулотлар қўлдан ўтказилади, браклари ажратилади, қолган яхшилари оқ сув билан сирланиб қотирилади ва печларда қуритилади.

5-цехда: безак гул босиш цехи, гул босилади, сирланиб қуритилади.

6-цехда: ҳосил бўлган маҳсулотлар текширувдан ўтказилади ва упаковка қилиниб, омборларга юборилади.

Биринчи йилда завод 8 млн. Маҳсулот ишлаб чиқарди. Чинни заводи ишлаб чиқарган маҳсулотлар фақатгина Ўзбекистонда эмас, балки экспортга ҳам юборилар экан. Масалан: Россия, Америка, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Германия.

Талабалар цехларни айланиб чиққанларидан сўнг, экскурсоводга ўз минатдорчиликларини билдиришди.

Талабалар навбатдаги дарсга боришгандан сўнг қуидаги саволлар асосида ҳисобот тузиш топширилди.

1-савол. Чинни буюмлар олиш учун қандай хом ашёлар ишлатилади ва унга қанча сарф-ҳаражат кетади?

2-савол. Ишлаб чиқариш жараёнида қандай кимёвий реакциялар содир бўлади?

3-савол. Хом ашёдан тўлиқ маҳсулот олиняптими, йўқми, сабаби ?

4-савол. Цехларда маҳсулотлар унуми қандай?

5-савол. Маҳсулотларни унумдорлигини янада ошириш учун таклифингиз борми?

6-савол. Атроф-мухит муҳофазаси, экологик ҳолатини ва цехлардаги сув ва ҳаво муаммоларини яхшилаш учун сиз нималар қилган бўлар эдингиз?

Келаси дарсда талабаларнинг ишлари йиғиб олиниб, текширилади ва баҳоланади, уларнинг таклиф-мулоҳазалари айтиб рағбатлантирилади.

**Мавзу : Крахмал ва целлюлозани табиатда учраши, хоссалари, олиниши ва ишлатилиши-психологик усул.**

Дарсни интерфаол усулида ўтиш давр талаби бўлиб қолди. Сабаби ўқувчи ўқиганда 10%, эшитганда 20%, кўрганда 30%, кўриб эшитганда 50%,

муҳокама қилғанда 70%, барчасини бажарганида 95% ўтилган мавзуни эслаб қолиб, ўзлаштирас экан. Дарс бериш методлари қуидагиларга бўлинади:

**Анъанавий:** дарснинг оғзаки баёни, сухбат, дарслик билан ишлаш, намойиш қилиш, амалий машғулот, лекция;

**Ноанъанавий :** конференция, семинар, баҳс, техник воситалардан фойдаланиш, касбга боғлаш, ёзма ишлар, савол-жавоб-тест, ўйлаб топ, сўз ўйини;

**Умумий :** тушинтириш-намойиш этиш, эслаш, муаммони ўқитиши, таққослаш-изланиш методи;

**Актив методлар :** фикрлашга мажбурлаш, гурӯхларга бўлиш, кузатув, иш қоғозлари, сухбат, ташриф, анкета саволлари, кўргазмалар, ҳикоя қилиш, саҳналаштириш, ТСО иш қоғозлари, касеталарни тинглаш, ўзи-ўзини аттестация қилиш;

**Психологик метод:** ақлий бўрон, Венн диаграммаси, занжир усули, кластер, синквейн, БББ, кубик, бурчаклар, тоифали шарҳ, икки қисмли кундалик, инстерп усули.

Бу усулларда дарс ўтишдан мақсад ўқувчиларнинг билим савиясини уларнинг чукур фикрлашларига, изланишига, тадбиқ этишига, ўз фикрини эркин баён этишига эришиш.

Ақлий бўрон, кетма-кет саволлар ҳужуми;

Венн диаграммаси хоссаларини таққослаш;

Занжир жавобни кетма-кетлигига эришиш;

Кластер, ким кўп, тез, чаққон жавобга эришиш;

Сўз ўйини, битта сўздан турли сўзлар келтириб чиқариш;

БББ усули, биламиз , билмоқчимиз , билдик;

Кубик, битта нарсани кубиклар томонига ёзиб, изоҳлаш;

Сенкувейн материалларни қисқа формада баён қилиш;

Икки қисмли кундалик:

	Фикр	Шарх	
	1-ўқувчи	2-ўқувчи	
Инсерт:+	-	+	?
Биламан	Билмас эдим	Мен учун янги маълумот	Яна нимани билмоқчиман

11.Расмли изоҳ.

12.Амалий тадқиқот.

### **Мавзу: Целлюлозанинг хоссалари ва толалари классификацияси – психологик усул.**

**Тавсифи:** Психологик усул- шахсни эмоционал, руҳий, ахлоқий сифатларни эътиборга олган ҳолда шакллантирувчи таълимдир. У ўқувчиларга фанни тез, осон ўзлаштиришда ,кимё фани дарслари жараёнида шахсни эмоционал руҳда тарбиялашга ёрдам беради..Бунда тизимли мушоҳида қилиш таққослаш, солиштириш, таҳлил ва синтезни амалга ошириш қўникмаларини ривожлантиради.

**Мақсад:** Психологик усул орқали целлюлозанинг хоссалари ва толалари классификациясни ўрганиш .

**Таълимий:** Целлюлозанинг хоссалари ва толалари классификациясини тадбик этишни амалга ошириш.

**Ривожлантирувчи:** Целлюлозанинг хоссалари ва толалари классификациясини ўрганиш.

**Тарбиявий:** Целлюлозанинг хоссалари ва толалари классификациясини организмида қандай аҳамиятга эга эканлигини ўқувчилар онгига етказиш.

**Кўлланилиши:** янги ёки ўтилган мавзуни сўрашда, бирор, бўлимни тугаллашда ўтилган мавзуни ўқувчи томонидан қай даражада ўзлаштирганини аниқлашда, мавзуни мустахкамлашда, оралиқ ва якуний назоратлар ўтказишда кўллаш мумкин.

**Фойданиладиган воситалар:** тарқатма материаллар, кўргазмали қуроллар, коллекция тўпламлари, бирикмалардан намуналар, А-З форматли қоғозлар, фламастер, скотч.

**Жиҳозлар:** крахмал ва целлюлозадан намуналар, J<sub>2</sub> настойкаси, пахта, толалардан намуналар, расм ва карточкалар, пробиркалар, сув, штатив , толаларидан намуналар.

**Услуб:** интерфаол

**Кўргазма:** турли слайдлар, таблица, дарслик, даврий система..

**Дарснинг бориши:** дарсни ташкил этишда давомат, бугунчи кун янгиликлари ва уй вазифаси аниқланади.

Ўтилган мавзуни сўраш: ўтилган мавзуга оид тарқатма материаллар, кўргазмали қуроллар , уйга берилган мисол ёки масалани ечиш топширилади.

Оммавий ҳолда ўтилган мавзуни сўрашда: ақлий хужум, занжир усули саволларнинг кетма- кетлиги, занжир узилмасдан саволларга жавоб бериш, реакция тенгламаларини ёзиш ва ўқий олиш усуллардан фойдаланилади.

**Ўтказиши тартиби:** 1 Дарсда: ақлий бўрон, занжир, Венн диаграммаси, хоссаларини тадқиқ этиш, Кластер, амалий машғулот, савол – жавоб, тақдим этиш усули, расмлар изоҳи, сўз ўйини, БББ усулларидан фойдаланилади. Ўқувчилар 3- 5 кишидан иборат 4 та кичик групкаларга бўлинади. Машғулотнинг мақсади ва ўтказилиш тартиби тушунтирилади. Ҳар бир кичик групга қоғозининг юқори қисмида ёзуви бўлган варажлар топширилиши айтилади. 1,2 груп крахмалларга, 3,4, груп целлюлозаларга жавоб беради.

1 савол. Ақлий хужум: (Саволларнинг кўплиги ва кетма – кетлиги) Целлюлоза табиатда қаерда, нималарнинг таркибида, қанча миқдорда учрайди ? – 1 груп.

2 –савол. Целлюлозанинг таркиби, тузилиши, мономери, формуласи ва қайси физик хоссаларга эга эканлиги сўралади. 2-гурух

3-савол .Крахмал табиатда қаерда, нималарнинг таркибида, қанча миқдорда учрайди ? 3-гурух

4-савол. Гурух аъзоларидан крахмалнинг таркиби, тузилиши, мономери, формуласи ва қайси физик хоссаларга эга эканлиги сўралади. 4-гурух

Крахмал ва целлюлозанинг хоссалари ва табиатда учрашини умумлаштириш мақсадида Венн диаграммасидан фойдаланилади.

### Ўхшашлиги

Крахмал - целлюлоза

Оқ ранг - оқ ранг

Ўсимлик - ўсимлик

Таркиби глюкозадан иборат

Тармоқланган структурага эга

### Фарқи

Крахмал – целлюлоза

Кукун – юмшоқ

$\alpha$  глюкоза –  $\beta$  глюкоза

Таркиби ҳар хил глюкозадан иборат

Тўғри чизиқли структурага эга


Полимер -

Формуласи бир хил-

Ўхшашлик томонлари кўп

Кимиавий хоссалари: Ҳар бир қатордан чиққан ўқувчи крахмал ва целлюлозанинг кимиёвий хоссаларини изоҳловчи реакция тенгламаларини ёзади, ўқийди ва изоҳлайди, хоссаларини айтиб беради.

Крахмал учун




Крахмал

Декстрин



Малтоза

Глюкоза




Ўқувчи бир бўлак картошкани кесиб йод томизади, картошканинг таркиби крахмалдан иборат бўлганлиги сабабли, йод томизилган жой кўкаради.

Целлюлоза учун



Кластер усули. Крахмал ёки целлюлоза қандай мақсадларда фойдаланилади ёки ишлатилади.? Маълум 2 минут оралиғида чизилган варакқа жавоб ёзилади.



2,1 гурӯҳ крахмалга оид;

3,4 гурӯҳ целлюлоза га оид;

1,3 ичига; 2,4 гурух ташқарига.

Бунда икки хил рангли ручкадан фойдаланилади. Жавоб тугагандан сўнг , бир хил жавоблар ўчирилади ва кимда кўп ёзилгани аниқланади.

Амалий машғулот усули.Хар бир қаторга штатив пробиркалар берилади.

3 та пробиркага: 1 тасига пахта+  $J_2$  –нима кузатилади.

2 - сига қоғоз+  $J_2$  ---- нима кузатилади

3 -сига крахмал+  $J_2$  -нима кузатилади

ва қайси идишда нима борлиги аниқланади ва изоҳланади.

Савол - жавоб усули. 1 с. α глюкоза β глюкозадан нима билан фарқ қиласи ?.

Глюкозанинг таркибида қайси функционал грухлар бор?

Фруктозанинг таркиби қандай? . Кумуш кўзгу реакциясини глюкозами ёки фруктоза ҳосил қиласи?


Органик бирикмалар ёнишидаги охирги маҳсулот нима?

Тақдим этиш усули. Хар бир қаторга расмли қоғоз берилади ва изоҳ сўралади, расмда қайси модданинг тузилиши тасвирланган бўлади.

Масалан,



Целлюлоза.



Крахмал.

1. полимер- .

1. полимер.

2. β глюказа занжири

2. α глюказа


3. тола қилиб чўзилади

3. кукун

4. тармоқланмаган.

4. тармоқланган

Ўқитувчи барчасини умумлаштириб, толалар классификациясини тушинтиради.



Ўсимлик	Хайвон	Сунъий	Синтетик
Пахта	Ипак	Ипак	Капрон
Каноп	Жун	Шойилар	Нейлон
Зифир		креп	кремлин

Толалардан намуналар кўрсатилади ва буларнинг барчаси полимер, целлюлоза эканлиги айтилади. Уйга вазифа: ёни ўқиш ва аминабирикмаларга тайёргарлик. 3,4 – топширикни ёзма равишда бажариш топширилади..

**Кутилган натижа:** қисқа вақт ичида мавзууни ўзлаштиришга, хотирада узоқ вақт сақланишга ёрдам беради, фикрни бошқаларга етказишга, ахборотни мустақил ўрганишга, савол бериб унга жавоб топишга, нутқни ривожлантиришга, ўзини ўзи назорат қилишга, билимини баҳолашга, қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлишга ва бу орқали билим самарадорлигини ошириш , сифат кўрсаткичларига эришиш кузатилади

### **Мавзу: “Бумеранг” технологияси ёрдамида “Фосфор ва унинг хоссалари” мавзусини ўрганиш**

Педагогик энциклопедияларда тушунтирилишича, ўқитиши - бу ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги олиб борган ишлари ёрдамида ўқувчиларни билимларни эгаллаши, бирор ишни мустақил қила билиши , уқувли бўлиши, ўқувчилар иқтидорининг ўсиши, дунёқараашларининг шаклланиши ва ривожланишига эришишдир. Замонавий педагогикада

интерактив ўқитиши усулларини танлаш ва фойдаланиш ҳақида кўп гапирилмоқда, чунки бу усуллар инновацион педагогик технологияларнинг бир қисмидир.

Инновацион технология бу – ўқувчиларга билим беришда янги методларни ўқув жараёнига кириб келиши . Интерактив усуллар ўқувчиларга ўрганилаётган материални мустақил ўрганишга ,яхшироқ ўзлаштиришга ёрдам бериб,фикрлаш қобилиятини ривожлантириб, ўзидағи иқтидорни ривожлантириш, ҳамда ҳар бир ўқувчининг шахсий сифатларини аниқлашга ва бу билан кўпроқ тўғри келадиган ўқув усулини танлаб олишга ёрдам беради. Интерактив ўқув усуллари ўқитувчига:

- ўқувчида дарс мавзусига бўлган қизиқишни таъминлаш;
- ўқувчининг ўқув материалини кучлироқ ўзлаштиришига эришиш;
- ўқувчининг таҳлилий фикрлашини ривожлантириш;
- ўқувчининг коммуникатив уқувини шакллантириш;
- барча ўқувчиларни фаол ўқув жараёнига жалб қилиш учун шартшароитларни яратиб бериш;
- ўқув грухида соғлом психологик микроиқлимни таъминлашга имконият яратади.

Ҳозирга вактда ўқув жараёнида интерактив усулларнинг қўлланилиши муносабати билан кундан кунга ўқув сифатига бўлган қизиқиш ошмоқда. Замонавий технологиялар қўлланилаётган ўқув машғулотларида ўқувчилар олаётган билимлар нафақат мустақил ўрганишга, мустақил изланишга, таҳлил қилишгагина эмас, балки хулоса чиқаришга ҳам йўналтирилгандир.

Ўқитувчи бу жараёнда ўқувчининг ҳар томонлама ривожланиши, шаклланиши учун зарур бўлган шароитларни яратиши, унинг билим олиши, шахсни ва жамоани тарбиялаш билан бирга бошқариб борувчи ҳамда йўналтирувчи вазифасини бажаради. Бунда ўқув жараёнларида ўқувчилар асосий харакатланувчи куч бўладилар.

“Фосфор ва унинг хоссалари”ни инновацион технологиялар ёрдамида ўрганиш мавзусида биз инновацион технологияларнинг бир неча усулларини кўрсатиб ўтамиз.

**Тавсифи:** Бу технология ўқув жараёнида ва ундан ташқари вақтда турли адабиётларни қўллашни, ўрганилган материал, матнларни эслаб қолиш, қисқа вақт ичидаги гапириб бериш ва катта ахборот олишга ёрдам беради.

**Мақсад:** Берилган материални ўқувчилар томонидан индивидул ва групчаларда қандай ўзлаштирилишини аниqlаш.

**Илмий:** Фосфорнинг хоссаларини ўрганиш

**Ривожлантирувчи:** фосфорнинг хоссаларини реакция тенгламаларида ифодалай олиш:

**Тарбиявий:** Инсон ҳаётида фосфорнинг аҳамиятини кўрсата олиш.

**Қўлланилиши:** Индивидуал, групчий ва жамоавий формалардаги амалий ва лаборатория машғулотларида ҳамда сухбат-дарс, мухокама-дарс, тақдимот дарсларида.

**Қўлланиладиган ўқув воситалари:** Ўқув жараёнида ўтилган ёки янги мавзу бўйича мустақил ўқиши, ўзлаштириш ва ўрганиш учун тарқатилган материаллар расм-жадвал, реакцияларни тенглаштириш бўйича топшириклар

**Дарснинг жиҳози:** слайдлар, жадваллар, А-4 форматли қофоз (ўқувчилар ёки групчалар сонига қараб), рангли қаламлар ёки фламастерлар ва рангли қофозлар, дарслик .

**Дарс ўтиш услуби :** интерфаол.

**Дарснинг бориши:** дарсни ташкил этишда давомат, бугунчи кун янгиликлари ва уй вазифаси аниqlанади.

**Ўтилган мавзуни сўраш:** ўтилган мавзуга оид тарқатма материаллар, кўргазмали қуроллар , уйга берилган мисол ёки масалани ечиш ва дафтарда ишлаб келинган иш билан солишлиши топширилади.

Оммавий ҳолда ўтилган мавзууни сўрашда: ақлий хужум, занжир усули саволларнинг кетма -кетлиги, занжир узилмасдан саволларга жавоб бериш, реакция тенгламаларини ёзиш ва ўқий олиш усулларидан фойдаланилади

### **Дарснинг ўтказиш тартиби:**

**Мавзу: “Бумеранг” технологияси ёрдамида**

**“Фосфор ва унинг хоссалари”ни ўрганиш**

Ўқитувчи тушунтиради: Д. И. Менделеевнинг кимёвий элементлар даврий системасининг V бош гуруҳида Р элементи мавжуд. Бу гуруҳда яна тўртта элемент: N<sub>2</sub> – азот, A<sub>s</sub> – мышъяқ, S<sub>b</sub> – сурма B<sub>i</sub> – висмут бор. V гуруҳ элементлари орасида энг фойдали ва барча тирик организмлар таркибига кирадиган фосфор, катта аҳамиятга эгадир.

“Фосфор ва унинг хоссалари” мавзусини ўрганиш учун фосфорнинг идрок харитаси чизилади ва фосфорнинг хоссалари қўйидаги харита асосида ўрганилади: 1. Фосфорнинг табиатда учраши.

2. Фосфорнинг даврий системадаги ўрни.


3. Фосфорнинг физик хоссалари.

4. Фосфорнинг кимёвий хоссалари.

5. Фосфорнинг кислородли бирикмалари.

6. Фосфорнинг ишлатилиши.

7. Кислоталари.



## 8.Тузлари.

Үқитувчи тушунтириб бўлгач, ўқувчилар 6 гуруҳга бўлинадилар.

Ўқувчиларга дарсдан кўзланган асосий мақсад тушунтирилади . Гурух вакиллариға саволлар тарқатилади..Дарс йўналиши тушунтирилади. Жавобга тайёрланиш учун вақт берилади.

Ўқувчилар мавзу матнини мустақил равишда ўқийдилар ва улар аввалдан янги мавзу бўйича янги материал олиб келишлари ,тайёрланиб келишлари айтилган эди. Ҳар бир гуруҳ учун стол устида мавзуни тасвирлаб бериш учун савол-топшириқ ёзилган қоғозлар, фломастер, елим, рангли қоғозлар, қайчи ва тарқатувчи материал тайёрлаб қўйилади.

1- савол. Кимёвий элемент сифатида фосфорни ўрганаётда нимани билиш керак?

2- савол. Фосфорнинг даврий системадаги жойлашуви қандай?  
“Кунгабоқар гули” усули бўйича тасвирланг.

3- савол. Фосфорнинг физик хоссаларини жадвал асосида тушинтиринг.

4- савол. “Балиқ скелети” схемасидан фойдаланиб, фосфорнинг кимёвий хоссаларини ёзинг.

5- савол. Фосфорнинг қўлланилишини “Кластер” усули бўйича тасвирланг.

6- савол. Фосфорнинг лаборатория йўли билан олинишини тасвирланг.


Гурух жавоблари “Бумеранг” технологияси асосида сўралади. Ҳар бир гурух, ўзига тегишли жавобни ёзди ва жавобни ёзиш, давом эттириш учун қофозни кейинги гурухга узатади

. Ўқувчилар жавоб вақтида ўз-ўзларини текшириб борадилар ва бир-бирларини тўғри жавоб учун баҳолашлари мумкин.

1- саволга жавоблар. Олдиндан кунгабоқар япроқларини рангли қофозлардан тайёрлайдилар

Фосфор элементини ўрганаётганда қуидагиларни билиш зарур:


1. гр : фосфорнинг табиатда учраши;
2. гр : фосфорнинг даврий системадаги жойлашуви;
3. гр : фосфорнинг физик хоссалари;
4. гр : фосфорнинг кимёвий хоссалари;
5. гр фосфорнинг қўлланилиши;
6. гр : фосфорнинг олиниши.



Ҳар бир гурух аъзоси кунгабоқар япроқларига жавобларни ёзиб ёпиширадилар ва бир-бирларига узатадилар, кунгабоқар гули шундай қилиб ясалади.

Фосфор кимёвий элементининг даврий системадаги жойлашуви  
куидагича ўрганилади.


- 1 гр. Кимёвий белгиси . Р, I-давр.
- 2 гр. 2-қатор, металл эмас.
- 3 гр. II,IV валентлилик ,тартиб рақам -15.
- 4 гр. Нисбий атом массаси 31,кислородли бирикмаси  $P_2O_5$ .
- 5 гр. Водородли бирикмаси  $PH_3$ , атом тузилиши. $+15)2)8)5)$
- 6 гр.  $p = +15$   $e = -15$   $n = 16$  ,электр конфигурацияси  $1S^2 2S^2 2P^6 3S^2 3P^3$



Фосфорнинг физик хоссаларини жадвал асосида тўлдиринг.

Фосфор	Оқ	Қизил
1 гр. – Агрегат ҳолати		
2 гр. Ранг		
3 гр. Хид		
4 гр. $\text{H}_2\text{O}$ да эрувчанлиги		
5 гр. Зичлиги, эриши		
6 гр. Организмга таъсири		

“Балиқ скелети” усулидан фойдаланиб фосфорнинг  
кимёвий хоссаларини ёзинг.



- 1 гр.  $4\text{P}+5\text{O}_2 = 2\text{P}_2\text{O}_5$   
 2 гр.  $2\text{P}+3\text{Cl}_2 = 2\text{P}\text{Cl}_3$   
 3 гр.  $2\text{P}+3\text{S} = \text{P}_2\text{S}_3$   
 4 гр.  $2\text{P}+3\text{H}_2 = 2\text{PH}_3$   
 5 гр.  $2\text{P}+3\text{Ca} = \text{Ca}_3\text{P}_2$   
 6 гр.  $2\text{P}+\text{Mg} = \text{Mg}_3\text{P}_2$

Фосфорнинг қўлланилишини “Кластер” усули бўйича ёзинг.

1 гр. Фосфор тирик организмлар таркибида бор.


2 гр. Ҳаёт учун зарур.

3 гр. Оқсиллар - фосфор бирикмаларири.

4 гр. Нуклеин кислоталар- фосфор бирикмаларири.

5 гр. Инсон суюк тўқималарининг ноорганик бирикма компонентидир.

6 гр. Жониворлар тўқималаридағи ноорганик бирикма компоненти асосан кальций фосфати  $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$  кўринишидадир.



Фосфорнинг олинишини 6 –гурух ёзади.



Ҳамма гурухларнинг жавобларидан сўнг, ўқитувчи ўзи хulosachiqaradi. Агар тўлиқ жавоб бўлмаса ўқитувчининг ўзи ўқувчиларга тушунтиради ва ўқитувчиларнинг жавобига баҳо қўяди.

Баҳолар: Уйга вазифа учун, ўтилган мавзулар бўйича жавоблар учун, янги мавзу бўйича берилган жавоб учун.

Уйга вазифа берилади: ўқиш, масалани ечиш, янги мавзу учун бирон-бир янгиликни қўриш.

### **Кутиладиган натижалар:**

Ўтилган мавзу бўйича ёки янги мавзуни ўрганиш жараёнида ўқувчиларга савол берилганида, биз педагогик, интерактив, инновацион усулларнинг бир неча турларини қўллашни тавсия этамиз.

Ўқув қўлланмалари, схемалар, чизмалар, лаборатория тажрибалари, ҳамда кўрсатмали экспериментларни қўллаш, ўқувчиларнинг

қобилияларини, масалан, мустақил фикрлаш, керакли хулосаларни чиқариш, индивидуал ва гурухларда ишлашни яхшилайди.

### **Мавзу: “Чархпалак ” технологияси асосида**

#### **“Алюминий ва унинг хоссалари”ни ўрганиш**

Ҳозирги даврда ўқув жараёнида интерактив усулларнинг қўлланилиши муносабати билан кундан кунга ўқув сифатига бўлган қизиқиш ошмоқда. Замонавий технологиялар қўлланилаётган ўқув машғулотларида ўқувчилар олаётган билимлар, нафақат мустақил ўрганиш, мустақил изланиш, таҳлил қилишгагина эмас, балки хулоса чиқаришга ҳам йўналтирилгандир.

Ўқитувчи бу жараёнда ривожланиш, шаклланиш учун зарур бўлган шароитларни яратиш, билим олиш, шахсни ва жамоани тарбиялаш билан бирга бошқарib борувчи ҳамда йўналтирувчи вазифасини бажаради.

“Алюминий ва унинг хоссалари”ни инновацион технологиялар ёрдамида ўрганиш мавзусида биз инновацион технологияларнинг бир неча турларини кўрсатиб ўтамиз.

**Тавсиф:** Бу технология ўқув жараёнида ва ундан ташқари вақтда турли адабиётларни ўрганишни ва ундан оқилона фойдалана олишни, қўллашни, ўрганилган материал, матнларни эслаб қолишни, қисқа вақт ичida гапириб беришни ва катта ахборот олишга ёрдам беради.

**Мақсад:** Берилган материални ўқувчилар томонидан индивидул ва гурухий ўзлаштирилишини аниқлаш.

**Қўлланилиши:** Индивидуал, гурухий ва жамоавий формалардаги амалий ва лаборатория машғулотларида ҳамда сухбат-дарс, мухокама-дарс, тақдимот дарсларида.

**Қўлланиладиган ўқув воситалари:** Ўқув жараёнида ўтилган ёки янги мавзу бўйича мустақил ўқиши, ўзлаштириш ва ўрганиш учун тарқатма материал расм-жадваллар, реакцияларни тенглаштиришга оид мисоллар, слайдлар, жадваллар, А-4 форматли қофоз (ўқувчилар ёки гурухлар сонига қараб) рангли қаламлар ёки фламастерлар ва рангли қофозлар.

## **Мавзу: “Чархпалак” инновацион технологияси ёрдамида “Алюминий ва унинг хоссалари”ни ўрганиш**

Ўқитувчи : Д. И. Менделеевнинг кимёвий элементлар даврий системасининг III бош гурухида Алюминий элементи мавжуд. Бу гурухда яна тўрт элемент В–бор, Ga-галлий ,In- индий, Та-таллий мавжуд. III гурух элементлари орасида алюминий кўпроқ аҳамиятга эга бўлган элементлардан биридир “Алюминий ва унинг хоссалари”ни ўрганиш мавзусида алюминийнинг технологик харитасини чизиш лозим.

### **Алюминийнинг идрок харитаси.**


1. Алюминийнинг табиатда учраши.
2. Алюминийнинг даврий системадаги ўрни.
3. Алюминийнинг физик хоссалари.
4. Алюминийнинг кимёвий хоссалари.
5. Алюминий оксидларининг олиниши.
6. Алюминатермия.
7. Алюминийнинг қўлланилиши.

### **Дарсни ўтказиш тартиби:**

.Ўқитувчи ўз мақсадини тушинтириб бўлгач , ўқувчиларни 6 гурухга бўлади. Гурух вакилларига саволлар тарқатилади. Дарснинг йўналиши тушунтирилади. Жавобга тайёрланиш учун вақт берилади.

Ўқувчилар мавзу матнини мустақил равишда ўқийдилар ва улар аввалдан янги мавзу бўйича янги материал олиб келишлари керак эди. Ҳар бир гурух учун стол устида мавзууни тасвирлаб бериш учун савол ёзилган қоғоз, фломастер, елим, рангли қоғозлар, қайчи ва тарқатувчи материал тайёрлаб кўйилади. Жавоб тайёрлаш учун вақт берилади.

1- савол. Кимёвий элемент сифатида алюминийни ўрганаётда нимани билиш керак? “Кунгабоқар гули” усули бўйича тасвирланг. 2- савол. Алюминийнинг даврий системадаги жойлашуви қандай? “Кунгабоқар гули” усули бўйича тасвирланг.



3- савол. Алюминий қандай нинг физик хоссаларга эга ?

4- савол. “Балиқ скелети” схемаси усулидан фойдаланиб, алюминийнинг кимёвий хоссаларини ёзинг.

5- савол. Алюминотермия нима? Реакция тегламаси асосида тушинтиринг.


6- савол. Алюминийнинг олинишини. “Чархпалак” усули билан тасвиirlанг.

Ҳар бир гурух, саволни олгач унга биттадан жавоб ёзади ва саволни кейинги гурухга узатади. Вақт ўтгандан сўнг ўқувчи гурух “Чархпалак” усули бўйича тақдимотни бошлайди. Ўқувчилар жавоб вақтида ўз-ўзларини текшириб борадилар ва бир-бирларини тўғри жавоб учун баҳолашлари мумкин.

1- саволга жавоблар. Олдиндан кунгабоқар япроқларини рангли қоғозлардан тайёрлайдилар ва жавоб ёзиб ёпиширадилар. Бир-барларига узатадилар , кунгабоқар гули шундай тайёрланади.

Алюминий элементини ўрганаётганда қуидагиларни билиш зарур:

1. гр. алюминийнинг табиатда учраши;
2. гр. даврий системадаги жойлашуви;
3. гр. физик хоссалари;
4. гр. кимёвий хоссалари;
5. гр. алюминотермия, алюминийнинг қўлланилиши;
6. гр. алюминийнинг олиниши.




Алюминий кимёвий элементининг даврий системадаги жойлашуви қандай?

Ҳар битта гурух иккитадан жавоб ёзади:

1 гр. Al кимёвий белгиси. 3- давр.

2 гр. 3 қатор, амфотер металл.



3 гр. 3 валентлилик ,тартиб рақами №13

4 гр. Нисбий атом массаси 27, кислородли бирикмаси  $\text{Al}_2\text{O}_3$

5 гр. Атом тузилиши +13) 2 ) 6)3)

6 гр.  $p = +13$ ,  $e = -13$   $n = 14$ , эл. конф.  $1S^2 2S^2 2P^6 3S^2 3p^1$

Алюминийнинг физик хоссалари тушинтирилади:

1гр. Оқ-кумуш рангга эга.


2гр. Жуда юмшоқ.

3гр. Иссиқни ўтказувчан.

4гр. Электротказувчан.




5гр. Нисбатан енгил,  $659^{\circ}\text{C}$  да суюқланади.

6гр.  $1800^{\circ}\text{C}$  да қайнайди.



“Балиқ скелети” схемаси усули бўйича алюминийнинг кимёвий хоссалари

тушинтирилади:



“Кластер” усули бўйича алюминийнинг қўлланилиши тушинтирилади:

1гр. Машинасозлиқда.


2гр. Авто ва тракторсозлиқда.

3гр. Кема қурилишида.

4гр. Қурилишда.



5гр. Самолётсозлиқда.

6гр. Ҳалқ истеъмоли буюмлари маҳсулотларини ишлаб-чиқаришда.



.

“Чархпалак” технологияси асосида алюминийнинг олиниши тушинтирилади:



Ҳамма гуруҳларнинг жавобларидан сўнг, ўқитувчининг ўзи хulosа чиқаради. Агар ўқувчиларнинг жавоби тўлиқ бўлмаса, ўқитучининг ўзи ўқувчиларга тушунтиради ва ўқувчиларнинг жавобларига баҳо қўяди.

**Баҳолар:** Уйга вазифа учун, ўтилган мавзулар бўйича жавоблар учун, янги мавзу бўйича берилган жавоб учун.

**Уйга вазифа берилади:** ўқиш, масалани ечиш, янги мавзу учун бирон-бир янгиликни топиб келиш.

### **Кутиладиган натижа :**

Ўтилган мавзу бўйича ёки янги мавзуни ўрганиш жараёнида ўқувчиларга савол берилганида, интерактив, инновацион усулларнинг бир

неча турларини қўллаш мумкин .Турли усулларни қўллаш, схемалар, чизмалар, лаборатория ҳамда кўрсатмали тажрибалардан дарс жараёнида фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг қобилиятларини ошириш ва: ўқувчиларга мустакил ва эркин фикрлашни, мавзудан келиб чиққан ҳолда керакли хуносалар чиқаришни, индивидуал ва гурухларда ишлашни ,бир-бирининг фикрини эшитишни ва ҳурмат қилишни ўргатади.

### **Кимёвий элементларнинг инсон организимига ижобий ва салбий таъсири.**

Ер пўстлоғининг 98 % ини асосан : O, Si, S, Al, Fe, Ca, Na, K, Mn каби моддалар ташкил этади. Ўсимликларнинг 99 % ни O, C, H, Na, K, Ca, Si каби элементлар ташкил этади. Инсон танасининг 99 % ини H , O, C, N, Ca каби моддалар ташкил этиб , булар макроэлементлар дейилади. Тирик организмнинг 0,01% идан кам микдорда учрайдиган: Mo, Co, Cu, Mn, Zn, F , Br, J, Sb, Cr, Na, Ag, Cd, Ni каби элементлар ташкил этиб,булар микроэлементлар дейилади. Улар хаёт учун ўта зарур моддалар хисобланади. Улар организмда қанд, крахмал, оқсиллар, турли нуклеин кислоталар, витаминалар, ферментлар хосил бўлишига ёрдам беради. **Кальций** - одам организмида муҳим аҳамиятга эга бўлган биоген элемент бўлиб,организмдаги суюқда 99% и қон ва лимфада 1% и учрайди. Кальций элементининг етишмаслиги : суюқ, қон, ўсма ва бошқа бир қанча касалликларни келтириб чиқаради. Кальций суюқ тўқималарини хосил қилишда ва уларнинг мустаҳкамлигини таъминлашда иштирок этади. Агар ёш болаларда кальций етишмаса, спазмафилия (шайтонлаш) касаллигини келтириб чиқаради. Бундан ташқари кальций қоннинг нормал ивишини таъминловчи омилдир.

**Марганец** -тирик организмда , буйракда сийдик хосил бўлиш жараёнининг нормал кечишида ёрдам берувчи модда хисобланади. Яъни бирламчи сийдикнинг иккиламчи сийдикка айланишида муҳим аҳамиятга эга.

**Кобальт** -гемоглобин синтезида катта аҳамиятга эга. Қон рангининг қизил бўлишини таъминлайди. Кобальт В<sub>12</sub> витаминининг зарурий таркибий қисмидир. Бу витамин қон ҳосил бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

**Рух-** организмда карбонат ангидрид ҳосил бўлишига, оқсилларни ўзлаштирилишига ёрдам беради. Рух бир қатор ферментларнинг таркибига киради. Бу элемент жинсий гармонлар фаоллигини оширади.

**Молибден** элементи азотнинг ўзлаштирилишида ёрдам беради, организмда оксидланиш-қайтарилиш жараёнини бошқаради.

**Фтор-** тирик организмлардаги суяқ тўқималарининг ҳосил бўлишида ва ўсишида катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари фтор элементи тиш эмалининг асосий қисмини ташкил қиласди.

**Бром-** олий нерв фаолиятининг нормал кечиши учун жавобгар.

**Йод-** организмни нормал ўсиши учун, жинсий етилиш учун зарур элемент. Йод инсон организмидаги қалқонсимон бездан ажralадиган тироксин гармони таркибига киради. Организмда йод етишмаса, турли касалликлар- бўқоқ, хотира пастлиги пайдо бўлади. Йоднинг радиоактив изотопи рак, қалқонсимон бези(бўқоқ), атеросклероз касалликларини даволашда ишлатилади.

**Фосфор** ва унинг бирикмалари биологик системаларда катта роль ўйнайди. Фосфор ДНК ваРНК даги фосфат группалари таркибига киради, у оқсил синтези ва ирсий (генлар) информацияни сақлашда иштирок этади. Фосфор суяқ тўқималарини ҳосил қилишда катта аҳамиятга эга. Агар организмда фосфор етишмаса, болаларда тетиния (тутқаноқ) касаллиги келиб чиқади.

**Мис** - тери пигментациясида, темирнинг ўзлаштирилишида катта роль ўйнайди, Инсон организмida кўпгина моддаларнинг ионлари алмашиниши туфайли оксидланиш-қайтарилиш жараёнлари рўй

беради.Хужайрадаги модда алмашинуви , албатта , юқорида айтиб ўтилган элементларга боғлиқ.

**Кумуш.** Қадимдан маълумки, сувни кумушдан ясалган идишларда сақлашган , кумуш идишларда сакланган сув, анча вақт бузилмаган , сабаби сувда эримайдиган кумушнинг маълум микдордагиси сувга , ион шаклида ўтар экан .Кумуш ионлари касаллик хосил қилувчи микроорганизмларни ва бактерияларни йўқотиш хусусиятига эга Шунинг учун кумуш идишларда сақланган сув узоқ вақт тоза турад էкан.

Юқорида номлари кўрсатилган элементларнинг ижобий томонларидан ташқари , салбий томонлари ҳам бор экан

**Темир** элементи эритроцитлар оқсили – гемоглабин таркибиға киради ва кислородни ўпкадан тўқималарга олиб боришда иштирок этади. Агар организмда темир етишмаса, анемия(камқонлик) касаллиги келиб чиқади.

**Олтин** соч таркибининг жуда кам микдорини ташкил қиласиди.

**Натрий, калий ва хлор** элементлари хужайра мембраналари орқали турли ҳил моддаларни ўтказишни таъминлайди. Нерв хужайларини ҳосил қилишда бўладиган қўзғалишларни ўтиши ҳам шу элементлар ёрдамида амалга оширилади. Натрий ва хлор элементлари хужайра таранглигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга.

**Тантал** .Даврий системада вольфрамга яқин тантал элементи бор.У ўзининг хусусиятларига кўра инсон тўқималариға яқин.Шунинг учун уни хирургияда бош мия жароҳатларида , мия чаноқларини тиклаш ўрнида қўллаш мумкин,нерв толаларини тикиш мумкин

**Салбий ўзгаришларни вужудга келтирувчи микроэлементлар.**

Кимёвий тажрибалаларни бажариш жараёнида , айнан шу моддалар билан ишланаётганда эхтиёт бўлиш лозим ,чунки улар инсон организмида потологик ўзгаришларни вужудга келтиради.

**Қалай.**Организмда қалайнинг кўп миқдори асосан жигарда ва буйракда тўпланиб , тўқималарда, қон томирларда ўзгаришларни хосил қиласди. Қалай билан заҳарланган организмда , қоринда, бўғимларда кучли оғрик пайдо бўлади , пайларни тортиши кучаяди, МНС га таъсир қилиб, инсон қўрқинчли тушлар кўради

**Марганец.** Инсон организмига нафас йўллари орқали кириб: буйрак, МНС, қон айланиш системаси ва ўпкани заарлайди . Хром-инсон организмига нафас йўллари орқали кириб,бош оғриги,озиш,тери касаллиги,гепатит,нафас йўллари касалликларини келтириб чиқаради.

**Кадмий** .Бу ҳам нафас йўллари орқали кириб, ички қон оқишини вужудга келтиради, модда алмашинувини бузади, тил, юз, қулоқ супрасини шишиб кетишига олиб келади.

**Таллий.** Нафас йўллари орқали кириб, бир қанча нафас йўллари касалликларини (фарингит,ларингит,бронхит) келтириб чиқаради. Бундан ташқари, овқат хазм қилиш органларига таъсир қилиб ,ошқозонда овқат хазм бўлишини бузади. Буйрак, бўғимлар ва бошқа органларга ҳам таъсир қиласди.

**Кобальт.**Нафас йўли орқали кириб, суяк ва жигар тўқималарида тўпланади. Агар организмда меёридан ортиб кетса, суяқда қон ҳосил бўлиши ва қоннинг жигарда парчаланиш жараёнини ишдан чиқаради. Кучли тери касалликларини,нафас қисишиш касалликларини келтириб чиқаради.

**Ниобий** .Бу модда ҳам инсон тўқималарига яқин бўлган модда бўлиб,шу сабабли тўқмаларни тикишда, нерв толаларини тиклашда ишлатилади Кейинги йилларда бу микроэлементларнинг хоссалари янада ўрганилиб,

организмлар фаолиятига ёрдам берувчи томонлари кўпроқ очилмоқда. Демак ҳар қандай кимёвий тажрибалар бажарилаётганида , албатта, техника хавфсизлик қоидаларига риоя қилиниши ,моддаларни ишлата билиш меъёрига риоя қилиш лозим .

**Қўрғошин** одам нерв системасини заарлайди. У билан заарланганда танада ҳудди чумоли юргандек бўлади.

**Симоб** тез сублиматланувчи(осон буғ ҳолатига ўтувчи) модда бўлганлиги сабабли, нафас йўллари орқали кириб, организмни заарлайди. У асосан мияда тўпланади ва олийnev фаолиятига таъсир қилиб, кўриш, эшитиш, ҳидбилиш, тым билиш ва бошқа жараёнларнинг ишдан чиқишига олиб келади.

### **Ҳамкорликда мавзуни ўқишини ва ўрганишни ташкил этиш усули**

Инновацион педагогик технология шундай билимлар соҳаси, унинг воситасидаги янги минг йилликда давлатнинг узлуксиз таълим соҳасидаги сиёсатида туб бурилиш юз берди, педагог фаолияти янгиланди, ўқувчи-талабаларда хурфиксрилилк ,инсонпарварлик туйғулари шакллантирилди.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида инновацион усуллардан фойдаланиб,таълим самарадорлигини кўтаришга бўлган қизиқиш ва эътибор тобора кучайиб бормокда.Замонавий технологиилар кўлланилган машғулотлар ўқувчилар, талабалар эгаллаган билимларини ўzlари қидириб топишига,мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига , хulosаларни ҳам ўzlари келтириб чиқаришларига ёрдам беради.

Ўқитувчи бу жараёнда ўқувчи ёки талаба ва жамоа билимининг шаклланиши ва ривожланишига шароит яратади. Кимё дарслари жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланишнинг асосий афзалликлари сифатида қуидагиларни белгилаш мумкин:

1. Инновацион технологиялардан кимё фанини ўқитишда фойдаланиш талаба ва ўқувчиларнинг билимини ривожланишига йўналтирилган таълимни амалга ошириш имкониятларини янада кенгайтиради.
2. Инновацион технологиялар кимё фанини ўқитишда ўқув-тарбия жараёнига тизимли асосда ёндашувни кенг жорий этиш имкониятини беради.
3. Инновацион технологиялар кимё фанини ўқитишда ўқитувчини таълим-тарбия жараёнининг мақсадларини аниқлаб, ташхис тизимини тузиш ва жараён ечимини назорат қилишгача бўлган технологик занжирни олдиндан лойиҳалаштириб олишга ундаиди.
- 4 Инновацион технологиялар кимё фанини ўқитишда янги восита ва ахборот усулларини қўллашга асосланганлиги ва уларнинг қўлланилиши “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” талабларини амалга оширишни таъминлашга хизмат қиласди.
- 5 Инновацион технологиялар асосида ўтказилган машғулотлар ёшларнинг муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммоларга ўз муносабатларини билдиришга, билим ва кўникмаларга интилишларини қондириб, уларни фикрлаш ва ўз нуқтаи назарларини асослашга имконият яратади.
- 6.Хозирги даврда содир бўлаётган инновацион жараёнларда таълим тизими олдидаги муаммоларни ҳал этиш учун янги ахборотни ўзлаштириш ва ўзлаштирилган билимни ўқувчиларнинг ўзлари тамонидан баҳоланиши, танқидий қарорларнинг қабул қилиниши, уларни мустақил ва эркин фикрлай олишларига олиб келади.

Ўқитиш жараёнида мақсадга йўналтирилган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар бир таълим технология ўқитувчи ва талаба ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ифода эта олса, ҳар иккаласи ижобий натижага эришса, ўқув жараёнида ўқувчилар ёки талаба мустақил фикрлаб, ижодий ишлаб, изланиб таҳлил этиб, ўзлари хулоса қила олсалар, ўзларига ва

гурухларга, гурух эса уларга баҳо бера олса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит яратади олса,,ана шу ўқитиш жараёнининг асоси ҳисобланади. Кимё фанини ўқитиш жараёнида “Технологик харита”, “Фикрлар уммони”, “Кластр усули”, “Балиқ скелети” схемаси, “Кунга боқар”, “Венн диаграммаси” усулларини қўллаш, инновацион технологиялардан: “Кенг қамровли”, ”Резюми”, ”Зинамазина”, ”ФСМУ”, ”Чархпалак”, ”Модул технологияси” каби технологиялар, ”Ўрган-ўргат”, ”Соғлом муҳит-ва соғлом жамоа”, ”Яхши муаллим-сифатли таълим”, ”Мураккаб фан-ўрганаман” каби инновациялардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Бу усуллар ва технологияларни , инновацияларни дарс жараёнида қўллашдан мақсад: дарс жараёнида талаба ва ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш, эркин ва мустақил ,танқидий фикрлашга, изланишга ва фикрларни жамлашга, амалда таққослашга, янги усуллар қўллаш орқали кимё таълимида самарадорликка эришишга имкониятлар яратилишидир.

Ўқувчи ва талабаларларнинг шахсий сифатларини хисобга олиш асосида шу сифатларни ижобийлаштириш ва ривожлантириш мақсадларига эришиш учун дарсларда ўқувчиларга мустақил вазифалар бериш,дарсларни интерфаол усуллар асосида ўтиш,мавзулар бўйича мустақил хulosалар чиқаришларини,бир-биридан ўрганишларини ташкил қилиш,уларнинг ўқишилари учун қулай муҳит яратишга алоҳида эътибор бериш талаб қилинади.

Ҳамкорликда мавзуни ўқишини ва ўрганишни ташкил этиш усули

Ҳамкорликда мавзуни ўқишини, ўрганишни ташкил этиш усулининг асосий қоидалари:

-топшириқ биргаликда ўқилади ;

-мусобақалашиш эмас , балки ҳамкорликда иш олиб борилади;

-биргаликда ишлашга ,ижод қилишга ўргатилади;

-хар доим бир-бирига ёрдам қилишга ,муваффақият қувончи ёки муваффақиятсизлик аччини бирга тотишга тайёр бўлишга ўргатилади;

-хар ким ўз ўртоқларининг нутқини хушмуомалалик билан тинглашга ўргатилади;

-хар ким биргаликда ишлиши, биргаликда берилган топшириқни масъулият билан бажаришга ўргатилади;

-ёрдамга муҳтож бўлса ёрдам қилишга ўргатилади;

Умумий ўрта таълим мактабларида бу усул асосида дарс ўтилганида мавзуларни ўрганишда ўзига хос бўлган қонуниятлар бор мавзулар :садда,равон,тушунарли ёзилган, шунинг учун бу усулни дарс жараёнинг қўйиш осон.

Академик лицейларда бу усул асосида дарс ўтилганида мавзуларни ўрганишда ўзига хос бўлган қонуниятлар бор: мавзулар кенг ёритилган,қонуниятларни ўрганиш анча мураккаб эканлиги хисобга олинади.

Касб-хунар колледжларида эса бу усул асосида дарс ўтилганида мавзуларни ўрганишда ўзига хос бўлган қонуниятлар бор: мавзуларни ўрганиш билан бир қаторда кўпроқ унинг касбга боғлиқ томонлари очиб берилади ,ёритилади.

Олий таълим ўқув муассасаларида мавзулар кенг ёритилганлиги ,қонуниятларни ўрганиш анча мураккаб эканлигига ,моддаларнинг хоссаларини ўрганиш билан бир қаторда уларнинг сифат ва миқдор анализларига ҳам эътибор берилади.

Олий таълим ўқув юртидан кейинги таълимда: моддаларнинг хоссаларини ўрганишдаги муаммолар ва уларнинг ечими илмий асослаб берилади.

Ўқитувчи кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш даргоҳларида эса дарс беришнинг усуллари ва уларни дарсга татбиқ этиш муаммолари ўрганилади.

“Хамкорликда мавзуни ўқишини ва ўрганиши” ни ташкил этиш усули

Бу усул қуидаги босқичлардан иборат:

1-босқич: Ўқувчилар ёки талабалар ўқув материалини қандай ўзлаштириш мумкин бўлган усуллар билан, жамоада ишлаш қоидалари, ўзлаштирилган билимни ва натижаларни баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан танишадилар.

2-босқич: Жамоадаги ҳар бир ўқувчи ёки талабага битта мавзуни ёритиш учун топшириқлар берилади;

-мавзунинг тўлиқ ёритилиши ва муваффақияти ҳар бир иштирокчининг мавзуни тўлиқ ўрганганига ва мавзуни ўрганишдаги қўшган ҳиссасига боғлик;

-хар бир ўқувчи ёки талабанинг ўз муваффақияти ва жамоа аъзолари муваффақияти учун шахсий масъулиятлилигида;

- хамкорликдаги фаолият, хамкорлик, ўзаро ёрдам бериш каби ўзаро ҳаракат усуллари асосида ташкил топади;

- муваффақиятларга эришишда teng имкониятлар, яъни ўқувчининг қобилияtlаридан келиб чиқсан ҳолда, ўқувчи мавзуни яхши ўзлаштиришига ҳаракат қилиши лозим, чунки у бошқалар билан teng баҳоланади.

**“Фосфор ва унинг хоссалари “ мавзусини “Хамкорликда мавзуни ўқишини ва ўрганиши” ни ташкил этиш усули асосида ўрганиш жараёни.**

3-босқич: Ўқитувчи бугун ўрганилиши лозим бўлган янги мавзуни эълон қиласи ва доскага ёзади, бу мавзуни синфдаги барча ўқувчилар мустақил ўрганиб, тақдим этишга тайёрланишларини, тақдим этилиши лозим бўлган

жавобларни конвертнинг керакли жойига солишларини айтиб ўтади. Доскага катта ватман осилади . Ватманинг ўртасига ўрганилиши лозим бўлган мавзу ёзилган бўлади . Ватманга 8та конверт ёпиштирилган бўлиб, бу конвертларнинг устига мавзуни ўрганилиши лозим бўлган саволлар ёзилган бўлади.

1-конвертга: ўрганилаётган модданинг табиатда қандай ҳолатда учраши, бирикмаларининг формуласи ва номи нима?

2-конвертга : ўрганилаётган модданинг даврий системадаги ўрни қандай ?

3-конвертга ўрганилаётган модданинг физик ҳоссалари қандай?

4-конвертга: ўрганилаётган модда қандай кимёвий ҳоссаларга эга эканлиги ва уни реакция тенгламаларда қандай ифодаланишини ёзинг

5-конвертда ўрганилаётган модданинг олиниш усулларини реакция тенгламалари билан ифодалаб беринг .

6-конвертга ўрганилаётган модда қандай мақсадларда ишлатилади?

7-конвертга ўрганилаётган модда инсон организми учун қандай аҳамиятга эга ?

8-конвертга мавзуга тааллуқли топшириқларни бажариш берилган бўлади.

“Фосфор ва унинг ҳоссалари” мавзусини ҳамкорликда ўқишини ва ўрганишни ташкил этиш усули асосида ёритилиши`

Янги мавзуни ўқувчиларга ўқиш ва мавзуга тааллуқли бўлган маълумотларни эсда олиб қолиш топширилади. Янги мавзу ўқувчилар томонидан ўқиб бўлинганидан сўнг, ўқитувчи ўқувчиларнинг барчасига мавзуга тааллуқли саволлар беради „хамма якка тартибда ишлайди, ўқувчилар ўзларига берилган саволларга жавоб тайёрлаб бўлгандан сўнг, жавобни тақдим этиб, конвертнинг керакли бўлган бўлагига солишади. Жавоблар берилаётганида

ўзаро ҳурмат , жавоблардаги камчиликларни тўлдириб бориш талааб қилинади.

1-конверт савол ва жавоблари: Фосфор табиатда қандай ҳолда учрайди? : Фосфор элементи табиатда эркин ҳолда учрамайди. У фаол элемент бўлгани учун, табиатда фақат минераллар ҳолида учрайди. Фосфорнинг энг муҳим бирикмаси бу апатит, фосфоридлардир. Апатит  $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$ ,  $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2 \cdot \text{CaF}_2$  фторапатит, мия тўқималарида 0,38% мускулларда 0, 27% Р бор , ер пўстлоғини 0.08% ни ташкил қилади. Конлари: Қозоғистон, Эстония, Беларусия, Сибир, Кола яриморолида топилган, уни биринчи бўлиб , В Бранд кашф этган. Бранд бу моддани «совуқ аланга» деб номлади.


2-конверт савол ва жавоблари: Фосфорнинг даврий системадаги ўрни қандай ? Кимёвий белгиси Р,III- давр,3- қатор,V -гурух(ас),металл эмас.,III, V валентлик ,тартиб номери 15,нисбий атом массаси – 31,кислородли бирикмаси –  $\text{P}_2\text{O}_3$ ,  $\text{P}_2\text{O}_5$ , водородли бирикмаси –  $\text{PH}_3$ ,атом тузилиши +15) 2 ) 8) 5), p =+16,.e = -16, n = 16,электрон конфигурацияси  $1s^22s^22p^63s^23p^6$

3-конверт савол ва жавоблари: Фосфор қандай физик ҳоссаларга эга?: У 3 хил аллотропик шаклга эга оқ, қизил, қора . Улар ўзларининг физик ҳоссалари билан кескин фарқ қилади.Жадвални тўлдиринг:у қўйидагича тўлдирилади.


Ҳоссалари	Оқ Р	Қизил Р
Қаттиқлиги	Юмшоқ	Кукун
Рангли	Рангсиз	Тўқ қизил
Хиди	Чеснок хидли	Хидсиз

Суюқланиш температураси	44 °	Юқори температурада бүг ҳолатга ўтади
Қайнаш температураси	281°	-----
Алангаланиш температураси	40 температурада ўз ўзидан ёнади коронгида ёруғ чиқаради	240°
Организмга таъсири	захарли	Захарли эмас

4- конверт савол ва жавоблари: Фосфорнинг кимёвий хоссаларини реакция тенгламаларида ифодаланг.



5- конверт савол ва жавоблари: Фосфор элементи қандай усулларда олинади ?



6-конверт савол ва жавоблари : Фосфор моддасининг ишлатилиш соҳалари қандай?

У катализатор, гутурт, минерал, ўғит сифатида, дори дармон тариқасида, металлургияда, қишлоқ хўжалигида, зааркундаларга, қарши курашда, дори сифатида ишлатилади.

7-конверт савол ва жавоблари .Фосфорнинг биологик ахамиятини айтиб беринг . Фосфорнинг одам организмида умумий микдори 1,5 кг, суяқ тўқималарда 1,4 кг. фосфор бор.Фосфор одам ва ҳайвонларнинг суяқ, мускул нерв тўқималари таркибида органик биримлар ҳолида учрайди. Фосфорга айниқса мия тўқималарида хужайралар бой. Одамнинг кунлик фосфорга эҳтиёжи 2 гр. Наслий белгиларни сақлаш ва уларни авлоддан авлодга

узатишни нуклеин кислота ва фосфорнинг органик бирикмалари бажаради. Миянинг фикрлаши, мускулларнинг қисқариши каби жараёнлар адинозинтрифосфат- АТФ томонидан амалга оширилади. Ўсимликлардан юқори ҳосил олиш ҳам фосфорли бирикмаларга боғлиқ.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг тақдимотларини эшитгандан сўнг уларнинг жавобларини изоҳлайди ,лозим бўлса тўлдиради ва уларнинг бугунги янги мавзу бўйича олган билимлари ва тақдим этган жавобларига баҳолар қўяди.

### **Хлор элементини ўрганишда модул технологиясидан фойдаланиш.**

Ҳар бир педагогик технология ўзига хос педагогик тизимдан иборат.Педагогик технологиянинг чиндан ҳам мавжуд эканлиги ҳамда ишлатишга тайёрлиги унинг таркибидаги модуллар ва алгоритмлар қанчалик даражада тўлиқ ва пухта эканлиги билан белгиланади.Модул тушунчаси ҳар қандай технологиянинг асосий тушунчасидир .Модул-педагогик технологияни ташкил қилувчи таркибий бўлакларни ифодаловчи тушунчадир .Педагогик технологиянинг модуллари бир қанча даражаларга ажратилади Бу модулларнинг орасида бир ўкув машғулотини ўтказиш технологиясини ташкил қилувчи модуллар педагогик технология жараёнининг энг асосий бўғинини ташкил қилиши билан аҳамиятли ҳисобланади.Улар қуйидагиларга ажратилади:

- машғулот мазмунини ташкил қилувчи асосий тушунчалар;
- шу тушунчаларни ўқувчиларга тушунтириш жараёнининг таркибий қисимлари;
- ҳар бир қисмда қўлланиладиган таълим-тарбия воситалари ва усуллари;
- ўқитувчининг машғулот давомида бажарадиган фаолиятини ташкил этилиши;

-ўқувчиларнинг машғулот охиригача бўлган вақт ичида бажарадиган фаолиятларини ташкил қилувчи модуллар;

-ўқувчиларнинг ўзлаштиришини назорат қилиш ишларини ташкил қилувчи модуллар.

Ҳар бир модул ўзига тегишли мақсадни ифодалайди ,унда ўзаро фарқ қилувчи ҳар турли йўллар,усуллар,воситалар қўлланилиши мумкин.

Ўқувчини дарсга қизиқтириш ўқитувчининг дарсни қандай ташкил этиши ва ўтишига боғлиқ.Модул технологияси асосида дарс ўтилганда бир вақтнинг ўзида синфдаги барча ўқувчилар дарс жараёнига жалб этилади ва ўқувчиларни дарс жараёнида фаол иштирок этишига харакат қилинади.Ўқувчилар дарс жараёнида тингловчи эмас балки,ўз фикрини эркин баён этувчи,мустакил фикрловчи, ўрганган мавзусидан тўғри хуроса чиқара билувчи, ўтилаётган мавзу асосида тўлиқ билим ,кўникма,малакага эга бўлиши лозим.Бунинг учун ўқитувчи дарс жараёни учун дастур ишлаб чиқиши ,кетма-кет, оддийдан-мураккабга қараб модулларни қўя билиши ва шу асосда дарсни ўтиши керак.Дарс жараёнида ўқувчилар билан ҳамкорликда ишлаб,жуда кўп мақсадларга эришиш мумкин.Бунда таълим олувчиларнинг имкониятлари ва эҳтиёжлари максимал даражада ошади , кенг фикрлаши ,таффакури кенгаяди ,иродаси ,ўзига ишончи кучаяди, эмоционал рухият каби қобилиятлари ривожланади.Модул технологиясининг ўзига хос хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

-таълимни структуралаш,

-барча ахборотдан кераклигини ажратса билиш

- фақат таълим стандартлари доирасида фаолиятни мувофиқ амалга ошириш учун етарли бўлгандагина танлаб олиш.

Бу таълимнинг мақсади : мустакил таълим олишни амалга ошириш

Қуйида 8-синфларда дастур асосида бир соатлик дарс ишланмасини тавсия этмоқчиман.

Модул.Хлор ва унинг хоссаларини ўрганиш.

Модулнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда ўқувчи мавзу бўйича қуйидаги билимга:

- хлор элементининг даврий системадаги ўрнини;
- атом тузилишини;
- табиатда учрашини;
- физик хоссаларини;
- кимёвий хоссаларини;
- олинишини билиши керак.

Қуйидаги малака ва кўниммага :

- хлор элементининг олиниш реакция тенгламаларини ёза билиши ;
- хлор элементининг хоссаларини ифодаловчи реакция тенгламаларни ёза билиши;
- тенламаларни тенглай олиши; индекс ва коефициентларни тўғри ёза билиши ва қўя билиши лозим.

**Хлор элементини ўрганишда модул технологияси 5 хил блокка бўлиб ўрганилади**


### **1-блок Кириш тести**

Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1-савол. Даврий системада қайси элементлар металлмаслар қаторига киритилган номларини айтинг , уларни даврий системада кўрсатинг.

2-савол. Бу металлмасларнинг қайси бири қандай агрегет ҳолатга эга?

3-савол . Қуйидагилар ичидан газ моддаларини алоҳида ажратинг



4-савол  $\text{Cl}_2$  нинг молекуллар , электрон , график формулаларини ёзинг .

## 2-блок.Хлор элементига тавсиф беринг.

1-савол.Хлорнинг даврий системадаги ўрнини тавсифланг.

2-савол Хлорнинг табиатда учрайдиган қандай бирикмаларини биласиз,формулаларини ёзинг.

3-савол Хлор ўз бирикмаларида неча валентликни намоён қиласи?

4-савол.Хлор элементи қандай кимёвий боғланишни хосил қиласи?

## 3-блок.Хлор қаднай физик хоссаларга эга , жадвални тўлдиринг

Ранги	
Хиди	
Агрегат ҳолати	
Қайнаш температураси	
Суюқланиш температураси	
Зичлиги	

## 4-блок .Хлор моддасини лабораторияда олиниши.

1-савол 20-расмда кўрсатилган тасвирни изоҳлаб беринг.





3-савол Бу реакция қандай реакция турига киради?

4-савол Бу тажрибада хлор хосил бўлганини қандай билиш мумкин ,реакция тенгламаси билан ифодаланг.


**5-блок. Хлорнинг кимёвий хоссаларини реакция тенгламалари билан ифодаланг.**

1-савол. Реакцияни тенгланг .Хлор оддий моддалар билан реакцияга киришганида қандай моддалар хосил бўлади ,номини айтинг:




2- Юқоридаги тенгламада хлор оксидловчими , қайтарувчими.

3-савол . Реакцияни тенгланг . Хлор мураккаб моддалар билан реакцияга киришганида қандай моддалар хосил бўлади , номини айтинг:



4-савол .Юқоридаги тенгламада хлор оксидловчими, қайтарувчими.

**6-блок.3.36 литр нормал шароитда ўлчанган хлор моддаси қанча миқдорда темир моддаси билан реакцияга киришади .Реакция натижасида хосил бўлган тузнинг таркибини ва хосил бўлган модда миқдорини аниqlанг.**




1.А)12, Б) 15 , В) 18 , Г)2,6 ; 2. А) 18 , Б)10 , В)6 , Г)12 .

**7-блок Чиқиши тести.**

1.Хлор табиатда:


- а)эркин холда
- б) бирикма холда
- в) эркин ва бирикма холда г) факт ош тузининг таркибида учрайди.

2.Хлорни лабораторияда қуидаги моддалардан олинади:



г) барчаси тўғри

3.Хлорнинг энг муҳим бирикмаларига қуидагилар киради:



г) барчаси тўғри.

4-савол.NaCl нинг таркибида хлорнинг масса улуши нечага teng.

а) 60%

б) 60,6%

в) 58%

г) 40%

**Кутиладиган натижа:** талабанинг мустақил ўқиши, ишлаши , ривожланиши учун зарурий муҳит яратиб берилади , қисқа вақт ичида мавзуни ўзлаштиришга, хотирада узоқ вақт сақлашга ёрдам беради, фикрни

бошқаларга етказишга, ахборотни мустақил ўрганишга, савол бериб, унга жавоб топишга, нутқни ривожлантиришга, ўзини ўзи назорат қилишга хамда билимини баҳолашга, қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлишга ўргатади.

Шундай қилиб кимё дарсларида ўқувчи доимий равища замонавий педагогик технологияларга таянган ҳолда фаолият юритса:

- талабанинг мустақил ўқиши,ишлиши , ривожланиши учун зарурий муҳит яратиб берилади
- ўқувчиларнинг янгиликка интилевчанлиги,уларни излаб топишга ва амалиётга қўллашга нисбатан қўникмаси ва малакаси шаклланади;
- узлуксиз ўз устида ишлаш қўникмаси шаклланади;
- инновация, интерфаол муҳитда таълим олади;
- ўқувчи дарс жараёнида харакатланувчи кучга айланади.Бу эса таълимда сифат ва самарадорликни таъминлайди ,ўқувчиларнинг ўқиш фаолияти тубдан ўзгариб,келажакда етук,эркин фикрловчи,жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган мутахассис кадрлар камол топади.

Хулоса қилиб айтганда модулли таълим технологияси дидактиканинг тизимлилик,онглилик,тушунарлилик, каби тамойилларга асосланган бўлиб,модулли таълимда бир модулни ўзлаштирмасдан ,иккинчи модулга ўтилмайди.Бу эса ўзлаштириш самарадорлигини янада оширади

### **ФСМУ технологияси асосида марганец элементининг хоссаларини ўрганиш**

**ФСМУ технологиясига тавсиф.** Бунда :Ф-фикарингизни баён этинг;С-фикарингизни баён этишга сабаб кўрсатинг;М-кўрсатган сабабингизни асословчи мисол келтиринг;У-фикарингизни умумлаштиринг.Бу технология

мавзуларни ўрганишда, баҳс-мунозаралар ўтказишда, ўқув режа асосида бирор –бир бўлим ўрганилгач қўлланилиши мумкин. Бу технология талабаларни мавзуларни мустақил ўрганиб, ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин баён қилишга, ўз фикрини бошқаларга етказишга, ўқув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишга ва аниқлашга ҳамда олган билимларининг натижасини баҳолашга ўргатади.

**Технологиянинг мақсади.** Шундай қилиб кимё дарсларида ўқувчи доимий равишида замонавий педагогик технологияларга таянган ҳолда фаолият юритса:

- ўқувчиларнинг янгиликка интилувчанлиги, уларни излаб топишга ва амалиётга қўллашга нисбатан кўникмаси ва малакаси шаклланади;
- узлуксиз ўз устида ишлаш кўникмаси шаклланади;
- инновация, интерфаол муҳитда таълим олади;
- ўқувчи дарс жараёнида харакатланувчи кучга айланади.

Бу эса таълимда сифат ва самарадорликни таъминлайди, ўқувчиларнинг ўқиши фоалияти тубдан ўзгариб, келажакда етук, эркин фикрловчи, жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган мутахассис кадрлар камол топади. Бу технология талабаларни мавзуни мустақил ўрганиб, ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар билан баён этишга ёрдам беради. Бунинг учун ўқитувчи талабанинг мустақил ўқиши, ишлаши ва ривожланиши учун зарурый муҳит яратиб бериши лозим

**Машғулотни ўтказиш тартиби:** ўқитувчи ҳар бир талабага қоғоз ва рақаларини тарқатади, қоғозда ўтиладиган янги мавзу бўйича мустақил равишида ўқиб, ўрганиб, тайёрлаб келган фикрларини баён қилиш сўралади. Якка тартибдаги иш тугагач талабалар кичик-кичик гурухларга ажратилади, мавзулар гурухларда муҳокама қилинади. Ўқитувчи кичик

гурухларнинг ёзган фикрларини жамоа ўртасида ҳимоя қилишларини сўрайди. Дарс машғулоти ўқитувчи томонидан умумлаштирилиб якунланади.

ФСМУ технологияси асосида дарс ишланмасидан намуна тақдим этамиз

### **Марганец элементининг хоссаларини ўрганиш**

**Таълимий:** Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикирлаш жараёнига мавзуу бўйича янги ўзаро боғланишли тассавурларни эркин ва очик баён қилишга ўргатади.

. **Ривожлантирувчи:** Мавзуга таъллуқли тушунча ёки аниқ фикрларни эркин ва очик , узвий боғланган кетма кетлиқда тармоқланишини ўргатади.

**Тарбиявий:** Ўқувчиларда ҳар бир масалага ижодий ёндашувга , эркин фикрлашга,изланишга, маъсулиятни хис қилишга ва таҳлил қилишга ўргатади.

**Қўлланилиши:** семинар, сухбат мунозора шаклдаги дарсларда якка ва кичик гурух, жамоа шаклда фойдаланиш мумкин .

**Дарснинг жиҳози:** А-3 форматли қоғозлар.фломастер , скоч

**Дарс ўтиш услуби :** Интерфаол

**Кўргазма:** Турли слайдлар, таблица, китоб.

**Дарснинг бориши:** Дарсни ташкил этишда давомат , бугунги кун янгиликлари ва уй вазифаси аниqlанади.

Ўтилган мавзуни сўраш: ўқувчилардан ўтилган мавзуни сўраш учун, мавзуга оид тарқатма материаллар ва кўргазмали куроллардан фойдаланилади, доскада уйга берилган мисол ёки масалани ечиш топширилади , ишланган масала ва мисоллар текширилади , ўқувчиларнинг ишлаб келган топшириклари билан солиштирилади..

Ўтилган мавзуни оммавий ҳолда сўрашда: ақлий хужум, занжир усули - саволларнинг кетма кетлиги, занжир узулмасдан саволларга жавоб бериш реакция тенгламаларини ёзиш ва ўқий билиш , амалга ошириш каби усуллардан фойдаланилади.Ўтилган мавзу мустаҳкамланади ва янги мавзуга боғланади.

### **Ўтказиш тартиби:**

Ўқитувчи ҳар бир талабанинг қўлига янги мавзуга оид савол беради ва жавобларни шу қоғозга ёзишини айтади.Маълум вақтдан сўнг талабаларни гурухларга бўлади ва уларнинг қўлига саволлар ёзилган қоғозни беради.Талабалар ўзаро фикрлашиб,ўзлари ёзган жавобларни муҳокама қилиб керакли жавобларни берилган қоғозга ёзишади ва оғзаки равишда ўз фикрларини баён қилишади .

Гурухларга берилган саволлар:

1-гурух .Марганец элементи табиатда қандай ҳолатда учрайди?

2-гурух .Марганецнинг даврий системадаги ўрни қандай?

3 – груп .Марганец қандай физик хоссаларга эга?

4-гурух .Марганец қандай кимёвий хоссаларга эга?

5-гурух. Марганецнинг олиниш реакция тенгламасини ёзинг.

6-гурух . Марганец қандай мақсадларда ишлатилади?

Гурухларнинг тақдимоти

**1 –гурух . Марганецнинг табиатда учраши .**Марганец ер пўстлоғининг 0,1% ини ташкил қиласи .Марганецнинг энг кўп учрайдиган бирикмаси пиролюзит-  $MnO_2$  дир, ундан ташқари :  $Mn_2O_3$ ,  $Mn_3O_4$ ,  $MnS$ ,  $MnS_2$  каби бирикмалари учрайди .Марганец рудалари Украинада, Грузияда, Уралда, Гарбий Сибирда Қозогистонда учрайди.


## **2 –гурх . Марганецнинг даврий системадаги ўрни.**

- 1.Кимёвий белгиси Mn
- 2.Давр сони IV,
- 3.Қатор сони 4,
- 4.Гурух сони VII
- 5.Валентлиги 2-7,
- 6.Тартиб рақами 25,
- 7.Нисбий атом массаси 54,9
- 8.Амфотер металл,
- 9.Кислородли бирикмаси  $Mn_2O_3$
- 10.Водородли бирикмаси йўқ
- 11.Атом тузилиши + 25)2)8)18)2)
- 12.Протон сони + 25
- 13.Электрон сони - 25
- 14.Нейтрон сони 29,9
15. d. элементлар оиласига киради.





## **3-гурх Марганецнинг физик хоссалари**

Марганец оқ тусли қаттиқ металл  $t_c=1250^0$ ,  $t_q=2150^0$ , сирти юпқа оксид қавати билан қопланган.

## **4-гурх Марганецнинг кимёвий хоссалари .**



Қиздирилганда:



суюл.

**5-гурх Марганецнинг олиниши:** Алюминотермия усулида олинади.



**6 –гурх Марганецнинг ишлатилиши:** оксидловчи сифатида ,катализатор сифатида ,шиша ишлаб чиқаришда,пўлат билан ҳосил қилган қотишмаси темир –пўлат релслари,сейфлар,тош майдалагич шарлар ва б . тайёрлашда ишлатилади

**Кутиладиган натижа:** Талабанинг мустақил ўқиши,ишлаши , ривожланиши учун зарурий муҳит яратиб берилади , қисқа вақт ичидা мавзунни ўзлаштиришга, хотирада узоқ вақт сақланишга ёрдам беради, фикрни бошқаларга етказишга, ахборотни мустақил ўрганишга, савол бериб, унга жавоб топишга, нутқни ривожлантиришга, ўзини ўзи назорат қилишга ҳамда билимини баҳолашга, қисқа вақт ичидা кўп маълумотга эга бўлишга ўргатади.

Шундай қилиб кимё дарсларида ўқувчи доимий равишда замонавий педагогик технологияларга таянган ҳолда фаолият юритса:

-талабанинг мустақил ўқиши,ишлаши , ривожланиши учун зарурий муҳит яратиб берилади;

- ўқувчиларнинг янгиликка интилувчанлиги, уларни излаб топишга ва амалиётда қўллашга нисбатан кўникмаси ва малакаси шакланади;
- узлуксиз ўз устида ишлаш кўникмаси шакланади;
- инновация, интерфаол муҳитда таълим олади;
- ўқувчи дарс жараёнида харакатланувчи кучга айланади.

Бу эса таълимда сифат ва самарадорликни таъминлайди ,ўқувчиларнинг ўқиши фаолиятини тубдан ўзгартириб, келажакда етук , эркин фикрловчи , жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган мутахассис кадрлар тайёрлашда муҳим ўрин эгаллади

### **Мавзу: ”Кремнийнинг даврий системадаги ўрни, хоссалари , олиниши ва ишлатилиши”**

**Мақсад:** Si элементининг даврий системадаги тутган ўрни, атом тузилиши, табиатда тарқалиши ва хоссаларини ўрганиш.

**Таълимий :** Si элементининг ўзига хос хусусиятларини билиш.

**Ривожлантирувчи:** кремний элементининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш , мустақил танқидий тафаккурларини ривожлантириш , ўз фикрларини эркин баён қила олиш кўникма ва малакасига эга бўлишга ўргатиш.

**Тарбиявий :** Si элементининг инсон организми ва ўсимликлар учун фойдали томонларини кўрсатиш.

**Дарс услуби :**интерфаол

**Дарснинг жиҳози:** Даврий жадвал ,магнитли доска, , тог жинсларидан намуналар, тажриба бажариш учун жиҳозлар ва реактивлар, тарқатма материаллар , “Технологик харита” , “Гейзер” , “Кунгабоқар” , “Кластер” , “Балиқ скелети” , ни тасвирловчи расмлар ,

**Қўлланиладиган воситалар:** А-3, А-4 форматли қоғозлар, фламастер, скоч, топшириқлар ёзилган вараклар.

**Дарснинг бориши:** дарсни ташкил этиш, давоматни ўтилган мавзуни, уйга берилган вазифани аниқлаш.

Ўтилган мавзуни сўраш: тарқатма материаллардан фойдаланилади.

- 1) Тарқатма материал :  $\text{H}_2\text{CO}_3$  нинг молекуляр ,график ва электрон формуласини ёзинг.
- 2) Балиқ скелети асосида  $\text{H}_2\text{CO}_3$  га хос реакция тенгламаларини ёзиб беринг.
- 3) Слайтдан фойдаланиб  $\text{H}_2\text{CO}_3$  ни саноатда олиниш усулини гапириб беринг.
- 4) Тарқатма материал :  $\text{H}_2\text{CO}_3$  га хос бўлган сифат реакция тенгламасини ёзиб беринг.
- 5) Ўтилган мавзуу асосида савол-жавоблар уюштирилади.

Ўқувчилар тарқатма материалларга жавоб берадиган вақтида уйга берилган вазифани ўқитувчи синфда юриб , ўқувчиларнинг топшириқларни қай даражада бажарганликларини аниқлайди , лозим бўлса баҳолайди.

Ўтилган мавзуга оид савол-жавобда қатнашган ўқувчилар баҳоланади. Ўқитувчи ўтилган мавзуни мустаҳкамлаб, янги мавзуга боғлайди.

**”Кремнийнинг даврий системадаги ўрни , хоссалари , олиниши ва ишлатилиши”** мавзусини инновацион усулларни қўллаш орқали ўрганиш.

**Технологиянинг қўлланилиши:** янги мавзуни ўтишда, ўтилган мавзуни сўрашда, амалий ва лаборатория машғулотларни ўтказишида, кичик гурӯхларга бўлиб, ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

**Ўтказишиш тартиби:** синфдаги барча ўқувчилардан 4 кишидан иборат бўлган, 8-та гурух тузилади, машғулотнинг мақсади, ўтказилиш тартиби билан таништирилади ва саволларга жавоб топиш учун вақт берилади. Синфдаги ўқувчиларни 8 гуруҳга 4 та ўқувчидан бўламиз ва уларга топшириқлар берамиз. Бунда гурух аъзоларига қуйидаги тартибда топшириқлар ёзилган А-3 форматдаги қоғозларни берамиз.,

**1 -гурух** – Si элементига хос бўлган ҳусусиятларни кимёвий технологик харита асосида тушунтиринг.

**2-гурух-** Si нинг табиатда учрашини “Диаграмма” усулида тушунтиринг.

**3 -гурух** – Si даврий системадаги ўрнини “Кунгабоқар” усулида тушунтиринг

**4 -гурух** – Si нинг физик ҳоссаларини “Фикрлар уммони” усулида тушунтиринг.

**5 -гурух** – Si нинг кимёвий ҳоссаларини “балиқ скелети” мисолида тушунтиринг .

**6 -гурух** – Si нинг саноатда олинишини реакция тенгламалари асосида тушунтиринг.

**7 -гурух** - Si нинг ишлатилиш соҳаларини “Кластер” усулида тушунтинг.


**8 гурух** – Si нинг биологик аҳамиятини инсон организмида , қушларда ва ҳайвонларда тушунтиринг

Гурухларга жавобларни тайёрлаши учун 15 минут вақт берилади.


15 минут вақтдан сўнг уларнинг жавоблар тақдимотини эшитамиз.

**1-гурух** аъзорлариниг тақдимоти: Кремний элементига хос бўлган ҳусусиятларни ” Кимёвий технологик харита” асосида тушунтирилади.Бунда ўқувчилар кремнийни:

- 1) табиатда учраши;
- 2). даврий системадаги ўрни;
- 3) физик хоссалари ;
- 4) кимёвий хоссалари ;
- 5) олиниши ;
- 6) ишлатилиши;
- 7) биологик ахамиятини ўрганиш лозимлигини технологик харитадан күрсатиб беради .




**2-гурух тақдимоти:** Кремний элементининг ер пўтлоғидаги миқдорини “Диаграмма “ асосида тушунтириш .Кремний ер қобиғида тарқалиши жиҳатидан кислороддан кейинги ўринда туради У ер пўстлоғининг 27,6% ни ташкил этади Кремний табиатда фақат бирикмалар ҳолида учрайди.Кремний табиатнинг асосий элементидир. Кўпчилик тоғ жинслари гейзерлар, гранитлар, базалтлар) ва минераллар (кварц, дала шпати, қум , гиллар ) кремний бирикмаларидан ташкил топган .



### **3— гурух тақдимоти:**

Улар кремнийнинг даврий жадвалдаги ўрнини : “Кунгабоқар “усулида қуидагича тушунтиради. Кунгабоқар япроқлариға сон қийматлар қўйиб изоҳини қуидагича ёзилади.

1. Кимёвий белгиси Si
2. 3 –давр;
3. 3 –қатор;
4. 4 -гурух ;
5. Металл эмас;
6. 4 валентли ;
7. Тартиб рақами N14;
8. Атом оғирлиги 28;
9. O<sub>2</sub>- ли бирикмаси SiO<sub>2</sub>;
10. H<sub>2</sub> бирикмаси SiH<sub>4</sub>;
11. азот атомида электронларнининг жойлашуви +14)2)6)2)4);
12. p=+14
13. e= -14
14. n=14
15. электрон конфигурацияси. 1s<sup>2</sup>2s<sup>2</sup>2p<sup>3</sup>(1 ,3)




**4-гурух тақдимоти:** Ўқувчилар кремнийнинг физик хоссаларини гейзер усули асосида тушунтириб берадилар . Гейзернинг ҳар бир тортилган чизигига кремнийнинг физик хоссаларини кўрсатувчи сўзларни ёзилади .

Кремний кулранг пўлат рангли, металл ялтироқлигига эга сувда мутлақо эримайди.

Суюқлани

ш t<sup>0</sup>


1420°, қай



наш  $t^0$  2355°. Зичлиги  $2329 \text{ кг} \cdot \text{м}^{-3}$ . Изотоп сони 11 та. У молекуляр кристалл панжарага эга, ковалент бөгнинг қутбсиз бөгланишини хосил қиласади.

**5-гурух тақдимоти** : кремний кучли қиздирилганида реакцияга киришириш мүмкін, реакциялар қиздириши йўли билан олиб борилади. Ўқувчилар реакция тенгламаларини “Балиқ скелети” мисолида тушунтирилади

- 1)  $\text{Si} + \text{O}_2 \rightarrow \text{SiO}_2$
- 2)  $\text{Si} + 2\text{Cl}_2 \rightarrow \text{SiCl}_4$
- 3)  $\text{Si} + 2\text{Br}_2 \rightarrow \text{SiBr}_4$
- 4)  $\text{Si} + 2\text{S} \rightarrow \text{SiS}_2$
- 5)  $\text{Si} + \text{C} \rightarrow \text{SiC}$
- 6)  $2\text{Mg} + \text{Si} \rightarrow \text{Mg}_2\text{Si}$




Ёзилган реакция тенгламаларини тенглаштириб, уни тушунтириб берадилар, .

**6-гурух тақдимоти** : Кремний (IV) оксида магний, алюминий, углерод билан қайтариш йўли билан олинади.



**7- гурух тақдимоти** : Si нинг ишлатилиш соҳаларини кластер усулида куйидагича тушунтирилади.

- 1) кўплаб қотишмалар олишда;
- 2) радио ва электротехникада ;
- 3) қуёш энергиясини электр энергиясига айлантиришда ;
- 4) қуёш батареялари сифатида;
- 5) курилишда.



6) кундалик ҳаётда ишлатилади.

**8-гурух тақдимоти** : Кремний кўпчилик ўсимликларнинг поясини асосий таркибини ташкил этади ,сабаби поянинг қаттиқлиги кремний элементиниг кўп-камлигига боғлиқ Пояда кремний моддаси кўп бўлса поя бакувват бўлади ,уни синдириш шунча қийин бўлади . Инсоннинг соч толалари, қушларнинг патлари қанотлари таркибида бўлади.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг тақдимотини эшишиб ,айтилган фикрларни таҳлил қиласиди.Ўқувчилар,Сиз бугун дарс жараёнида инновацион технологиялардан:

–Кремний элементига хос бўлган хусусиятларни кимёвий “Технологик харита” асосида тушунтиришни ;

- Кремний элементининг ер пўстлоғидаги микдорини “Диаграмма “ асосида тушунтиришни;

–Кремнийнинг даврий системадаги ўрнини “Кунгабоқар” усулида тушунтиришни;

- Кремнийнинг физик ҳоссаларини “Фикрлар уммони” усулида тушунтиришни ;

-Кремнийнинг кимёвий ҳоссаларини “балиқ скелети” мисолида тушунтиришни;

-Кремнийнинг олинишини реакция тенгламалари асосида тушунтиришни

- Кремний ишлатилиш соҳаларини “Кластер” усулида тушунтиришни.

- Кремний биологик аҳамиятини инсон организми,қушлар ва ҳайвонлар мисолида тушунтиришни билиб олдингиз деб мавзуга якун ясади .

Ўқувчиларнинг қилган тақдимоти асосида ўқитувчи уларнинг билмини баҳолайди, тақдимотнинг охириди уйга вазифа беради. Уйга вазифа: § 23 ни ўқишига шу мавзуга тааллуқли саволларга жавоб тайёрлаш, янги ўтиладиган

мавзуни ўқиб, интернетдан айнан шу мавзуга оид янгиликлар топиб келиш топширилади.

Кутиладиган натижалар:

Дарс жараёнида инновацион усулларни қўллаш орқали ўқувчиларнинг кимё фанига бўлган қизиқишлигини ошириш, ўқувчиларни дарс жараёнида фаоллигига эришиш, уларни эркин ва мустақил фикрлашга, фаол бўлишга, нутқларини ривожлантиришга, ўрганилган мавзуни хотирада узоқ сақлашга, фикрларни бошқаларга етказишга, ахборатни мустақил ўрганишга, савол бериб, унга жавоб топишга ва ўз-ўзини назорат қилишга ўргатилади ва бу орқали кимё таълими самарадорлигини ошириш, сифат кўрсаткичларига эришиш мумкин бўлади .

**Кимё фанидан мустақил ўқиши ташкил этишда  
медиатехнология воситаларидан фойдаланиш.**

## **1.Интернет тармоқлари орқали мустақил ўқиши ташкил етиш ва ишлардан намуналар**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ижтимоий-иктисодий соҳалар, жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) собасида кенг миқёсли ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2005-йил 8-июлда қабул қилинган "Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида АКТ соҳасидаги стратегик вазифаларни бажариш бўйича амалий чора-тадбирлар белгиланган бўлиб,

мамлақатимизда замонавий ахборот жамиятини шакллантириш йўлида салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Биз ҳаётимизда интернетдан жуда кўп фойдаланамиз, ҳаётимизни усиз тасаввур эта олмаймиз. Бугунги кунда интернетда хоҳлаган мавзуда рефератлар, турли хил маълумотлар турли расмларни кўришимиз, улардан нусха олишимиз мумкин. Кимёвий билимларни эгаллашда интернетнинг аҳамияти катта. Видео ва аудио ахборотларни компьютерда қайта ишлаш ва акс эттириш учун дарсдаги мавзуга оид турли тасвиirlарни видео тасма орқали кўриш, тажрибаларни анимация орқали кузатиш ва ундан келиб чиқсан ҳолда хулоса чиқара билиш, мавзуга оид турли хил топшириқ ва тестларни бажариш шулар жумласига киради.

«Инсон - компьютер - инсон» интерактив мулокотининг янги даражасининг таъминланиши, мулокот жараёнида фойдаланувчи анча кенг ва ҳар томонлама ахборотларни олади. Бу жараёнда кимё фанига оид турли китоблар ва дарсликларда кўрсатилмаган, лекин интернет тармоқларида берилган маълумотларни олиш мумкин. Интернетдан фойдаланиш натижасида инсоннинг тафаккури ва фикрлаш қобилияти кенгаяди. У орқали ўқув жараёнида кимё фанига татбиқ этиб бўладиган жуда кўп маълумотлар олиш мумкин. Кимё фанига оид бўлган дарс ишланмаларини , маълумотларни, хабарларни, электрон почта орқали бошқа юртларга ҳам юбориш мумкин.

Интернет тармоқлари - бу информатиканинг дастурий ва техникавий воситалари, ахборотнинг анъанавий ва ноанъанавий турлари асосида ўқув материалларини тингловчиларга етказиб беришнинг мужассамлашган ҳолдаги кўринишидир.

Кимё таълим жараёнида интернет воситалари ёрдамида дарсларнинг самарадорлигини ошириш мумкин. Интернет воситаларидан фойдаланиб ўқитиши, ўқитишнинг сифати ва самарадорлигини оширишнинг энг қулай усууларидан бири ҳисобланади..

Интернет тармоқлари ҳозирда жуда тез ривожланаётган замонавий ахборот технологияси бўлиб, у қуидагиларни ўз ичига олади:

- анъанавий ахборот турлари: матн, жадвал, турли хил безаклар ва оригинал ахборот турлари;

- видео ва аудио ахборотларни компьютерда қайта ишлаш ва акс эттириш учун марказий процессорнинг ҳаракатчанлиги;

ўқув дастурлар аудио, видео ва графика кўринишида мужассамлаштирилган ҳолатда тингловчиларга берилса, материалларни хотирада сақлаб қолиш 70-95 фоизга ошиши кузатилмоқда. Интернет воситалари ёрдамида тингловчиларни ўқитиш икки баробар самарали бўлмоқда. Маълумки, эшитган материалнинг тўртдан бир қисми хотирада қоладиган бўлса, тингловчиларга берилаётган материалларни видео орқали амалга оширсак, ахборотни хотирада сақланиб қолиши ва тассавур қилиш имконияти 35-70 фоизгача ошади.

Кимё таълими соҳасида интернет воситалари ёрдамида тингловчиларга билим беришнинг қуидаги афзалликлари мавжуд:

- Кимё таълими жараёнида берилаётган материалларни чукурроқ ва мукаммалроқ ўзлаштириш имкониятининг мавжудлиги.

- Кимё таълимида ўқитишнинг янги соҳалари билан яқиндан алоқа қилиш иштиёқини янада ошиши.

- Кимё дарси жараёнида билим олиш вақтининг қисқариши натижасида вақтни тежаш имкониятига эришилиши.

- Кимё таълимида олинган билимлар киши хотирасида узок муддат сақлаб қолиниши ва уни амалиётда қўллаш мумкинлиги.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, интернет воситаларини нафақат кимё таъфимиға балки, барча фанларда қўллаш орқали таълим самарадорлигига эришиш мумкин.

**Мавзу:** **Биринчи гуруҳнинг ёнаки группачаси элементлари**

**Биринчи гурухнинг ёнаки** группасига мис, кумуш, олтин киради. Буларнинг хам, биринчи группа бош группачасидаги элементлар , ишқорий металлар каби, сиртқи қаватларида биттадан электрон бўлади, аммо хоссалари жихатидан улардан катта фарқ қиласди. Ишқорий металлар актив элементлар бўлгани учун табиатда эркин ҳолда учрамайди , уларнинг ионланиш хусусияти кучли , мис группаси элементлари эса табиатда эркин ҳолда хам учрайди, улар актив эмас, ионланиш хоссалари кучли бўлмаган металлардир. Биринчи группа бош ва ёнаки группачаларининг элементлари орасидаги катта фарқ сиртдан ҳисобланганда иккинчи қават электронларида ва атом радиусларидадир. Мис группаси элементларнинг сиртқи иккинчи қаватида 18 тадан электрон бор . Бу қават анча турғун, лекин бутунлай барқарор эмас. Бу элементлар сиртқи қаватларидаги битта электронини йўқотиб, ишқорий металлар каби, мусбат бир зарядли бўла олади ва сиртдан иккинчи қаватидан ҳам электрон йўқота олади, Ишқорий металларнинг сиртдан иккинчи қаватида 8 тадан электрон бор, улар бутунлай барқарор шунинг учун ишқорий металлар ҳамиша бир валентли бўлади. Мис эса сиртқи электронини йўқотса, бир валентли бўлади, сиртдан иккинчи қаватидан ҳам бир электрон йўқотиши мумкун, бу ҳолда у икки валентли бўлади. Мис бирикмаларида, кўпинча, икки валентлидир. Олтин сиртқи қаватидаги бир электронини йўқотиб, бир валентли бўлади . Сиртдан иккинчи қаватидаги икки электронини йўқотиши ҳам мумкин, бу ҳолда у уч валентли бўлади, олтин ўз бирикмаларида, кўпинча уч валентлидир. Ишқорий металлар атомининг радиуси катта, шунинг учун сиртқи валент электронининг ядрога боғланиш кучи заифроқ. Шу сабабдан, унинг ионланиш хусусияти кучли. Мис группаси элементлариниг атом радиуслари ишқорий металларнига қараганда анча кичик, демак, сиртқи биринчи ва иккинчи қават электронлари, яъни валент электронлари ядрога кучли боғланган, шунинг учун уларнинг ионланиши-оксидланиши анча қийин, қайтарилиши эса осондир; бу элементлар активлик қаторида водороддан кейин туради. Мис группаси элементларининг атом радиуслари қуйидагича:

Cu-1,28 A, Ag-1,44 A Au-1,44 A

Мис группасидаги элементларининг суюқланиш ва қайнаш температуралари анча юқори. Улар сувни парчалай олмайди, сувни ҳатто иситганда хам таъсир этмайди. Уларнинг гидроксидлари сувда эримайдиган кучсиз асосларидир.

### **1.Миснинг табиатда учраши**


Мис (Супрум) Cu, A=63,546. Мис ер пўстлоғини тахминан  $3 \cdot 10^{-3}$  % ташкил этади. У икки изотопдан иборат: Cu63-69% ва Cu65-31%, унинг яна 9та радиоактив изотопи олинганд. Мис инсонга қадимдан маълум металлдир, унинг қалай билан қотишмаси- бронзани кишилар қадимдан ишлатиб келади, бронза асири инсоният тарихининг мухим бир давридир. Мис табиатда эркин холда учрайди, аммо унинг кўп миқдори бирикма холдадир. Миснинг энг мухим рудалари сулфидлар тарзида бўлади масалан, мис ялтироғи  $\text{Cu}_2\text{C}$ , мис колчедани  $\text{CuC}^*\text{FeC}$  шулар жумласидандир. Булардан ташқари, малаҳит  $\text{CuCO}_3^*\text{Cu(OH)}_2$  ва куприт  $\text{Cu}_2\text{O}$  хам бор.

Мамлакатимизда мис конлари жуда кўп . Ўзбекистонда: Сари челеқ, Олтин топган ва бошқа жойлар.

### **2.Даврий системадаги ўрни**

Миснинг кимёвий белгиси Cu, давр сони 4, қатор сони 5, гурух II , валентлиги II, I тартиб рақами 29, нисбий атом оғирлиги 64, кислородли бирикмаси  $\text{CuO}$ , водородли бирикмаси йўқ, атом тузилиши  $+29)(2)8)(18)1)$ ,d элементлар оиласига киради ,

$p_- = +29$ ,  $e = -29$   $n = 39$  , металл ,электрон конфигурацияси :



### **3.Олиниши: $\text{CuO} + \text{C} = \text{CO} + \text{Cu}$**

### **4.Табиатда бирикма холда учрайди**

Мис кислород билан табиатда бирикма ҳолда учрайди . Мисни унинг ҳосил қилган бирикмаларидан кўмир ёрдамида қайтариш йўли билан олинади; сулфидли рудадан мис ажратиб олиш учун руда аввал куйдирилиб.CuO га айлантирилади, бунда ажралиб чиқсан CO<sub>2</sub> дан сулфат кислота таёrlашда фойдаланилади.CuO кўмир билан қайтарилиб, ундан мис олинади. Бу йўллар билан олинган мис хомаки мис деб юритилади, чунки унда турли қўшимчалар бўлади. Турли асбоблар ва электр симлари таёrlаш учун тоза мис ишлатилади чунки унинг электр ўтказувчанлик,чўзилувчанлик каби зарур хоссаларига зарап этказиш мумкин. Шунинг учун,кўпинча, хомаки мис электролиз усули билан тозаланади, яъни рафинланади.

### **5.Физик хоссалари:**

Мис яхши чўзиладиган, яхши яссиланадиган, электр ва иссиқни яхши ўтказадиган ,у қизил тусли металлдир.Электр ўтказиш хусусияти жиҳатидан мис кумушдан ва бошқа ҳамма металлардан устун туради. Миснинг суюқланиш температураси 1083<sup>0</sup>C Миснинг қайнаш температураси 2600<sup>0</sup>C , мис қуруқ ҳавода қораяди. яъни аста-секин оксидланади ,хосил бўлган оксид мис сиртида зич парда хосил қилади, бу парда мисни ҳаво кислороди тасиридан сақлайди, лекин нам ҳавода миснинг сирти CuCO<sub>3</sub>.Cu(OH)<sub>2</sub> билан қопланиб, кўкаради.

### **6.Кимёвий хоссалари:**

Мис хлор билан одатдаги температурадаёқ бирикади. Суолтирилган HCl ва H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub> мисга таъсир этмайди , мисга концентранган H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub> ни иситиб туриб таъсир эттирилса, CuSO<sub>4</sub> ва SO<sub>2</sub> ҳосил бўлади , HNO<sub>3</sub> тасирида эса, кислотанинг концентрациясига қараб Cu(NO<sub>3</sub>)<sub>2</sub> ва NO ёки NO<sub>2</sub> ҳосил бўлади



конц.



конц

## 7. Миснинг ишлатилиши:

Мис турмушда ва саноатда кўп ишлатилади. Миснинг энг кўп миқдори электр симлари тайёрлаш учун кетади. Мисдан турли асбоблар, химия асбоблари, бронза (мис билан қалий қотишмаси), латун (мис билан рух қотишмаси) ва бошқа қотишмалар тайёрлашда ишлатилади. Рўзгорда ишлатиладиган асбоблар, идишлар ва қозонларни занглашдан саклашда уларга қалай югуртирилади. Бу нарса одамни заҳарланишдан саклайди, чунки мис бирикмалари заҳарлидир.  $\text{Cu}(\text{OH})_2 \cdot \text{CuCO}_3$  Бу модда табиатда учрайди ва малахит деб аталади, яшил бўёқ сифатида ишлатилади.

Мис бирикмалари қишлоқ хўжалигида ўсимликларни зааркунандаларига ва турли касалликларига қарши курашда ишлатилади. Мис инсон, ҳайвон ва ўсимлик организми учун оз миқдорда зарур элементдир. Мис бирикмалари қишлоқ хўжалигида микроўғит сифатида ишлатилади.. Аммо мис бирикмаларининг заҳарлилигини унутмаслик керак.

### 1. Ag нинг табиатда учраши:

Кумуш (Аргентум) Ag, A=107,868. Кумуш ер пўстлоғининг  $4 \cdot 10^{-6}$  % ни ташкил этади. Кумуш эркин ҳолда учрайди, лекин унинг кўп қисми бирикмалардан олинади. Унинг кўпроқ учрайдиган бирикмалари кумуш ялтироғи ёки аргентит деб аталадиган минерал  $\text{Ag}_2\text{S}$  ва хлораргентитдир  $\text{AgCl}$ . Мамлакатимизда кумуш конлари кўп, Унинг табиатда 2 та табиий ва суний 25 та изотопи бор.

### 2. Даврий системадаги ўрни:



Кумушнинг кимёвий белгиси Ag, давр сони 5, қатор сони 7, гурӯҳ I, валентлиги II, I тартиб рақами 47, нисбий атом массаси 107, кислородли бирикмаси  $\text{Ag}_2\text{O}$ , водородли бирикмаси йўқ, атом тузилиши  $+47(2)8(18)18(1)$ , d элементлар оиласига киради,

p= +47, e= - 47 n=60 , металл, электрон конфигурацияси :

$1s^2 2s^2 2p^6 3s^2 3p^6 3d^{10} 4s^2 4p^6 4d^{10} 5s^1$  табиатда эркин ҳолда учрайди.

### **3. Олиниши:**

Кумуш метали электролиз қилиш йўли билан олинади.



Электролиз қилиш учун анод сифатида Ag ,електролит сифатида  $AgNO_3$  эритмаси ишлатилади. Электролиз вақтида тоза кумуш катодга йифиласди.

### **4.Физик хоссалари:**

юмшоқ, чўзилувчан, яхши яссиланувчи, қумушсимон оқ рангли металл, суюқланиш температураси  $960,80^0C$  , қайнаш температураси  $2212^0C$  , иссиқликни ва электрни яхши ўтказади.

Ag одатдаги температурада ёки қиздирилганида оксид парда билан қопланмайди.

### **5.Кимёвий хоссалари:**



кон

кон.

### **6.Ишлатилиши:**

зийнат буюмлари, уй-идиш-товоқлар тайёрлашда турли лаборатория идишлари, медицина асбоблари, фотографияда ,кўзгу ишлаб чиқаришда, аналитик кимёда ишлатилади.

## **Олтин**

### **1.Табиатда учраши:**

Олтин ер пўстлоғини  $4*10^{-7}\%$  ни ташкил этади. Табиатда кўпинча эркин ҳолатда учрайди. Олтин зарралари кўпинча қум зарралари билан учрайди. Au инсонга қадимдан маълум бўлган биринчи металлдир. 1та табий, 22та суний изотопи бор. Олтин конлари Ўзбекистонда бор.

## 2. Даврий системадаги ўрни:



Олтиннинг кимёвий белгиси Au, давр сони 6, қатор сони 9, гурух I, валентлиги I, II; тартиб рақами 79, атом оғирлиги 196, кислородли бирикмаси  $Au_2O$ , водородли бирикмаси йўқ, атом тузилиши  $+179)2)8)18)32)18)1)$ , d элементлар оиласига киради.

p=+79, e= -79 n= 117, металл, электрон конфигурфцияси :

$1s^2 2s^2 2p^6 3s^2 3p^6 3d^{10} 4s^2 4p^6 4d^{24} 5s^2 5p^6 5d^{10} 6s^1$  табиатда эркин ҳолда учрайди.

## 3. Олининиши :

Олтинли қум KСН ёки NaCN нинг суююлтирилган эритмаси билан ҳаво кислороди иштирокида олиб борилади.



## 4. Физик хоссалари:

Сарик тусли ялтироқ ва юмшоқ металлдир. Яхши чўзилади ва яссиланади. Суюқланиш температураси  $1063^{\circ}C$ . Қайнаш температураси  $2315^{\circ}C$ , электр токини ва иссиқликни яхши ўтказади. Ҳавода оксидланмайди, барқарор,

## 5. Кимёвий хоссалари:

Ҳавода оксидланмайди, барқарор,  $O_2, H_2, N_2, C$  билан реакцияга ҳатто қиздирилганда ҳам бирикмайди

## **6.Ишлатилиши:**

Кимёвий идишлар, электротехникада, шиша ва чинни идишларга ҳал беришда медицинада, фотографияда, безак буюмлари сифатида ишлатилади.

### **Мавзу бўйича савол ва топшириқлар.**

1с. 1-гурухнинг қўшимча гурух элементларига қайси элементлар киради ?

2с Бу элементлар кимёвий активми ёки пассивми?

3с .Бу элементларни концентрангланган ,суюлтирилган ва жуда суюлтирилган  $\text{HNO}_3$  ва  $\text{H}_2\text{SO}_4$  билан реакция тенгламаларини ёзинг.

4с.Бу элементлар коррозияга чидамлими , сабаб ?

5с Бу элементлар асосан қандай усуlda олинади?

### **Ўқув тестлари**

1 . Ер шарида энг кўп тарқалган металл қайси бири: А)Fe, Б) Na, С) Al, Д) Ca

2 .Қайси элементлар қатори металлар қатори хисобланмайди:

А)Ca,Zn,Cd , Б) Ga,In,Ti , С) B,As,Te , Д)W,Bi,Os

3 . Ушбу металлар .....енгил металларга киради:

А)K,Cd,Ca ,Mg , Б)Co,Mn, Li,W, С)Au,Zn,Mg,S Д)барчаси тўғри

4. Ушбу элементлардан :

А)K, Б)Pb, С)Ca, Д)Sr .....атомининг ташқи электрон тузилиш энергияси катта.

5 . Электротехникада чўғланма лампа ишлаб чиқаришда : А)Al, Б)Cu С)Mo,

Д)W металл ипдан фойдаланилади.

6. W-бу металл :

А)електр ўтказувчанликка Б)иссиқлик ўтказувчанликка С) осон суюқланувчанликка Д)қийин суюқланувчанликка эга.

7 .10,36 мис кукунини хавода узок вақт сақлаганда унинг массаси 11,86 гр га кўпаяди чунки : А) $\text{Cu}_2\text{O}$  Б)  $\text{CuO}$  С)  $\text{CuO}_2$ , Д)  $\text{Cu}_2\text{O}_2$  таркибли бирикма хосил бўлади.

8 . На кислородда ёнганида қайси модда хосил бўлади: А) $\text{Na}_2\text{O}$ , Б) $\text{Na}_2\text{O}_2$  С) $\text{NaO}_2$  ,Д) $\text{NaO}$

9 .  $4\text{Al} + 3\text{O}_2 = 2\text{Al}_2\text{O}_3$  қуйидаги реакцияда 1мол Al дан қанча мол  $\text{Al}_2\text{O}_3$  хосил бўлади.: А) 0,5 ,Б)2 , С)3 ,Д)4мол

10 . Кунларнинг бирида омборхонада Al дан ясалган буюмларнинг сифати бузилди ,буюмларнинг бузилишига сабаб:

А)моддалар оқловчи модда билан ифлос бўлган эди; Б)буюмлар сўндирилган охак билан реакцияга киришган ;С)нам хаво тасирида коррозияга учраган ; Д)буюмлар сув билан реакцияга киришган

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
C	C	A	C	D	C	A	B	B	B

### Конкурс тестлари

1.Малахитнинг формуласи қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

А) $\text{Cu}(\text{CO}_3)_2 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$

Б) $\text{CuC}$

С) $\text{Cu}(\text{OH})_2 \cdot \text{CuCO}_3$

Д)Cu(NO<sub>3</sub>)<sub>2</sub>

2.Мис сулфиди күйдирилганида нима ҳосил бўлади?


А)CuO,CO<sub>2</sub>

Б)CuO

С)CO<sub>2</sub>

Д)CO<sub>2</sub>

3.CuFeC<sub>2</sub> бўлган рудадан фойдаланилади ,унум 100% деб ҳисобланса ,бу минералнинг 1кг дан қанча г метал холида Cu олиш мумкин?



А)173

Б)346

С)519

Д)692

4.Электролиз ёрдамида металларни тозалаш мумкин.CuCl<sub>2</sub>ни электролизга учратиб электролитик тоза мис олиш учун қандай аноддан фойдаланилади?


А)Pt

Б)C

С)Ni

Д)Cu

5.Масаси 79,5 бўлган CuO қукунини H<sub>2</sub> билан тўлиқ қайтарилилганида қанча микдорда Cu ҳосил бўлади?




А)32,75

Б)39,75

С)63,5

Д)79,5

6.CuSO<sub>4</sub> эритмаси электролиз қилинганида қандай моддаларга ажralади:




А)Cu,CO<sub>2</sub>

Б)Cu,O<sub>2</sub>

С)Cu,H<sub>2</sub>

Д)H<sub>2</sub>,O<sub>2</sub>

7.Қуйидаги тенгламани тенгланг ва коеffициентлар йиғиндисини айтинг.



А)18

Б)19

С)20

Д)17

8.Cu нинг қалай билан ҳосил қилган ва қадимдан маълум бўлган қотишиндинг номи?

А)латун

Б)бронза

С)малахит

Д)барчаси тўғри.

9.Мис қуидаги хоссаларга эга :

- А)яхши чўзилади ва яссиланади,қизил тусли
- Б)електр токини яхши ўтказади
- С)кора тусли
- Д)Ава Б жавоблар тўғри .

10.Си бирикмалари қуидаги мақсадларда ишлатилади:

- А)Микроўғит
- Б)инсон ва ҳайвонлар учун озуқа
- С)дори-дармон
- Д)барчаси тўғри.

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
С	А	Б	Д	С	Б	Д	Б	Д	Д

**Қалай, кўрғошин, хром, марганецнинг даврий системадаги ўрни, атом тузилиши, хоссалари**

**Қалай:**

**1.Табиатда учраши:**

Қалай одамларга қадимдан мис билан ҳосил қилган қотишмаси-бронза ҳолида маълум.Бронза эрамиздан уч мингинчи йилларда топилган.Қалай ер ер пўстлоғини  $8 \cdot 10^{-3} \%$  ни ташкил этади.Унинг энг муҳум бирикмаси- $\text{SnO}_2$  ,  $\text{Cu}_2\text{S} \cdot \text{FeS} \cdot \text{SnS}_2$ -станнитдир , Ўзбекистонда, қалай тошининг катта рудалари

топилган.10 табиий 24 та суний изотопи бор. Ўсимлик ва ҳайвонлар организмида учрайдиган микроэлементdir.

## **2. Даврий системадаги ўрни:**

- 1.Кимёвий белгиси Sn
- 2.Давр сони 5,
- 3.Қатор сони 7,
- 4.Гурұх номери IV,
- 5.Валентлиги II,IV,
- 6.Тартиб рақами 50,
- 7.Нисбий атом массаси 118,7
- 8.Амфотер металл,
- 9.Кислородли бирикмаси  $\text{SnO}_2$
- 10.Водородли бирикмаси  $\text{SnH}_4$
- 11.Атом тузилиши +50)2)8)18)18)4)
- 12.Протон сони +50 та
- 13.Электрон сони -50 та
- 14.Нейтрон сони 69 та
15. Р элементлар оиласига киради





## **3.Физик хоссалари:**

Қалай-кумушдай оқ,,металл , $t_c=232^0\text{C}$  , $t_k=2270^0\text{C}$  , 3 та аллотропик шаклий ўзгаришга эгабўлиб .яхши яссиланади, $161^0\text{C}$  қиздирилганида ромбик шаклға ўтади. $13^0$  дан паст температурада кулранг қалайга ўтади.


#### **4.Кимёвий хоссалари:**

нам , сув, ҳавода барқарор , металлдир.

Қиздирилганида:



#### **5. Олиниши:**



#### **6.Ишлатилиши:**

лабораторияда қайтарувчи, саноатда газламаларни бўяшда, бўёқ тайёрлашда, металларни сиртини сирлашда ишлатилади.

#### **Кўрғошин**

(Плумбум) Pb, A = 207,19. Кўрғошин қадимдан маълум бўлган металларнинг биридир, уни мисрликлар бизнинг эрадан илгари Зминг йилларда ҳам ишлатганлар.

#### **1 Табиатда учраши:**

Кўрғошин ер пўстлогининг  $1*10^{-4}\%$  ни ташкил этади , табиатда кўрғошиннинг тўртта изотопи бор. Булар Pb 204 (1,48%), Pb 206 (23,6%) ,Pb 207(22,6%), Pb208(52,38%) бўлиб, уран ,актиний ва торий радиоактив оиласарининг энг кейинги барқарор аъзолариdir. Ҳозирда 23та радиоактив изотопи бор. Кўрғошиннинг энг муҳим рудаси - галенит PbC (кўрғошин

ялтироғи)дир. Баъзан  $PbCO_3$ - серусит,  $PbSO_4$ -ангелезит ҳам учрайди. Конлари Ўзбекистонда ,чет элларда эса: Африка , Австралия ва АҚШ да бор. Қўрғошин ўсимлик ва ҳайвонлар организимида ҳам бўлади „аммо ҳайвонларда ўсимликлардагидан кам бўлади.

## **2. Даврий системадаги ўрни:**

- 1.Кимёвий белгиси  $Pb$
- 2.Давр сони 6,
- 3.Қатор сони 9,
- 4.Гурӯҳ сони IV,
- 5.Валентлиги II-IV,
- 6.Тартиб рақами 82,
- 7.Атом оғирлиги 207 ,
- 8.Амфотер металл,
- 9.Кислородли бирикмаси  $Pb_2O_3$
- 10.Водородли бирикмаси бор  $PbH_4$
- 11.Атом тузилиши +82)2)8)32)18)4)
- 12.Протон сони +82та
- 13.Электрон сони -82та
- 14.Нейтрон сони 125та
- 15.P элементлар оиласига киради


## **3.Физик хоссалари:**

Кўрғошин кўкимтири тусли, пичоқ билан кесиб бўладиган даражада юмшоқ ва оғир металл бўлиб ,унинг солиштирма оғирлиги 11,3 га тенг ;


Суюқланиш температураси = $327,4^{\circ}\text{C}$ ; қайнаш температураси = $1751^{\circ}\text{C}$ .

Кўрғошин ҳавода анча барқарордир, чунки унинг сирти зич оксид парда билан қопланади, бу парда уни кейинги оксидланишдан сақлайди. Кўрғошин қиздирилганда оксидга бутунлай айланади. Кўрғошин радиоактив нурларни ўтказмайди ,шунинг учун радиоактив моддаларнинг нурларидан сақлашда қўрғошиндан фойдаланилади.


#### **4.Кимёвий хоссалари:**




Қиздирилганида:



кон



#### **5.Олиниши:**



#### **6.Ишлатилиши:**

Кўрғошиндан аккумуляторларнинг пластинкалари ,кабеллар, кимёвий аппаратлар,ўқлар тайёрланади. Подшибниклар ва машиналарнинг шунга ўхшаш қисимлари учун ишлатиладиган қотишмалар тайёрланади. Бундай қотишмаларнинг баъзиларида 98%га қадар Pb бўлади.

Сурик  $\text{Pb}_3\text{O}_4$  ни ҳавода қиздириш йўли билан олинади. У қизил тусли куқун бўлиб , қизил мой бўёқ тайёрлашда ва тунука ҳамда трубалар чоки учун

замаскалар тайёрлашда ишлатилади. У түқимачилик саноатида читларга гул босишда ва медицинада ишлатилади.

## **Хром**

### **1. Табиатда учраши:**

Хром ер пўстлоғининг 0,03% ни ташкил этади. У 1727 йилда Сибир рудаси  $PbCrO_4$  дан топилган, чиройли рангда бўлгани сабабли хром-ранг деб аталади. 4 та табий 6 та сунъий изотопи бор. Хром табиатда  $Fe(CrO_2)_2$  хромит ҳолида учрайди ва одатда  $FeO \cdot Cr_2O_3$  шаклида ёзилади. Баъзан  $PbCrO_4$ -криолит ҳолида учрайди. Конлари: Жанубий Африка, Филиппин, Турция, Хитойда ҳам борлиги анқланди.

### **2. Даврий системадаги ўрни..**

1. Кимёвий белгиси Cr

2. Давр сони 4,

3. Қатор сони 4,

4. Гурӯҳ номери VI

5. Валентлиги IV , V, VI

6. Тартиб рақами 24,

7. Нисбий атом массаси 51 ,

8. Амфотер металл,

9.. Кислородли бирикмаси  $Cr_2O_3$

10. Водородли бирикмаси йўқ

11. Атом тузилиши  $(+24)2)8)18)1)$

12. Протон сони  $+24$  та

13.Електрон сони - 24та


14.Нетрон сони 27та

15. d элементлар оиласига киради.




### **3.Физик хоссалари:**

Оч қул рангли,қаттық, ялтироқ, суюқланиш температураси = $1890^{\circ}\text{C}$ ; қайнаш температураси = $2660^{\circ}\text{C}$ , нам таъсирига берилмайды, тезда оксидланиб , сирти юпқа парда билан қопланиб қолади.

### **4.Кимёвий хоссалари:**





Қиздирилганида:



суюлтр.

### **5.Олининиши:**



### **6.Ишлатилиши:**

хар хил асбоблар, автомобил ресорлари, милтиқ стволлари, зирх пўлат тахталар тайёрлашда, уй-рўзғор буюмлари таёйрлашда , асбоб-ускуналар олишда ишлатилади.

## **Марганец**

## **1.Табиатда учраши:**

У ер пўстлогининг 0,1% ни ташкил қиласди. Марганецнинг энг кўп учрайдиган бирикмаси пиролизит-  $MnO_2$  дир . Ундан ташқари:  $Mn_2O_3$ ,  $Mn_3O_4$ ,  $MnC$  марганец олиуми,  $MnC_2$  марганец колчедани каби бирикмалар учрайди. Марганец рудалари Украинада , Грузияда , Уралда , Ғарбий Сибирда , Қозогистонда учрайди.


## **2. Даврий системадаги ўрни..**

- 1.Кимёвий белгиси Mn
- 2.Давр сони 4,
- 3.Қатор сони 4,
- 4.Гурӯҳ номери VI
- 5.Валентлиги III ,VII,
- 6.Тартиб рақами 25,
- 7.Нисбий атом массаси 54,9
- 8.Амфотер металл,
- 9..Кислородли бирикмаси  $Mn_2O_3$
- 10.Водородли бирикмаси йўқ
- 11.Атом тузилиши + 25)2)8)18)2)
- 12.Протон сони + 25 та
- 13.Электрон сони - 25та
- 14.Нейтрон сони 29,9та
15. d элементлар оиласига киради





## **3.Физик хоссалари:**

Марганец оқ тусли ,ялтироқ, қаттиқ металл , Суюқланиш температураси =  $1250^0C$  қайнаш температураси = $2150^0C$ , сирти юпқа оксид қавати билан қопланади.

## **4.Кимёвий хоссалари:**




Қиздирилганида:



суюлтр.

### **5. Олиниши:**

Алюминотермия усулида олинади



### **6. Ишлатилиши:**

оксидловчи сифатида, катализатор сифатида, шиша ишлаб чықаришда , пүлат билан хосил қилган қотишмаси темир пүлат релслари, экскаватор қисмлари, темир йўл рельслари , сейфлар, тош майдалагич шарлар таёргланади.


### **Мавзу бўйича савол ва топшириқлар**

- 1 . Қалай, қўрғошин , хром , марганец қайси элементлар оиласига киради?
- 2 . Бу элементлар қайси хоссалари билан бир-бираига ўхшаш ва фарқ қиласиди?
3. Қалай, қўрғошин , хром , марганец каби моддалар нима учун реакцияга киришиши қийин?
4. Қалай, қўрғошин , хром , марганец каби моддалар бирикмаларда қандай валентликларни намоён қиласиди?
5. Қалай, қўрғошин , хром , марганец каби моддалар ичida қайси бири катализатор вазифасини бажаради?

### **Ўқув тестлари**

1. Қалай барча бирикмаларда неча валентликни намоён қиласиди?  
А) 1 валентли Б)2-4валентли С)1-4 валентли Д)барчаси тўғри.
2. Қўрғошин барча бирикмаларда неча валентликни намоён қиласиди?  
А) 1 валентли Б)2-3 валентли С)2-4валентли Д)барчаси тъзри.
3. Хром барча бирикмаларда неча валентликни намоён қиласиди?

- A) 1,3,6 валентли Б) 2-3 валентли С) 1-3 валентли Д) барчаси түғри.,
4. марганец барча бирикмаларда неча валентликни намоён қилади?  
 А) 1 валентли Б) 2-7 валентли С) 1-4 валентли Д) барчаси түғри .
5. Қалай, күрғошин , хром , марганец каби моддалар суюлтирилган нитрат кислота билан реакцияга киришганида нима хосил бўлади?  
 А)  $\text{H}_2$  Б)  $\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{N}_2\text{O}$ , туз, С)  $\text{H}_2\text{O}$ , Д) барчаси түғри.
6. Куйидаги қайси модда катализатор вазифасини бажаради?  
 А) Қалай Б) күрғошин С) хром Д) марганец .
7. Куйидаги қайси моддадан темир рельслар олинади?  
 А) Қалай, Б) күрғошин , С) хром , Д) марганец .
- 8 . Қалай, күрғошин , хром , марганец каби моддалар бошқа моддалар билан реакцияга киришириш учун нима қилинади?  
 А) Совутилади Б) қиздирилади С) сув қўшилади Д) барчаси түғри.
- 9 . 18г күрғошин кислород билан реакцияга киришиб неча г  $\text{PbO}$  ни хосил қилади



A) 32г , B) 19,9г C) 25г D) 12г

10. Марганецнинг нисбий атом оғирлиги нечага teng:

A) 201г B) 204г C) 54,9г D) 48г

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Б	C	A	Б	Б	Д	Д	Б	Б	C

### Конкурс тестлари

1. Ушбу моддани  $\text{PbSO}_4$  номланг:

A) ангелезит;

Б) күрғошин сулфат;

- С) қүрғошин сулфид;.  
Д) АваБ жавоблар түғри


2. Pb табиатда қандай бирикмалар тариқасида учрайди?

- А)  $PbSO_4$   
Б)  $PbCrO_4$   
С)  $PbCO_3$   
Д) барчаси түғри

3.  $4Cr + 3 O_2 = 2Cr_2O_3$  Бу реакцияда қандай модда :

- А) оксидловчи  
Б) қайтарувчи  
С) оксидланди, қайтарилди  
Д) Cr – қайтарувч , оксидланди ,  $O_2$ - оксидловчи, қайтарилди.

4. Тенгламадаги коефициентлар йиғиндисини топинг



- А) 5  
Б) 9  
С) 7  
Д) 6

5. Ушбу  $MnCl_2$  моддани ҳосил қилувчи моддаларни аникланг.

- А) Mn  
Б) HCl  
С) Mn ва HCl  
Д)  $H_2O$

6. Қалай, қүрғошин , хром , марганец каби моддалар нима учун реакцияга киришиши қийин?

- А) Қалай, қүрғошин оксид қават билан қопланади  
Б) хром , марганец оксид қават билан қопланади  
С) А ва Б жавоб түғри

Д) түғри жавоб йўқ .

7. Қалай, қўрғошин, хром, марганец қандай элементлар оиласига киради?

А) s элементлар

Б) p элементлар

С) d элементлар

Д) f элементлар

8. Қалай, қўрғошин, хром, марганец каби моддалар ичида қайси бири катализатор вазифасини бажаради?

А) Sn.

Б) Pb

С) Cr

Д) барчаси түғри.

9.. Қалай, қўрғошин, хром, марганец каби моддалар бирикмаларда қандай валентликларни намоён қилади?

А) Sn: 2,4; ) Pb : 2,4; Cr : 1,3,6; Mn : 2,7

Б) ) Pb : 2,4

С) Cr : 1,3,6; Mn : 2,7

Д) Cr: 2,4;

10.  $\text{Cr}_2\text{O}_3 + 2\text{Al} = \text{Al}_2\text{O}_3 + 2\text{Cr}$ . Қуйидаги реакцияда 10 кг соф Cr олиш учун қанча миқдорда Al керак?

А) 5,7

Б) 5,9

С) 5,19

Д) 4,3

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
A	Д	Д	Д	C	C	Б	Б	A	C

## **Хулоса**

Ўкувчилар ва талабаларда мавжуд предметларда қизиқиши ривожлантириш, уларда қобилиятларни шакллантириш билим олишда бўлган шахсий қизиқишлигини янада ўстириш, кўп жиҳатдан ўқитувчининг самарали иш фаолиятини тўғри ташкил этилишига боғлиқ. Ўқитувчи истиқбол талабларини хисобга олиб, ўз педагогик фаолияти самарадорлигини оширишга тинмай ҳаракат қилиши керак. Педагогик фаолият самарадор лигини ошириш педагогнинг ижтимоий буюртмани бажаришга шахсан ҳисса қўшишишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини оширишда инновацион фаолият муҳим рол ўйнайди. Янгиликка бой, изланувчанижодий ва мустақил касбий фаолият қўрсатиш, ўз навбатида, ўқитувчидан онглилик ва фаолликни талаб этади. Шунинг учун ҳам замонавий педагогик ва ахборот технологияларини амалга жорий этиш бугунги кунда долзарб муаммолардан бири хисобланади. Ҳозирги глобаллашув, фан-техника, технологиянинг тезкор ривожланиш даврида ахборот майдони кенгайиб, янгиликларнинг ортиб бориши ўқитувчилардан ўз устиларида кўпроқ ишлашни талаб этмоқда. Ўқувчиларга маънавий – ахлоқий, ақлий-интеллектуал, ижтимоий-эстетик таълим беришни ўзаро алоқадорликда амалга ошириш ўқитувчидан катта педагогик маҳоратни, ўз фани соҳасида чуқур билимга эга бўлишни талаб этади.

Лекин тадқиқот ишларида илгари сурилган илғор ғоялар таълим системасида оммалашмай қолаётгани, таълим амалиёти учун керакли хисобланган масалага тегишли ташкилотлар эътибор бермаётганини ҳам кўриш мумкин.

Ўқитувчиларни таълим технологияларга оид адабиётлар билан доимий равишда танишиб боришига, ўз-ўзини касбий-шахсий ривожлантиришига йўналтирилмас экан, кўзланган натижага эришиб бўлмайди. Бунинг учун барча кутубхоналар фондини зарур методик адабиётлар, илмий-методик журналлар билан таъминлашни кучайтириш, узлуксиз таълим тизимидағи фан ўқитувчиларининг ўзаро тажриба алашишини тизимли равишда йўлга кўйиш, педагогик ва ахборот технологияларини дарс жараёнига татбиқ этиш учун ҳар бир узлуксиз таълим тизимидағи ўқув базасида илғор ўқитувчи, педагог олим, методист ҳамкорлигида илғор педагогик ва ахборот

техналогияларини ишлаб чиқарувчи доимий гурухлар фаолиятини йўлга қўйиш лозим ;

Дарсликларни қўргазмалилик нуқтаи назаридан бойитиш, ундаги расмлар сифатини ошириш, уларга сўнги фан-техника янгиликлари билан боғлиқ нарса-ҳодисаларни киритиш;

Истиқболда дарсликларнинг уларга яратилган мултимедиани илова билан уйғунлигини таминлаш керак ;

Дарсликка педагогик техналогиялар элементларини расмлар ва топшириқлар, чизмалар , график чизмалар киритиш лозим .Педагогик технологиялардан қуйидаги усуллар ва технологияларни дарс жараёнида қўллаш дарс самарадорлигини оширишда катта ёрдам беради.Масалан: “Технологик харитани тузиш, ”Кластер” усули , “Венн диаграммаси” ,”Кунгабоқар“, ”Чархралак”, ”Тушинчалар таҳлили”, ”Сенквейн ”Кичик гурухларда ишлаш”, ”Зинама-зина технологияси”, “Балиқ скелети”, ”Бумеранг технологияси”, ”Фикрлар уммони”, ”ФСМУ” технологияси,”Кенг қамровли-глобал”технологияси, ”Резюме”технологияси, “Хамкорликда ўқиймиз ,ўрганамиз” технологияси, амалий машғулотлар ўtkазиш тартиби, Психологик усуллардан : занжир усули, ақлий хужум, тест саволлари, қизиқарли кимё кечалари, дарс беришнинг “экскурсия усули”,кимёдан билимингизни синаб кўринг, дарс беришнинг электрон усуллари , масофадан туриб ўқитиш усули шулар жумласидандир. Бу қўлланилган усулларни шаклига қараб ҳар бир дарсда қўллаш мумкин. Турли усулларни қўллаш, схемалар, чизмалар, лаборатория тажрибалари, ҳамда кўрсатмали тажрибаларни дарс жараёнида фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг қобилияtlарини : ўқувчиларни дарс жараёнида мустақил ва эркин фикрлашни, мавзудан келиб чиққан ҳолда керакли хulosаларни чиқаришни, индивидуал ва гурухларда ишлашни ,бир-бирини фикрини эшлишини ва ҳурмат қилишни ,ўзининг билимини ўзи баҳолашини ,вазиятдан келиб чиққан ҳолатда пишиқ ва пухта билим олиш учун замин яратилади ва булар эса дарс самарадорлигини оширади.

## **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Ўзбекистон Республикаси “ Таълим тўғрисида”ги Қонуни./ Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётиниг пойдевори. – Т: Шарқ, 1998.–Б20– 29.
2. Ўзбекистон Республикаси “ Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётиниг пойдевори. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997. – 31- 61 б.
- 3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги “ 2004 –2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида”ги 3431-ПФ Фармони // Таълим тараққиёти ж. – 2004. - №3. - 26-б.
- 4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги ПҚ-1271-сон Қарори. “ Баркамол авлод йили” Давлат дастури тўғрисида .
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралдаги ПҚ-2133-сон Қарори. “ Соғлом бола йили” Давлат дастури тўғрисида .
- 6.Каримов И.А Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётиниг пой девори: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқи. 1997 йил, 29 август. // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётиниг пой девори. Т: Шарқ, 1997. – 64 б – Б.4-19.
7. Каримов И.А Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳатларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқларимизнинг хаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007.
8. Каримов И.А Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т: “Маънавият”, 2008. – 176 б.
9. Абдукаримов Х. Педагогик техналогия ва педагогик маҳорат: ўқув – методик қўлланма. – Т.:2010. – 75 б.
- 10.Алметов Н. Хозирги замон таълим техналогиялари: ўқтувчилари учун қўлланма. – Ш., Алмати узлуксиз таълим университети, 2002. – 68 б.
- 11.Бабанский Ю.К. Хозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиши методлари. – Т.: Ўқитувчи , 1990. – 230 б.
- 12.Бозоров Э., Мусурмонова О. Ўқитувчининг ижодкорлиги – давр талаби. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – 120 б.
- 13.Джураев Р.Х . Таълимда интерфаол техналогиялар. – Т.: Сано-Стандарт, 2010. – 87 б.
- 14.Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион техналогиялар ( таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун қўлланма). – Т.: Истеъдод, 2008. – 180 б.
- 15.Йўлдошев Ж.Ғ. Таълим янгиланиш йўлида. – Т.: Ўқитувчи, 2000. – 207 б.

16. Йўлдошев. Ж., Йўлдошева. Ф., Йўлдошева. Г. Интерфаол таълим сифат кафолати – Т.: Фан, 2008. – 81 б.
17. Йўлдошев Ж.Ф. Усмонов С.А. Замонавий педагогик техннологияларни амалиётга жорий қилиш. – Т.: “Фан ва технология”, 2008. – 131 б.
- 18.Рахматуллаев Н, Омонов.Ҳ.,Миркомилов.Ш “Кимё ўқитиш методикаси” Олий ўқув юртлари учун дарслик - Тошкент : Иқтисод-Молия ,2013. .320б
- 19.Сайдидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003. – 172 б.
- 20..Хайитов.А., Боймуродов Н. Таълимда ноаънавий дастлаб ва интерфаол усуллардан фойдаланиш. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 20 б.
- 21 .7-9-синфлар учун кимё фанидан дарслклар Т.2011-12.
- 22.Низамова.С.О. Кимё дарсларида инновацион усулларни қўлланилиши.Ўқув методик қўлланма.Т.2011.

## **Мундарижа:**

1 Кириш	3-5
2. 1. Кимёни ўқитишда фойдаланиладиган умумий методлар	6
3. Таълим жараёнида инновация методларидан фойдаланиш ва унинг авфзаллик томонлари	7-8
4 Олтингугурт элементининг хоссаларини “Идрок харитаси” ёрдамида ўрганиш.	9-15
5. N <sub>2</sub> элементнинг хоссаларини ўрганишда “Зинама-зина” технологияси.	16-21
6. Fe элементи ўрганишда “Резюме” технологиясидан фойдаланиш.	22-25
7. Сувнинг таркиби, тузилиши, хоссалари, сувнинг таркибидаги O <sub>2</sub> нинг миқдорини аниқлаш	26-34
8 Венн диаграммаси асосида Ca ва Mg хоссаларини ўрганиш	35-40
9. Углерод элементининг хоссаларини “Глобал-кенг қамровли” усулда тушинтириш	41-48
10. Чиқиндисиз технология муаммолари	49-51
11. Крахмал ва целлюлозани табиатда учраши, хоссалари, олиниши ва ишлатилши-психологик усул	52-57
12. Бумеранг” технологияси ёрдамида “Фосфор ва унинг хоссалари” мавзусини ўрганиш	58-65
13. “Чархпалак ” технологияси асосида “Алюминий ва унинг хоссалари”ни ўрганиш	66-70
14. Кимёвий элементларнинг инсон организимига ижобий ва салбий таъсири	71-78

15“Фосфор ва унинг хоссалари “ мавзусини “Хамкорликда мавзууни ўқишини ва ўрганиш” ни ташкил этиш усули асосида ўрганиш жараёни.	79-81
16 Хлор элементини ўрганишда модул технологиясидан фойдаланиш.	82-88
17. ФСМУ технологияси асосида марганец элементининг хоссаларини ўрганиш	89-93
18.”Кремнийнинг даврий ситетадаги ўрни, хоссалари , олиниши ва ишлатилиши”	94-101
19. Интернет тармоқлари орқали мустақил ўқишини ташкил этиш ва ишлардан намуналар	102-126
20.Хулоса	127-128
21.Фойдаланилган адабиётлар	129-130

**НИЗАМОВА САИДА ОДИЛОВНА**

**Кимё фанини ўқитишда инновацион  
услубларнинг қўлланилиши**

(Ўқитувчилар учун ўқув-услубий қўлланма)

**Нашр учун масъул:**  
М.Султонова

**Мухаррирлар:**  
А.Тилавов  
У.Султонов

**Техник мұхарир:**  
Ю.Үринов

Наш.лиц. № АI 245, 02.10.2013.  
Теришга 25.10.2016 йилда топширилди. Босишга 25.11.2016 йилда рухсат  
этилди. Бичими: 60x84 1/16.

Офсет босма. Таймс гарнитураси. Шартли б.т. 6,7.  
Нашр б.т. 5,4. Адади: 500 нусха. Буюртма №88.  
Баҳоси шартнома асосида

«Sano-standart» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,

Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Sano-standart» МЧЖ босмахонасида босилди.  
Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-уй.

ZiYonet.uz